**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Урганч давлат университети**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*332.012.2(575.171)*

**Вапаева Фазилат Қурбонбоевна**

# ХИВА ХОНЛИГИ БОЗОРЛАРИДА НАРХ-НАВО ВА АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ

*5А120302 “Тарих” (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)*

*Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган*

# ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар** **доц. Маткаримова С.**

**Урганч-2019**

**Мавзу: ХИВА ХОНЛИГИ БОЗОРЛАРИДА НАРХ-НАВО ВА АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ**

**МУНДАРИЖА:**


**КИРИШ.................................................................................................................**

**I БОБ. XVI-XIX АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ, УНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ.................................................................................**

1.1.XVI-XIX асрларда Хива хонлигининг сиёсий ва маданий ҳаёти..............

1.2. Хива хонлигида XVI-XIX асрларда ҳунармандчилик турлари.................

**II БОБ. ХИВА ХОНЛИГИНИНГ XVI-XIX АСРЛАРДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ...........................................................................................................**

2.1. XVI-XVIII асрларда Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари................

2.2. XIX асрда Хива хонлигининг ташки иқтисодий ва савдо алоқалари.........

2.3. XVI-XIX асрлар Хива хонлиги сиёсий тарихи ва савдо алоқаларининг ёзма манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи...........................................

**III БОБ. ХИВА ХОНЛИГИДА ФЕОДАЛ ЕР ЭГАЛИГИ ВА ХЎЖАЛИК ҲАЁТИ М.ЙЎЛДОШЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА................................**

3.1. М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ер эгалиги ва мулкчилик муносабатларининг архив материаллари асосида ўрганилиши.......................

3.2. Хива хонлиги солиқ тизими М.Йўлдошев тадқиқотларида.......................

3.3. Академик М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ҳунарманчилиги ва савдо-сотиқ масалаларининг ёритилиши........................................................

**ХУЛОСА.................................................................................................................**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....................................**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги**. Ўрта Осиё давлатлари узоқ даврлар мобайнида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афгонистон ва Шарқдаги бошқа мамлакатлар ҳамда Россия давлати билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларда бўлиб келдилар. Айниқса, Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ҳозирги кундаги яқин дўстона алоқаларининг илдизлари ана ўша узоқ тарихий даврга бориб тақалади.

Маълумки, XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида Хива хонлиги вужудга келган. Мазкур тадқиқотда XVI-XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шу билан бирга хонликнинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афгонистон ва Россия билан иқтисодий савдо алоқалари, ички ва ташқи савдода нарх-наво масалалари ўрин олган.

Ушбу магистрлик диссертацияси мазмунини ёритишда маҳаллий манбалардан, рус сайёҳлари, дипломатлари ва элчиларининг берган маълумотларидан, нашр қилинган рус ва ўзбек тилидаги китоблардан ва архив ҳужжатлари маълумотларидан кенг фойдаланилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, нарх-наво масаларини ўрганиш ва ёритишда рус ҳамда инглиз тадқиқотчилари катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг айримлари сайёҳ ва дипломат сифатида хонлик ҳудудларига келган вақтда йўллар, қудуқ, манзил-маконлар, истеҳкомларни синчковлик билан кузатиб, барча белгиларни эслаб қолишга ҳаракат қилганлар. Натижада Хива хонлиги ҳақидаги жосуслик маълумотлари тўплана бошланган ва улардан келгусида амалга ошириладиган ҳарбий мақсадларда кенг фойдаланилган. Бундай манбалар қаторига капитан Николай Муравевнинг саёҳати тафсилотлари[1]

[1] Puteshestvie v Turkmeniyu i Xivu v 1819 i 1820 gg. gvardeyskogo Generalnogo shtaba kapitana Nikolaya Muraveva, poslannogo siyu stranu dlya peregovorov. T. 1. – M., 1819; T. 2. – M., 1820; Zapiski N.N.Muraveva–Karskogo "Puteshectviya v Xivu" // Russkiy arxiv, 1887, № 3. – B. 5-42; Muravev N. Xiva tijorati. 1819-1820 yillarda O’rta Osiyoga sayyohat // Hayot va iqtisod, 1993, № 3. – B. 74-75.

ҳамда полполковник Г.И.Данилевский [2] ва полковник Н.П.Игнатев [3] экспедицияларининг ҳисоботлари киради.

Хива хонлиги тарихини ўрганишни янги саҳифаси чор Россияси босқинидан кейин бошланди[4]. Руслар билан Хивага келган шарқшунос А.Л.Кун [5], Е.Желябужский [6], генерал-лейтенантлар В.Н.Тротский [7] ва М.А.Терентьев [8], полковниклар Л.Ф.Костенко [9] ва Ф.И.Лобисевич [10],

---

[2] Danilevskiy G.I. Opisanie Xivinskogo xanstva // Zapiski Russkogo geograficheskogo obshestva. Kniga 5-ya. – SPb., 1851. – S. 62-153.

[3] Missiya v Xivu i Buxaru v 1858 g. fligel – adyutanta N.P.Ignateva – SPb., 1897.

[4] Xivaning XIX asr tarixshunosligida quyidagi olimlarning ishlari alohida ahamiyatga ega: Muravyov N.N. Puteshestvie v Turkmeniyu i Xivu v 1819-1820 g. gvardeyskogo Generalnogo SHtaba kapitana Nikolaya Muravyova, poslannogo v siyu stranu dlya peregovorov. CH. 1-2, -M., 1822; Ivanin M.I. Svedeniya o Xivinskom xanstve //Manufaktura i torgovlya. 1843, №4; Sobolev L. Obzor dostupov k Xivinskomu xanstvu i kratkie svedeniya o nyom //Voenniy Sbornik. 1873, №5; Kostenko L.F. Xiva v 1873 g. - SPb., 1874; Kun A.L. Nauchnaya rabota vo vremya Xivinskogo poxoda. // TV, 1973. № 50; SHu muallif. Doxodi Xivinskogo xanstva // Turkestanskie vedomosti, 1873, №32; SHu muallif. Zametki o Xivinskom xanstve // Turkestanskie vedomosti 1873, №46; SHu muallif. Nauchnaya rabota vo vremya Xivinskogo poxoda Turkestanskie vedomosti, 1873, №50; SHu muallif. Kulturniy oazis Xivinskogo xanstva // Turkestanskie vedomosti, 1874, №6; Veselovskiy N.I. Ocherk istoriko-geograficheskix svedeniy o Xivinskom xanstve s drevneyshix vremen do nastoyashego. -SPb., 1877; Danilevkiy G.I. Opisanie Xivinskogo xanstva //Zapsiki Russkogo Geograficheskogo Obshestva. Kn. 5, 1851; Baziner Th. F (Baziner F.) Naturwissenschaftliche – Reise durch die Kirqisensteppe nach Chiwa, St. – Petersburq, 1848; Gladishev D., Muravin. Poezdka iz Orska v Xivu i obratno, sovershennaya v 1740-1741 gg. poruchikom Orenburgskogo dragunskogo polka Dmitriem Gladishevim i geodizistom Muravinim. Izdana s priobsheniem sovremennoy karto' Millerova puti ot Orska do Zyungorskix vladeniy i obratno Ya.V.Xanikovim. - SPb., 1851; Xanikov N.V. Poyasnitelnaya zapiska k karte Aralskogo morya i Xivinskogo xanstva //ZRGO. Kn. 5, 1851; Grigorev V.V. Opisanie Xivinskogo xanstva i dorogi // Zapsiki Russkogo Geograficheskogo Obshestva.. Kn. 2. 1861; Vamberi X. Puteshestvie po Sredney Azii. -Moskva:I.Mamontova, 1867; Velyaminov-Zernov V.V. Arxivnie moneti buxarskie i xivinskie //Trudi Vostochnogo Otdela Rossiyskogo Arxeologicheskogo Obshestva. CH. 4. 1859; Lerch P. Khiwa oder Kharezm, seine historischen und qeoqraphischen – vernaitnisse von P. Lerch, Mit I. Karte von Khiwa. St.Petersbuq, 1873; Kaulbars A.V. Nizovya Amu-Dari, opisannie po sobstvennim issledovaniyam v 1873 g. // Zapsiki Russkogo Geograficheskogo Obshestva po otdelu obshey geografii. Kn. 9. 1881; Drevneyshie rusla Amu-Dari // Zapsiki Russkogo Geograficheskogo Obshestva. po otdelu obshey geografii XVII, №4. -SPb., 1887; Materiali dlya razresheniya voprosa o povorote Amu-Dari v Kaspiyskoe more. –Tiflis, 1887; SHkapskiy O. Amu-Darinskie ocherki. K agrarnomu voprosu na Nijney Amu-Dare. Zemlevladenie v SHuraxanskom uchastke Amu-Darinskogo otdela. –T., 1900; Bartold V.V. Svedeniya ob Aralskom more i nizovyax Amu-Dari s drevneyshix vremen do XVIII v. //ITORGO. T. 4; SHu muallif. Nauchnie rezultati Aralskoy ekspeditsii. Vip. 2. -T., 1902; SHu muallif. Sobitiya pered Xivinskom poxodom 1873 g., po rasskazu xivinskogo istorika //Kaufmanskiy sbornik. -M., 1910, №35; SHu muallif. K istorii orosheniya Turkestana. Vip. 2. -SPb., 1914; SHu muallif. Ocherk istorii turkmenskogo naroda. Virez. Iz. kn. «Turkmeniya». T. 1. Izd. AN SSSR, -L., 1929; Bartold V.V., Jukovskiy S.V. Snosheniya Rossii s Buxaroy i Xivoy za poslednee trexsotletie //Zapsiki Rossiyskogo Arxeologicheskogo Obshestiva, №2. T. 12, 1914; Bartold V.V., Jukovskiy S.V. Snosheniya Rossii s Buxaroy i Xivoy za poslednee trexsotletie //Zapiski Rossiyskogo Arxeologicheskogo Obshestva, №2. T. 12, 1914; Kondrashev S.K. Oroshaemiy Xorezm. Organizatsiya orosheniya, territorii i orudiy truda v dexkanskix xozyaystvax nizovev Amu-Dari. -Moskva:In. Melioratsii VASXNIL i OPIIVXSA. 1931; Yakubovskiy A.Yu. Razvalini Urgencha //IGAIMK. T. 6. Vip. 2. -L., 1930; Gorodishe Mizdaxkan //ZKV. T. 5. -L., 1930; Askochenskiy A.N. Yujniy Xorezm kak ob'ekt vodoxozyaystvennogo stroitelstva. -T.: NKZ SSSR Glavvodxoz, SAZGIPPROVOD bivsh. Sredazvodproiz, 1933.

[5] Kun A.L. Poezdka po Xivinskomu xanstvu v 1873 g. // Izvestie Imperatorskogo russkogo geograficheskogo obshestva, t. 10. – SPb., 1874. – S. 47-58.

[6] Jelyabujskiy Ye. Ocherki i zavoevanie Xivi. S 9-yu kartinkami. – M., 1875 // Turkestanskiy sbornik, t. 85.

[7] Xivinskiy poxod 1873 g. po ofitsialnim istochnikam. Pod red. V.N.Trotskogo. – SPb., 1873.

[8] Terentev M.A. Istoriya zavoevaniya Sredney Azii. V 3-x tomax. – SPb., 1906.

[9] Kostenko L.F. Gorod Xiva v 1873 g. – SPb., 1873.

[10] Lobisevich F.I. Opisanie Xivinskogo poxoda 1873 goda. – SPb., 1898.

америкалик журналист А.Я.Мак-Гахан[11] ўзларининг таассуротлари асосида қизиқарли асарлар ёздилар.

Манбалар ва илмий адабиётнинг бир туркумлари Хива хонлигининг қўшни мамлакатлар билан олиб борилган муносабатлари ҳамда алоқаларига багишланган. Хива хонлигининг халқаро миқёсдаги фаолияти ва ўрнини кўрсатиш учун улардан кенг фойдаланилди. Хива хонлигининг қўшни давлатлар, жумладан, Эрон, Россия, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг айрим жиҳатларини акс эттирган илмий адабиётларда[12] Хива хонлигининг ҳамда Эроннинг ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти; икки давлатнинг ўзаро сиёсий алоқалари; иқтисодий алоқалар; уларнинг этномаданий ҳаётида юз берган жараёнлар ҳамда ўзаро алоқаларга хизмат қилган савдо ва карвон йўллари тарихи ёритилади.

Шулардан Н.И.Веселовский, В.В. Бартолд, И.П. Петрушевский, М.С.Иванов, Я.Ғ.Ғуломов, П.П.Иванов, М.Р.Арунова ва К.З.Ашрафян, Қ.М.Мунирова, О.Е.Ефендиев, Ғ.А.Агзамова, А.Ф.Файзиев[13], Н.Д.Миклухо-

---

[11] Mak Gaxan A.Ya. Voennie deystvie na Oksuse i padenie Xivi. – M., 1875. Kitobning yangi nashri 1970 yilda Nyu–Yorkda amalga oshirilgan. Yana qarang: Mak-Gaxan Yanuariy Aloiziy / MacGahan, Januarius Aloysius. Voennie deystviya na Oksuse i padenie Xivi «Voennaya literatura»: militera.lib.ru [Dopolnitelnaya obrabotka: Smolyanin (small_yanin@rambler.ru); Andrey Myatishkin (amyatishkin@mail.ru); Hoaxer (hoaxer@mail.ru) ]

[12] Mazkur mavzu bo’yicha olima N.A. Allaeva tadqiqotlaridan ham keng foydalanildi. Qar.: Allaeva N. A. XVI – XVIII asrlarda Xiva xonligi va Eron o’rtasidagi o’zaro aloqalar. Tarix fan. nom. avtoreferati. Toshkent, O’zbekiston FA tarix instituti. 2007. – 25 b; SHu muallif. Turkiy xalqlar tarixi va madaniyati taraqqiyotida Abulg’ozi Bahodirxoning tutgan o’rni // Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – Toshkent, 2004. – B. 52-56; SHu muallif. O’rta asrlarda Xiva xonligi aholisi tarkibi va unga etnodemografik jarayonlarning ta’siri // O’zbekistonda etnodemografik jarayonlar (xalqaro konferentsiya materiallari). 1-qism. – Toshkent, 2005. – B. 15-18; SHu muallif.Xiva xonligi va Eron o’rtasidagi o’zaro aloqalarning manbalarda yoritilishi (XVI-XVIII asrlar) // Akademik U. Karimov nomidagi yosh sharqshunoslar ilmiy konferentsiyasi tezislari. – Toshkent, 2005. – B. 53-58; SHu muallif. Xiva xonligi va Eron o’rtasidagi diplomatik aloqalar tarixidan (XVI-XVIII asrlar) // Xalqaro munosabatlar. – 2005. № 3. –B. 85-90; SHu muallif. Hunarmandchilik ishlab chiqarishi – o’rta asr shaharlari taraqqiyotining asosiy omili. (Xorazm shaharlari misolida) // Xorazm Ma’mun akademiyasining 1000 yilligiga baishlangan yosh olimlarning xalqaro konferentsiyasi tezislari to’plami. – Urganch, 2006. – B. 327-328; SHu muallif. «Noma-yi olamoro-yi Abbosiy» manba sifatida // H. Sulaymonov nomli Respublika yosh manbashunoslari va matnshunoslarining ilmiy anjumani materiallari. – Toshkent, 2006. – B. 14-16; SHu muallif. Abulg’ozixon haqida yana bir so’z // Imom al-Buxoriy saboqlari. – 2006. № 3. – B. 229-231; SHu muallif. O’zbek diplomatiyasi tarixidan (Xiva-Eron aloqalari misolida) // Falsafa va huquq. – 2006. Maxsus son. – B. 72-74; SHu muallif. SHarq bilan G’arbni tutashtiruvchi voha // Moziydan sado. – 2006. № 4. – B. 19-21; SHu muallif. Xiva xonligi va Eron o’rtasidagi savdo aloqalari tarixidan // O’zbekiston tarixi. – 2007. № 1. – B. 67-74.

[13] Veselovskiy N.I. Ocherk istoriko-geograficheskix svedeniy o Xivinskom xanstve s drevneyshix vremen do nastoyashego. – Spb., 1877. – 364 s; SHu muallif. Pamyatniki diplomaticheskix i i torgovix snosheniy Moskovskoy Rusi s Persiey. – Spb., 1890. T. I. – 462 s; Bartold V.V. Ocherk istorii turkmenskogo naroda // Turkmeniya. – L., 1929. T. I. – S. 56-67; SHu muallif. Uzbekskie xanstva / Sochineniya. – M., 1963. T. II (I). – S. 268-293; Petrushevskiy P.P. Ocherki po istorii feodalnix otnosheniy v Azerbaydjane i Armenii v XVI – nachale XIX vv. – L., 1949. – 384 s; Ivanov M.S. Ocherk istorii Irana. – M., 1952. – 468 s; Gulyamov Ya. Istoriya orosheniya Xorezma s drevneyshix vremen do nashix dney. – T., 1957. – 313 s; Ivanov P.P. Ocherki po istorii Sredney Azii (XVI- seredina XIX v.) – M., 1958. – 246 s; Arunova M.R., Ashrafyan K.Z. Gosudarstvo Nadirshaxa Afshara. (Ocherki

Маклай, Б.С.Маннонов, П.П.Бушев, О.Е.Екаев ва И.К.Павлова[14], замонавий Эрон тарихшунослари[15] ҳамда Д.В. Валиева, Н.Б.Байкова, Ю.Н.Абдуллаев, О.А.Амантиев, М.А.Аннанепесов, Р.Г.Мукминова, Г.А.Михалева, О.Бертонларнинг тадқиқотлари Хива хонлигининг қўшни мамлакатлар билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ёритишга ёрдам берган адабиётлар сифатида қайд этилса бўлади[16].

Магистрлик диссертацияси мазмунини ёритишда М.Й.Йўлдошевнинг китобларидаги архив маълумотлари айниқса кенг ўрганилди ва манбавий асос вазифасини бажарди[17].

А.Хорошхин, Г.А.Пугаченкова, А.М.Матвеев, А.А.Мадаев, Э.Мамедова, Н.Г.Гойибов И.Г.Низомутдинов, Л.М. Епифанова, Г.Эшчонова,

---

obshestvennix otnosheniy v Irane 30-40 – x godov XVIII veka) – M., 1958. – 283 s; Munirov Q. Munis, Ogahiy va Bayoniylarning tarixiy asarlari. – T., 1960. – 169 b; SHu muallif. Xorazmda tarixnavislik. (XVII – XIX va XX asr boshlari). – T., 2002. – 190 b; Efendiev O. Azerbaydjanskoe gosudarstvo Sefevidov v XVI veke. – Baku, 1981. – 210 s; Agzamova G. Sredneaziatskie tsentri torgovli i puti svyazivayushie ix s Rossiey.: Dis. ... kand. istor. nauk. – T., 1990. – 195 l; SHu muallif. O karavannix putyax iz Xivi v Orenburg // Obshestvennie nauki v Uzbekistane. – 1991. – № 12. – B. 43-48; SHu muallif. So’nggi o’rta asrlar O’rta Osiyo shaharlarida hunarmandchilik va savdo. – T., 2000. – 52 b; SHu muallif. XVI – XIX asrning birinchi yarmida O’zbekiston shaharlari va shaharlar hayoti.: Tarix fanlari doktori ... dis – T., 2000. – 348 varaq; Fayziev A. (R.G. Mukminova tomonidan to’ldirilgan) Xorezm v nachale XVI – pervoy polovine XIX v. / Istoriya Uzbekistana. – T., 1993. T. III. – S. 249-312.

14 Mikluxo-Maklay N.D. K istorii politicheskix vzaimootnosheniy ... – S. 11-18; Mannanov B.S. Otnosheniya Irana so sredniaziatskimi xanstvami vo vtoroy polovine XIX veka // Iranskiy sbornik. – M., 1963. – S. 56-71; SHu muallif. Lolaboshining Xorazm safari // SHarqshunoslik. – 1997. – № 8. – B. 69-73; SHu muallif. Xorazm tarixnavisligida Xiva xonligi tashqi siyosati // SHarqshunoslik. – 1997. – № 8. – B. 155-162; Bushev P.P. Istoriya posolstv i diplomaticheskix otnosheniy russkogo i iranskogo gosudarstv v 1586 – 1612 gg. – M., 1976. – 478 s; SHu muallif. Bushev P.P. Istoriya posolstv i diplomaticheskix otnosheniy russkogo i iranskogo gosudarstv v 1613 – 1621 gg. – M., 1987. – 297 s; Ekaev O. Turkmenistan i turkmeni v kontse XV – pervoy polovine XVI v. (Po dannim «Alam Ara-i Sefevi») – Ashxabad, 1981. – 142 s; Pavlova I.K. Xronika vremen Sefevidov (Sochinenie Muxammad-Masuma Isfaxani «Xulasat as-siyar»). – M., 1993. – 120 s.

15 Ali Akbar Viloyati. Tarix-i ravobat-i xoriji-yi Iron dar ahdi shoh Abbos avval Safaviy. – Tehron, 1995. – 298 s; SHu muallif. Tarixi ravobat-i xoriji-yi Iron dar ahdi shoh Ismoil Safaviy. – Tehron, 1996. – 411 s; Abbosquli G’affori Fard. Ravobat-i Safaviya va Uzbagon. – Tehron, 1997. – 373 s;

16 Valieva D. Sredneaziatsko-iranskie otnosheniya v pervoy polovine XIX veka // Vzaimootnosheniya narodov Sredney Azii i sopredelnix stran Vostoka. – T., 1963. – S. 52-53; Yee je. XIX asrning birinchi yarmida Buxoro va Xivaning tashqi iqtisodiy aloqalariga doir (Arxiv hujjatlari asosida) // SHarqshunoslik. – 1997. – № 8. – B. 162-169; Baykova N.B. Rol Sredney Azii v Russko-indiyskix torgovix svyazyax. (pervaya polovina XVI – vtoraya polovina XVIII v.). – T., 1964. – 192 s; Abdullaev Yu.N. Astrabad i russko-iranskie otnosheniya (vtoraya polovina XIX – nachalo XX v.) – T., 1975. – 132 s; Amantiev O. Turkmenistan i turkmeni v pervoy polovine XVIII veka (po dannim soch. Muxammada Kazima «Name-yi alamara-yi Nadiri») – Ashxabad, 1980. – 115 s; Annanepesov M. Ukreplenie russko-turkmenskix vzaimootnosheniy v XVIII – XIX vv. – Ashxabad, 1981. – 266 s; Mukminova R.G. Traditsii vzaimosvyazey po shelkovomu puti v pozdnefeodalniy period // Na sredneaziatskix trassax Velikogo shelkovogo puti (Ocherki istorii i kulturi). – T., 1990. – S. 117-125; Yee je. Stolniy grad Xiva // Obshestvennie nauki v Uzbekistane. – 1997. – № 7-8. – S. 28-36; Mixaleva G.A. Uzbekistan v XVII – per. pol. XIX v. Remeslo, torgovlya, poshlini. – T., 1991. – 112 s; Burton A. The Bukharans a Dinastic, Diplomatic and Commercial History. 1500-1702. – Great Britain, 1997. – Pp. 438.

17 XIX аср Хива давлат ҳужжатлари / М.Й. Йўлдошев таҳрири остида, нашрга тайёрловчилар: М.Й. Йўлдошев, Т.Н. Неъматов, И.Г. Низомиддинов. – Тошкент: Фан, 1960. Т. II. – 404 б.; Yuldashev M.Yu. K istorii torgovix i politicheskix svyazey Sredney Azii s Rossiey v XVI – XVII veka. – T., 1964. – 123 s; Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – 363 б.

А.Жумаев тадқиқотлари Хива-Эрон ўзаро муносабатларининг икки давлат этномаданий ҳаётида акс этиши ҳақида тушунча берувчи илмий адабиётлар сифатида таҳлил қилинди[18].

Ўрта асрларда Хоразмни гарбий ва шимолий йўналишдаги карвон йўллари ҳамда уларнинг йўналишлари ҳақидаги маълумотлар А.В. Панков, Н.Л.Корженевский, П.П.Бушев, Ў.Мавлоновларнинг тадқиқотларида[19] ҳам мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланилди.

А.Содиқов[20] ва Т.Г.Тўхтаметовларнинг[21] асарлари ҳам мавзуни ёритишда асосий манба сифатида қўлланилди. Зеро, ушбу асарлар Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади.

Бундан ташқари охирги йилларда "Ўзбекистоннинг янги тарихи" нашрининг "Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида" номли биринчи китобида, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти томонидан "Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари"[22] номли китобнинг ёзилиши катта аҳамиятга эга.

---

[18] Xoroshxin A. Narodi Sredney Azii // Materiali dlya statistiki Turkestanskogo kraya. – Spb., 1874. Vip. III. – S. 321-322; SHu muallif. Xivinskoe xanstvo // Turkestanskiy sbornik. – Spb.. 1883. T. 116. – S. 473-179; Pugachenkova G.A. Arxitektura Sredney Azii i Irana v svyazyax i vzaimodeystviyax // Obshestvennie nauki v Uzbekistane. – 1972. – № 10. – S. 33-36; Matveev A.M. Iz istorii vixodtsev iz Irana v Sredney Azii vo votoroy polovine XIX – nachale XX v. // Iran. Sbornik statey. – M., 1973. – S. 195-214; Madaev A.A. Xorezmskie dastani i ix spetsificheskie osobennosti. Avtoref. dis. ... kand fil. nauk. – T., 1973. – 17 s; Mamedova E. O nekotorix priemax xudojestvennogo oformleniya xivinskix rukopisey XIX veka // Obshestvennie nauki v Uzbekistane. – 1974. – № 3. – S. 49-53; Gaibov N.G. Iz istorii kulturnix vzaimosvyazey uzbekskogo i azerbaydjanskogo narodov // Obshestvennie nauki v Uzbekistane – 1979. – № 5. – S. 23-33; Nizamutdinov I.G. Ocherki istorii kulturnix svyazey Sredney Azii i Indii (XVI – XX vv.). – T., 1981. – 55 s; Korogli X.G. Vzaimosvyazi eposa narodov Sredney Azii, Irana i Azerbaydjana. – M., 1983. – S. 3-5; Yepifanova L.M. Izvlechenie iz Tarix-i Rashidi / Materiali po istorii i istorii nauki i kulturi narodov Sredney Azii. Pod. Red. P.G. Bulgakova i U.I. Karimova. – Toshkent., 1991. – 338 s; Eshchonova G. Oshiq G'arib va SHohsanam dostonining variantlari. Filologiya fanlari nomzodi ... dis. – Toshkent., 1994. – 148 b; Djumaev A. Muzikalnie traditsii Xivi XVIII – nachala XX veka // Obshestvennie nauki v Uzbekistane. – 1997. – № 7-8. – S. 71-81.

[19] Pankov A.V. K istorii torgovli Sredney Azii s Rossiey XVI – XVII vv. – T., 1927. – 195 s; Korjenevskiy N.L. Posolstvo Mixaila Tixonova v Persiyu i put yego cherez Xivu i Kara-Kumi v Xorasan (1613-1615) // Izvestiya AN UzSSR. 1951. – № 6. – S. 69-72; Bushev P.P. Ko'rsat. Asarlari; Mavlonov O'. Markaziy Osyoning qadimgi yo'llari: shakllanishi va rivojlanish bosqichlari. – Toshkent.: Akademiya. 2008. 432 b.

[20] Sadikov A.S. Rossiya i Xiva v kontse XIX nachale XX veka. – Toshkent.: Fan, 1972; Sadikov A.S. Ekonomicheskie svyazi Xivi s Rossiey i Xiva v kontse XIX – nachale XX veka. – Moskva:Nauka, 1969.

[21] Tuxtametov T.G. Rossiya i Xiva v kontse XIX i v nachale XX vv. – Toshkent.: Fan, 1970. – S. 4.

[22] Mustabid tuzumning O'zbekiston milliy boyliklarini talash siyosati: tarix shohidligi va saboqlari (1865–1990 yillar). – Toshkent.: SHarq, 2000.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи савдода нарх-наво масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:**

- XVI-XIX асрларда Хива хонлигининг сиёсий ва маданий ҳаёти масаласини ёритиш;
- Хива хонлигида XVI-XIX асрларда ҳунармандчилик турларини келтириш; XVI-XVIII асрларда Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари;
- XIX асрда Хива хонлигининг ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари каби масалаларни ўрганиш;
- XVI-XIX асрлар Хива хонлиги сиёсий тарихи ва савдо алоқаларининг ёзма манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи ёритиш;
- М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ер эгалиги ва мулкчилик муносабатларининг архив материаллари асосида ўрганилиши;
- Хива хонлиги солиқ тизими М.Йўлдошев тадқиқотларида;
- Академик М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ҳунарманчилиги ва савдо-сотиқ масалаларининг ёритилиши каби масалаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари**. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Хивадаги Ичан-қалъа фонди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги Хива хонлиги, умуман Ўрта Осиё тарихига оид нодир қўлёзмалар, тошбосма китоблар, турли ҳужжатлар илмий ишнинг манбавий асосини ташкил этган.

**Тадқиқотнинг объекти.** Мазкур ишнинг асосий объектини Хива холигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи савдодаги нарх-наво масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Мазкур ишнинг асосий предметини Хива холигининг турли даврларда турли мамлакатлар билан олиб борган ташқи

савдо алоқалари ҳақида маълумот берувчи архив материаллари, элчи ва савдогарларнинг эсдаликлари, хотираларидаги масалага ёндашув ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг даврий чегараланиши.** Ушбу магистрлик диссертациясининг даврий чегараланиши Хива хонлигининг XVI-XIX асрларни ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг назарий услубий асослари**. Тадқиқотнинг назарий услубий асосини илмийлик, холислик, тарихий, қиёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлилик тамойиллари, принципларига амал қилинди.

Тадқиқотнинг методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари (айниқса, унинг “Тарихий хотирасиз - келажак йўқ” асарида илгари сурган гоялар), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида баён этилган услубий, илмий-назарий кўрсатмалари муҳим рол ўйнади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги**. Жаҳон ва Ўрта Осиё ёзма меросида Хива хонлигининг XVI – XIX асрлар Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хонликнинг ички ва ташқи савдо алоқалари тарихи масалалари биринчи маротаба архив материаллари, илмий адабиётлар, шунингдек, кенг миқёсдаги манбалар асосида ўрганилди ва таҳлил қилинди. ташқи савдо алоқалари тарихи, бу даврлар ёзма манбалари асосида таҳлил этилиб, муҳим хулосалар ва натижаларга келинди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти**. Ўзбек хонликлари ташқи алоқалари тарихи Ўзбекистон тарихи фанининг муҳим ва ўта долзарб илмий йўналишлар доирасига киради. Мазкур ишда Хоразм ва умуман Ўрта Осиё ва хориж ёзма меросида XVI – XIX асрлар Хива хонлиги ташқи савдо алоқалари тарихи, унинг турли жиҳатлари ҳар томонлама ўрганилди ва назарий хулосалар, илмий натижалар олинди.

Тадқиқотда келтирилган фактлар, илмий умумлашма ва хулосалардан Республика олий ўқув юртларининг тарих мутахассисларини тайёрлаш учун

Ўзбекистон тарихининг сўнгги ўрта асрлар даври тарихи, манбашунослик, тарихшунослик фанларини ўқитиш жараёнида, амалий машғулотларда, Хива хонлиги тарихига оид қўлланмалар, дарсликлар ёзишда ҳамда ўлкашунослик тўгаракларида махсус курслар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми**. Тадқиқот кириш, уч боб, саккиз бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# I БОБ. XVI-XIX АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СИЁСИЙ АҲВОЛИ, УНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

## 1.1. XVI-XIX асрларда Хива хонлигининг сиёсий ва маданий ҳаёти

XVI аср бошларида Шайбонийхон босқини арафасида, Хоразмда қўнғиротлар уругидан чиққан сўфийлар сулоласининг вакили – Темурий ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро (1470-1506) нинг ноиби Чин Сўфи ҳукмдор эди. Унинг даврида Хоразм ҳудуди бошқа Темурийлар мулклари каби 1505 йил Муҳаммад Шайбонийхон томонидан босиб олинди. Бу ҳукмдор ўлимидан сўнг Хоразм 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил Сафавий тобелигига ўтди. Аммо Эронликларнинг Хоразмдаги ҳукмронлиги тезда барҳам топди. Хоразмликларнинг босқинчиликларга қарши мустақиллик учун кураши Эрон қизилбошлари устидан галаба билан якун топди[23].

Ҳокимият тепасига чингизийлардан бўлган Жўжининг бешинчи ўгли Шайбон авлодларидан Арабшоҳ вориси Берка султоннинг ўгли Элбарсхон келди (1511) ва бу давлат кейинчалик тарихий адабиётларда Хива хонлиги деб атала бошланди. Хивада Шайбонийлар ҳукмронлиги 1511 йилдан 1770 йилгача давом этди.

XVIII аср ўрталарида мамлакатда кечаётган сиёсий тарқоқлик, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, уругларнинг ўзаро ички низолари, кўчманчи аҳоли билан ўтроқ аҳоли ўртасидаги тўқнашувлар, шунингдек, ташқи душман Эрон шоҳи Нодирнинг юришлари натижасида иқтисодий ҳаёт издан чиққан эди. Сиёсий соҳада эса “хон бўлиш ўйини” авж олган эди. Давлат номига қўйилган хонлар томонидан бошқарилар, ҳақиқий ҳокимият эса 1763 йилдан бошлаб, иноқлар – Қўнгирот уруги вакиллари қўлига ўтди. Бу жараён бир текис кечмаган. 1740 йилда Хивада Элбарсхон ҳукмронлиги даврида (1728-1740) мамлакатга Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ бостириб келди.

[23] Абулғозий. Шажарайи турк. – Т., 1994. – Б. 120.

Бухоро хонлигини қийинчиликсиз эгаллаган бу ҳукмдор, 20 минг кишилик қўшин билан Чоржўй орқали Хоразмга келган. Бу ҳудудда Нодиршоҳ катта қаршиликка учрайди. Аммо галабага эришгач, у Бухоро хони Абулфайзхоннинг укаси Тоҳирхонни тахтга ўтқазиб кетди. Бу ҳукмдор Хива тахтида атиги 6 ой ўтирган. Унинг ўлимидан сўнг тахтга маҳаллий амалдорлар таклифига кўра Оролда катта нуфузга эга Ортеқ иноқ, Сайид Алибей ва Хўрозбеклар қозоқ хони Абулҳайрхоннинг ўгли Нуралихонни Кат шаҳрида хон кўтарганлар. Бу ҳол Нодиршоҳга ёқмаган. Муниснинг ёзишича, бу бошбошдоқлик ва тартибсизликларга барҳам бериш учун хонлик тахтига Нодиршоҳ Элбарсхоннинг ўгли Абулгози II (1742 – 1746) ни ўтқазди[24]. Абулгози II га Орол ўзбекларининг мангит уругидан бўлган Ортуқ иноқ асосий вазир бўлди. Бу шахс Нодиршоҳ билан муносабатларини мустаҳкамлаш учун шоҳ саройига навкар бўлиб хизмат қилиш учун 60 та нуфузли ўзбеклар билан укаси Хўрозбекни юборган. Абулгози II даврида Хивада иқтисодий ҳаёт издан чиқиб, очарчилик бошланган[25]. Бу даврда хонлик сиёсий майдонида ўзаро кураш олиб борган гуруҳлар фаоллиги ҳам кучайиб кетган.

Нодиршоҳнинг ишончини қозонган Ғоибхон ҳукмронлиги даврида (1746-1756) ҳам хонлик иқтисодий ҳаёти янада огирлашган. Хивада мангит ва қўнгирот уруглари ўртасида ўзаро урушлар авж олган. Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволдан норози бўлган халқнинг ҳокимиятга қарши галаёнлари келиб чиққан. 1753 йил Ғойибхонга қарши кўтарилган исён уни мамлакатдан қочишига мажбур қилган ва мамлакатда “хон бўлиш ўйини” авж олган[26].

“Ғойибхондан сўнг Хива тахтида Қорабойхон 1756 йил 4 ой хонлик қилган, сўнгра Темургозихон ибн Муҳаммад Раҳим Султон (1756-1762),

---

[24]Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal. History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. – E.J.Brill. Leiden – New York – Kobenhavn – Koln, 1988. – P.168; Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al- Iqbal. History of Khorezm / Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Brill – Leiden – Boston – Koln, 1999. – P. 66.

[25] “Фирдаус-ул-икбал” Сочинение Муниса, продолженное и законченное Агехи. Перевод и примечания П.П. Иванова // Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М., 1939. Т. 2. – С. 334.

[26] Веселовский И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – С. 222.

қозоқ хонларидан бўлган, Хивага келиб, карвонсаройда тўхтаган Худойдод (лақаби Тавкахон) (1762-1764) ўтирган. Хива давлатини 1764-1766 йиллари Ғойибхон ўғли Шергозихон бошқарган. Шергозихон даврида туркманларнинг ёвмут ва човдур қабилаларининг мамлакатдаги нуфузи ортиб кетиши натижасида, у қарши кучлар томонидан тахтдан агдарилган. Навбатдаги ҳукмдор собиқ хонлардан бири Темургозининг укаси Абулгозихон III бўлиб, у 1766-1767 йиллар давомида ҳукмронлик қилди[27].

Хива хонлиги сиёсий майдонда XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб қўнгирот уругининг раҳнамоси Муҳаммад Амин иноқнинг нуфузи ортиб борган ва маҳаллий задагонлар, дин пешволари мададига таянган Муҳаммад Амин мамлакатни бирлаштириш борасида кўп саъй-ҳаракатларни амалга оширди. 1861йилда иноқлик лавозимига эришган бу шахс мамлакатни бирлашишига таҳдид солган кучлар, жумладан ёвмутларга қарши фаол курашди. Бу пайтда Муҳаммад Амин 32 ёшда бўлган.

XVIII аср 60-йилларининг охирида ёвмутлар “Беш қалъа” (Хозарасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шоҳобод)ни эгаллайдилар. Хивада Ғойибхоннинг ўгли Жаҳонгирни (1769-1770) хон қилиб кўтардилар. Ёвмутлар ва маҳаллий ер эгаларининг ўртасидаги тахт учун тинимсиз курашларида мамлакат вайронага айланди, аҳолининг иқтисодий аҳволи ночор ҳолга тушиб, сиёсий ҳаёт издан чиқди. Экин майдонлари пайҳон этилди, аҳоли очарчилик ва юқумли касалликлар гирдобига учради. Мамлакатдаги бундай аҳволдан аҳолининг кўпчилиги Бухоро ва Орол бўйларига кўчиб кетган ва Хивада саноқлигина хонадон қолган эди.

Мамлакат сиёсий ҳаётида “хон бўлиш ўйини” XIX асрнинг бошларигача давом этди. Оқибатда иқтисодий ҳаётда танглик юзага келди. Амалда ҳокимият қўлида бўлган Муҳаммад Амин иноқ мамлакат тахтига 20 йил давомида келиб чиқиши чингизийларга бориб тақалувчи 13 та хонларни ўтқазиб, давлатни бошқаришга ҳаракат қилган. Бу даврда Хива тахтида

---

[27] Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal. History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. – E.J.Brill. Leiden – New York – Kobenhavn – Koln, 1988. – P.177; Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al- Iqbal. History of Khorezm / Translated from Chaghatay and Annotated by Yuri Bregel. – Brill – Leiden – Boston – Koln, 1999. – P. 73.

ўтирган хонлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин. 1770 йил Хива тахтига Абул Ҳайрхоннинг невараси, Нуралихоннинг ўғли Бўкалайхон келган. У бир ойгина ҳукмронлик қилган, холос. Сўнгра Хива тахтида Оқимхон (1770-1771) ўтирган. Хонлар кетма-кетлигининг кейинги вакили Абулфайзхон (1771) эди. Сўнг шу йилнинг ўзида Ортиқғозихон тахтни эгаллади. Бу ҳукмдорнинг бошқаруви ҳам узоққа бормади. 1771 йилнинг ўзидаёқ Абдуллахон (1771-1772), Оқимхон (1772-1773) тахт тепасида турганлар. Хонлик тахтида бирин кетин Ёдгорхон (1773-1774), Абулфайзхон (1774-1778), Ёдгорхон (1778-1780), Пўлатғозихон (1781-1783). Ёдгорхон (1783-1790), Абулғозихон IV (1790-1802), Абулғозихон V (1802-1804) ҳукмронлик қилганлар[28]. Давлат бошқарувидаги бундай ҳолатга XIX асрнинг бошларига келиб барҳам берилди. 1804 йили Элтузархон хон рутбасини олиши билан Қўнғиротлар сулоласининг расмий бошқарувига асос солди.

Мамлакатда иноқлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва нисбатан сиёсий осойишталик вазиятини яратишга ҳаракат қилган. Муҳаммад Амин иноқ 1790 йил 61 ёшда вафот этди. Муҳаммад Амин иноқнинг ўғли Авазбей иноқ (1790-1804) иноқлик лавозимида мамлакатни бошқариб, отасининг келиб чиқиши чингизийларга бориб тақалувчи сохта хонларни тахтга ўтқазиш сиёсатини давом эттирган. Амалда эса давлат иноқ ва хонлик бошқарув тизимидаги нуфузли лавозимли кишилардан тузилган махсус кенгаш орқали бошқарилган.

Авазнинг ўғли Элтузар (1804-1806) ҳукмронлиги даврида четдан хон чақириш тўхтатилди. Унинг ўзи 1804 йил хон рутбасини қабул қилиш билан Қўнғиротлар сулоласининг Хива хонлигидаги бошқарувига расмий тус берди.

1806 йил Элтузархон вафот этгач, ўрнига укаси Муҳаммад Раҳим I (1806-1825) ўтирди. У Хивани сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга киришди. Унинг даврида туркманларнинг турли қабилалари бирин-кетин марказий

---

[28] Худайберганов К. Паҳлавон Маҳмуд ёдгорлигининг Хива хонлари тарихини ўрганишдаги ўрни (XVI – XX аср боши).: Тарих фанлар номзоди ... дисс. – Нукус, 2004. – 90-91варақ.

ҳокимиятга бўйсундирилди. Элтузархон даврида Хива хонлигига бўйсунишни истамай Гургон ва Атрек ҳудудларига кўчиб кетган туркман қабилалари Хоразмга қайтиб кела бошлади[29]. Мамлакат иқтисодий ҳаёти ривожланиб, турли ҳунармандчилик соҳалари жонланиб, ички, ташқи савдо фаол тус олган. Хонликнинг турли шаҳарларида катта қурилиш ишлари олиб борилиб, уларнинг меъморий қиёфаси такомиллашиб борган.

Оллоқулихон даврида (1825-1842) мамлакатда ободончилик ишлари кўп олиб борилган. Мамлакат иқтисодиётининг асосларидан бири бўлган ҳунармандчилик ривожланган, ички ва транзит савдонинг тараққий этиши натижасида қўшни узоқ яқин мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларининг фаоллашуви юз берган. Бу эса ўз навбатида хонликда шаҳар ҳаётининг ривожланиши, уларнинг таркибий тузилиши ўзгариши, халқ амалий санъати соҳасининг тараққий этишига олиб келган.

Жумладан, Уста Қаландар томонидан Шайхлар қишлогида нақш устаси Абдулла жин, Каттабог қишлогидан Абдуқодир уста, Ҳазораспдан уста Муҳаммад Мадраим, Хитой қишлогидан уста Юсуф, Гурландан уста Абдужаббор ва бошқа усталар Тошҳовли қурилишига жалб қилинган[30]. Тошҳовлидаги эшикларга ишланган нақшлар ичига форсий шеър ҳам битилган.

Оллоқулихондан кейин тахтга Раҳимқулихон (1842-1846), Муҳаммад Аминхон (1846-1855), Абдуллахон (1855), Қутлуг Муродхон (1855-1856), Саид Муҳаммадхон (1856-1864), Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1864-1910) келган. Бу ҳукмдорлар даврида ҳам мамлакат ободлиги йўлида катта ишлар амалга оширилди – сугориш иншоотлари, янги мадраса, масжидлар, бозорлар, карвонсаройлар ва бошқа жамоат иншоотлари барпо этилди. Уларнинг ҳар бирида шу давр халқ амалий санъати анъаналарини ва наъмуналарини кузатишимиз мумкин.

---

[29]“Фирдаус-ул-икбал”- сочинение Муниса, продолженное и законченное Агехи. Перевод и примечания П.П. Иванова // Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М., 1939. Т. 2. - С. 370.
[30] Болтаев А. Хива эсдаликлари. ЎзР ФА ШИ, № 11645 рақамли қўлёзма. – 43*б*. – 44*а*. варақлар.

XVI-XVIII асрлар мабойнида хонликнинг маданий ҳаётида ҳам сезиларли силжишлар рўй берди. Бу даврда, аввалам бор, қурилиш ва меъморчилик ишларига алоҳида эътибор берилди.

Бадиий хунармандчилик ва меъморчилик ёдгорликлари бўлмиш қатор мадрасалар, масжидлар ва саройлар қад кўтарди. Араб Муҳаммад мадрасаси (1616), Анушахон масжиди ва хаммоми (1657), Шергозихон мадрасаси (1718-1719), Муҳаммад Иноқ мадрасаси, Қўҳна Арк, Сайид Алавуддин мақбараси, Оқмасжид (XVIII аср) кабилар шулар жумласидандир. Хоразм меъморчилик санъатининг бу ноёб ёдгорликлари ҳалқ усталари, қурувчилар, мухандислар, наққошлар, россомлар ҳамда ёгоч ва ганчкор ўймакорларининг юксак махоратидан дарак беради.

Маънавий ҳаётда бу давр ҳалқ ўртасида Ислом динининг сўфийлик таълимоти ва дарвешлик масхабининг кенг ёйилиши билан характерлидир. Сўфийлик таълимоти асосчиларидан Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро (XII аср) ва Баховуддин Накишбандий (XIV аср) гоялари хонликнинг ўтроқ ва чарводор ахолиси орасида машҳур бўлди. Бу таълимотнинг мохияти шундаки, у халқни Худога тоат - ибодат қилишга ундабгина қолмасдан, уни инсобли бўлишга, ҳалол меҳнат билан шугулланишга, ноз неъматлар яратишга, касб хунар ўрганишга чорлади. Ўша даврда Хоразмда Аҳмад Яссавий таълимоти ҳам кенг тарқалган эди. Унинг таълимоти мусулмонлар орасида урушлар, бекорга қон тўкишлар, мол мулк талашуви негизида келиб чиқаётган можаролар кескин қораланди. Ҳалқни осойишталикка ва аҳилликка чақирди.

Ўша даврнинг маънавий ҳаётида тарихшунослик ва адабиётшунослик ва санъатшунослик соҳаларининг ривожланиши ҳам сезиларли эди. Тарихшунослик бобида жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилди. Юқорида айтганимиздек, Абулгозий Баҳодирхон ўз замонасининг йирик давлат арбоби бўлиши билан бирга, тарихнавис олим ҳам бўлган. У ўз даврининг машхур, маданиятли инсонларидан бўлиб, форс-тожик, араб ва мўгул тилларини мукаммал билган. Унинг қаламига мансуб иккита тарихий

машхур асарлар: “Шажараий тарокима” ва “Шажараий турк” бебаҳо асарлар хисобланади.

"Шажараий тарокима" асари тахминан 1658-1661 йилларда ёзилган. Бу асрда туркий халқлар ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Асарда барча туркларнинг афсонавиий подшоси Ўгузхон ва унинг авлодлари ҳамда туркман ҳалқини келиб чиқиш тарихи қисқа тарзда баён қилинган.

«Шажарайи турк» асари 1663-1665 йилларда ёзилган бўлиб, унда турклар, мугуллар ва шайбонийларнинг энг қадим замонлардан то 1511 йилгача бўлган тарихи қисқача баён қилинган. Асарда афсонавий, диний, сиёсий воқеалар билан бир қаторда, Хоразмнинг ўша даврдаги хўжалик ҳаёти, деҳқончилиги, сугориш тизими, шаҳар ҳаёти, савдо-сотиқ ва аҳолининг турмуш тарзи, урф одатлари ҳақида ҳам бой маълумотлар берилган.

Асар шарқшунос олимлар Н.И.Веселовский, В.В.Бартолд, Ҳ Вамбери, П.И.Демизон, П.П.Иванов, С.П.Толстовлар томонидан юқори баҳоланган. Асар рус, инглиз, француз, немис тилларига таржима қилинган.

Абулгозий Баҳодирхоннинг бу асарлари Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, Хоразм тарихини ўрганишда бебаҳо манба хисобланади.

Тадқиқ қилинаётган даврда Хоразмда Фузулий, Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Навоий ва Маҳтумқули каби Шарқнинг буюк алломалари асарлари кенг тарқалган бўлиб, уларнинг бадиий асарлари, газаллари севиб ўқилган, куйланган. Уларнинг юксак гоялар билан битилган газаллари, достонлари Хоразм адабий муҳитига алоҳида таъсир кўрсатган. Ўша даврда Хоразмда бир гуруҳ тараққийпарвар шоирлар ва ёзувчилар етишиб чиқди. Шулардан Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Раҳим (XVI аср), Мавлоно Вафий, Муҳаммад Ҳоксор (XVIII аср), Рақим, Равноқ, Нурмуҳаммад Андалиб, Муҳаммадниёз Нишотий (XVIII аср) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Муҳаммад Ҳоксорнинг бизгача етиб келган «Мунтақаба лугат» асари ўз замонининг қомусий асарларидан бўлиб, унда фалаккиёт, география, тригонометрия, тарих, адабиёт ва музикага оид билимлар жамланган.

Роқимнинг бизгача 6470 мисрадан иборат ва турли жанрлардаги шеърлари тўпланган битта девони етиб келган. Унинг лирик меъросида газал ва марсиялар алоҳида ўрин эгаллайди.

Андалиб фақат шеърлар ёзиш билангина эмас, балки «Юсуф ва Зулайхо», «Зайнул-араб», «Саид Насимий» каби сермазмун достонлари билан маълум. Нишотий Хоразм адабий муҳитида хамсачилик анъаналарини давом эттирган. Унинг «Қушлар мунозараси», «Ҳусн ва дил» достонлари эътиборга сазавордир. Нишотий достонининг мазмуни инсон ва табиатнинг ўзаро муштараклиги, табиат инсон камолотининг манбайи эканлиги, табиатни эъзозлаш ва муҳофаза қилиш инсонни муқаддас бурчи эканлиги гоялари ташкил этади. XVI-XVIII асрларда халқ огзаки ижодида достончилик анча ривож топди. Хоразмда халқ орасида «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зухра», «Ғўрўгли» достонлари кенг тарқалиб, халқ сайилларида хофизлар ва бахшилар томонидан севиб куйланган. Бу достонларда севги, ватанпарварлик, қахрамонлик, инсонпарварлик гоялари катта маҳорат билан тараннум этилган.

### 1.2. Хива хонлигида XVI-XIX асрларда ҳунармандчилик турлари

Ҳунармандчилик бу ўлкада ўз тарихий илдизларига эга соҳа сифатида катта аҳамиятга эга эди. Ҳунармандчилик марказлари сифатида асосан йирик шаҳарлар, хусусан, пойтахт Хива, Шунингдек, Урганч, Ҳазорасп, Тошҳовуз, Хонқа ва бошқа шаҳарлар катта ўрин тутарди. Маҳаллий хом ашё (жун, тери, ипак, пахта ва бошқалар), четдан келтириладиган металл (мис, чўян) ва бошқа маҳсулотлар Хоразм воҳаси ҳунармандчилиги тараққиётини белгилаб турган. Хонликда тўқимачилик, кулолчилик, мисгарлик, дегрезлик, темирчлик, дурадгорлик, кўнчилик каби анъанавий ҳунармандчилик турлари, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш билан боглиқ ҳунарлар (ошпазлик, новвойлик, қандолатчилик ва бошқалар) кенг ривожланган эди. Маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари ички бозор эҳтиёжини таъминлаб

қолмасдан, баъзи маҳсулотлар қўшни Бухоро, Қўқон хонликларига ҳам чиқарилганлиги маълум. Ганч ўймакорлиги. XIV-XVIII асрларда ҳам биноларнинг ички томонини безатишда ганчкорлик санъатидан фойдаланилган. Бу даврларда янги - янги нақшлар яратилди. Биноларда ганч ўймакорлиги, узвий богланган кошинлар ва тошдан ясалган безаклар кенг ишлатила бошланди. Кошин ва тошдан ўйилган безаклардан фойдаланиш натижасида ганчкорлик аста-секин минораларнинг ички қисмига қўлланиладиган бўлди.

Унинг ташқари қисмида эса жуда кам қўлланилади. Ганч ўймакорлигида машҳур бўлган XVIII аср устаси Уста Мулла Обид, унинг фарзанди Муҳаммад Мусо отасининг касбини қунт билан эгаллаб, ўша вақтда халққа танилганлардан. Муҳаммад Мусо ўгиллари Мадусмон, Исохон ва Юсуфалилар ганчкорликда бир қанча вақт ишлашган, гишт теришда ҳам обрў қозонишган. Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Қурилган биноларда халқ устлари ёрқин жилвали бўёқлар билан ганчга жило бердилар. Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фаргона водийси ва Хивада ўзига хос мустақил мактаблар вужудга келди. Ганч ўймакорлиги техникаси кишини қойил қолдирадиган даражада ўсди. Бухоро безаклари майин, гуллари жуда ҳам нафис, Маргилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга эга, Тошкентники эса қатъий ва аниқ ритм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма нақшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фарқланади.

XVI - XVIII асрлардаги ўзаро ички урушлар маданиятимиз шу қатори халқ амалий санъатининг ривожланишига салбий таъсир этди. XVIII -XVIII асрларда тирик жонзотларнинг тасвири, яъни қуш, балиқ, илон ва бошқалар ёгоч ўймакорлигида жуда кам тасвирланган. XVIII аср охири XIX аср бошларида, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида етук адабиёт намоёндалари қатори халқ амалий санъати усталари ҳам етишиб чиқди. Бу хонадонларда

кулолчилик, мисгарлик, ганчкорлик, сиркорлик қатори ёгоч ўймакорлиги ҳам гуркираб ривожланди. Ёгочга ишлов бериш бир қанча ихтисосликка бўлинган. Усталар арава, эгар, сандиқ, бешик, тароқ ва ҳоказолар ясашган: дурадгорлик қилишган. Айниқса эшиксозлик санъати юксак қадрланар, ёгоч ўймакорлиги Хивада кўпроқ тарқалган эди. Мустамлакачилик даврида ёгоч ўймакорлиги таназзулга учради; бироқ йирик шаҳарларда кекса усталар бу санъатни ташлашмади - уларни рус амалдорлари, зиёлилар қўллаб - қувватлаб туришарди[31]. XV асрда Марказий Осиёда айниқса тоштарошлик ривожланди ва такомиллашди. Масалан Амир Темур, Аҳмад Яссавий мақбараси, Бибихоним масжиди ва бошқалар жозибадор қилиб безатилди.

XIX - XX аср бошларида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа жойларда харсанг ва мармардан безак сифатида фойдаланилган. Ўша вақтда усталар учун оддий ҳайкал ишлаш шунчалик қийин эдики ундан кўра, мураккаб нақшлар ишлаш енгилроқ эди. Амир мақбарасидаги, Темур қабридаги тош ва мармар панжаралардан тош ўймакорлигининг ажойиб намуналарини кўриш мумкин. Айниқса, тош ва мармар ўймакорлиги намуналари Хива архитектура ёдгорликларида кўп ишлатилган. Чунончи, бу ерда поюстунларни тошдан ва мармардан ўйиб ишланган ажойиб намуналари кўп.

Поюстун - аксарият, маҳаллий меъморчиликка хос архитектура детали бўлиб, устун ўрнатиладиган асос, таг курси. У ёгоч устунларни чиришдан сақлайди ҳамда уларнинг баландлигини таъминлайди. Поюстун мармарни, тошни ўйиб ишланган нақшлар ислимий, геометрик, чиройли ёзувлар, нақш-нигоралар билан безатилган. Айниқса, Хивадаги Тошҳовлида кишига завқ багишлайдиган поюстуннинг ажойиб намуналари бор. Бу эса тош ўймакорлиги юқори даражада ривожланганлигини намойиш этади. Нурота ва Ғозгон қишлоқларида мармардан идишлар, яъни лаган, пиёла ва бошқалар тайёрлаш авж олди. Тош ўймакорлигида ишлатиладиган тошлар ўрни мақсади ҳамда вазифасига қараб юмшоқ, ўртача қаттиқликдаги ва қаттиқ

[31] Асқаров А. Ўзбекистон халқлари тарихи. – Т.: Фан, 1993. – Б. 166.

бўлади. Юмшоқ тошларга - гипстоштош, талкохлорит, охактош ва бошқалар; ўртача қаттиқликдаги тошларга - оникс, порфир, оҳакли мармар ва қаттиқ тошларга эса - лазурит, амазон тоши агат (халседон), малахит, жадент, нефрит, яшма ва бошқалар киради. Бу материаллардан қозон, кўза, лаганлар ясалиб унга ажойиб ўйма нақшлар билан жило берилган.

Халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда металлдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ишлаш тушунилади. Бу санъат қадимийлиги бўйича кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Савдо - сотиқда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бухоро ва Хивадан Москва ҳукмронларига совга сифатида тақдим этилган буюмлар, шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари келтирган моллар ичида олтин суви юритилган майса билан ҳошияланган гурзи, ўқ, ўткир тигли қиличлар, олтин суви юритилган қилич қинлари, кумуш занжиралар, "тулунбосар" (дўмбиралар), олтинранг ва ўтранг бўёқлар юритилган қиличлар тилга олинади. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлигига қараганда, XVI- XVIII асрларда Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида маҳоратли усталар жуда кўп бўлган.

XVI - XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда хўжаликнинг тургунлик даври бўлди. Чунки ички нотинчликлар ишлаб чиқаришда ва савдога катта таъсир этди. Ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш тўхтади, лекин қурол-яроглар ишлаш ва унинг безаги янада ривож топди. Бухоро, Хива, Самарқанд ва Фаргона водийларидаги шаҳарлар аслаҳа ва жанг кийимлари тайёрлайдиган асосий марказлар ҳисобланган. Амир ҳамда саркардалар учун мўлжаллаб ясалган қалқонлар, шамширлар, дубулгалар, ойболталар, энли камарлар, ханжарлар, ўйма нақшлар, қимматбаҳо металл ва ранг-баранг тошлар билан безатилган. Кейинчалик эса учта марказлаштирилган давлат Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлар ташкил этилиб хўжалик ишлари қайта тиклана бошлади. Ҳунармандчилик эса аста ривожлана бошлади.

XVIII - XX асрларда кандакорлик яхши ривожланган бўлиб, Бухоро, Қўқон, Хива, Тошкент, Самарқанд, шаҳрисабз ҳамда Қарши шаҳарлари

кандакорлик ишлаб чиқарадиган марказлар бўлган. Бой ҳонадонлари нақш туширилган идишлар билан безатилган. Улар ҳонадон соҳибининг давлатмандлигини намойиш қилиб турган. XIX аср ўрталарида вопурушлар пайдо бўлган. Фаргона водийсида дўкондор  Бухоро ва Тошкентда эса вопуруш (олиб - сотар) лар деб юритилади. XIX аср ўрталаридан бошлаб вопурушлар ҳунармандлардан буюмларни арзон баҳоларда ситб олар эдилар. Уларни савдогарларга оширилган нархда ўтказганлар ёки бозорларга олиб бориб сотганлар. Улар халқ амалий санъати усталарининг тайёрлаган гилам, офтоба, қутича, қилич, ҳар хил идиш ва бошқаларини халққа етказиб беришда "савдо воситачилари" ролини ўйнаганлар Ўрта осиёнинг Россияга қўшилиши фабрика молларини келиши  ва уни шу ерда ишлаб чикарилиши маҳаллий ҳунармандчилар ишига жиддий таъсир этди. Шунинг учун ҳам ҳунармандлар талабига эҳтиёж пасайиб кетди[32].

Хонликдаги мураккаб сиёсий вазият савдо-сотиқ алоқаларига салбий таъсир этсада, хонликнинг йирик шаҳарларида савдо муносабатлари кенг доирада олиб бориларди. Мамлакат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга бўлган ташқи савдо алоқалари ҳам йўлга қўйилган эди ва яқин хорижий давлатлар билан савдо алоқалари олиб бориларди. XIX асрдан бошлаб ташқи савдода Россиянинг салмоги ортиб борди. Четга маҳаллий маҳсулотлар чиқарилса, четдан асосан металлар ва фабрика маҳсулотлари келтириларди. Шунингдек транзит савдо ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хирож ва закотдан ташқари мажбурий солиқлар ҳам бўлган. Ҳунармандчилик ҳам хонлик иқтисодий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатнинг Хива хонлиги худудларида ўзига хос мактаби яратилган эди. Хонликда ҳар бир шаҳарда кўплаб ҳунар турлари билан шугулланувчи ҳунармандлар мавжуд эди. Улар фақатгина ички бозорни ўз маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, балки ташқи савдога ҳам ажойиб ҳунармандчилик маҳсулотларини чиқарар эдилар. Ташқи савдода четдан қўрғошин, мис, темир, чуян каби металлар ва металл буюмлар асосан

[32] Булатов С.  Халқ амалий безак санъати. – Т.: "Меҳнат".1991. – Б.50.

Россиядан, олтин, кумуш, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Бухоро, Қўқон, Эрон ва Россиядан келтирилган ва ўз навбатида Хива хонлигида ҳам четга шундай маҳсулотлар ва нафис ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган[33].

Ўзбекистонда қадимдан анъанавий ривожланиб келаётган бадиий ҳунармандчилик турларидан ян бири ёгоч ўймакорлиги ва ёгочга гул солиш яъни наққошликдир. XIX асрнинг бошларида Хива усталари томонидан ясалган ўймакор устунлар, устун тагликлари, асримиз бошларида Хайдар Нажмиддинов, Сулаймон хўжаевлар томонидан ишланган панжара стол, курси, қутичалар, Мақсуд Руосимов томонидан ишланган “ислими” услубдаги гул солинган саккиз қиррали стол, курсилар, Ортиқ Файзуллаев, Зиё Қориевнинг безама панжаралари Қўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаровнинг ясаган саккиз қиррали стол, кресло. Хонтахта, ёгоч ўймакорлиги лаганлари, Ю. М. Рубинов томонидан ҳиҳоятда нафис қилибгул солинган эшиги Ўрта Осиё ҳунармандларининг ҳаёти ва удумларини ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади. Хоразм, шу билан бирга Қорақалпогистон тарихини ўрганишда кўзга ташланарли даражада муваффақиятлар қўлга киритилди. Хива хонлиги давридаги архив ҳужжатларида Хива ҳунармандлари ҳақида қизиқарли ма`лумотлар бор.

Хивани ўрганувчилар ичида А.Д. Кун дастлаб Хива хонларининг архиви билан қизиқиб "Туркистон ведемости" газетасининг 1973-йил 32-сонида қисқача ма`лумот берди. Бу ерда XIX аср ўрталаридаги Хива ҳунармандчилиги тўгрисида талайгина ҳужжатлар бўлиб бизда шулардан: Мисгарлар дастури, Темирчилар дастури, Кабутлар дастури, Чопонфурушлар дастури, Қассоблар дастури, Телпакдўзлар дастури, Этикчилар дастури, Чойфурушлар дастури, Баққоллар дастури мавжуд.

Маълумки, Ўрта Осиё хонликларида уста бўлиш ҳуқуқи отадан болага, наслдан-наслга ўтган. Хива хонларининг архив ҳужжатлари орасида

---

[33] Сагдуллаев А ва муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000. – Б. 246.

ҳунармандларнинг бозорда тутган ўринлари учун тўлаган солиқларнинг рўйхати бор. XIX асрнинг 60- йилларида Хива шаҳрида 27 хил ҳунар бўлиб, умумий ҳисобда 556 уста бозорда ўз дўкони ва устахоналарига эга эдилар.Улар асосан шогирдларини 13-14 ёшларидан қабул қилар эдилар. Улар 6-8 йил ўқирдилар. Илгари биз Хива хонлигидаги ҳунармандчилик ташкилотлари ҳақидаги ҳужжат манбаларига унчалик эга эмас эдик, шунинг учун янги эълон қилинган маълумотлар катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, келгуси изланишлар Хива ва умуман Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг ривожланиш тарихи ҳақидаги тушунчаларни бойитади[34].

Архив маълумотларига қараганда, Хива шаҳрида майда ҳунарманд – косибларнинг 700 дан кўпроқ дўкони – устахонаси бўлган. Шу жумладан 54 та бўёқчилик, 37 та этикдўзлик, 33 та рангдор кавушдўзлик, 16 та кўнчилик, 4 та саррочлик ва шу каби устахоналар бўлган. Дегрезлик устахоналари, метал буюмлар ишлаб чиқарадиган ишхоналар, асосан, Ҳазораспда тўпланган эди. Шаҳарда тўқимачилик саноати деярли йўқ эди. Бўзчилар асосан қишлоқда яшар эдилар[35].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу бобга қуйидагича хулосалар келтирса бўлади:

- Хива хонлигида XVIII аср ўрталарида мамлакатда кечаётган сиёсий тарқоқлик, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, уругларнинг ўзаро ички низолари, кўчманчи аҳоли билан ўтроқ аҳоли ўртасидаги тўқнашувлар, шунингдек, ташқи душман Эрон шоҳи Нодирнинг юришлари натижасида иқтисодий ҳаёт издан чиққан эди. Сиёсий соҳада эса “хон бўлиш ўйини” авж олган эди. Давлат номига қўйилган хонлар томонидан бошқарилар, ҳақиқий ҳокимият эса 1763 йилдан бошлаб, иноқлар – Қўнгирот уруги вакиллари қўлига ўтди;
- Хива хонлиги сиёсий майдонда XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб қўнгирот уругининг раҳнамоси Муҳаммад Амин иноқнинг нуфузи

---

[34]Ҳамраев И. XIX – XXасрларда Хоразмда ҳунармандчилик // Урганч Давлат Университети. Изланишлар, Тадқиқотлар, Кашфиётлар. - Урганч, 1993. – Б. 14.
[35] Йулдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.: УзДавНашр. 1959. – Б. 95.

ортиб борган ва маҳаллий зодагонлар, дин пешволари мададига таянган Муҳаммад Амин мамлакатни бирлаштириш борасида кўп саъй-ҳаракатларни амалга оширди. 1861 йилда иноқлик лавозимига эришган бу шахс мамлакатнинг бирлашишига таҳдид солган кучлар, жумладан ёвмутларга қарши фаол курашди;

- Бадиий хунармандчилик ва меъморчилик ёдгорликлари бўлмиш қатор мадрасалар, масжидлар ва саройлар қад кўтарди. Араб Муҳаммад мадрасаси, Анушахон масжиди ва хаммоми, Шергозихон мадрасаси, Муҳаммад Иноқ мадрасаси, Кўҳна Арк, Сайид Алавуддин мақбараси, Оқмасжид кабилар шулар жумласидандир. Хоразм меъморчилик санъатининг бу ноёб ёдгорликлари ҳалқ усталари, қурувчилар, мухандислар, наққошлар, россомлар ҳамда ёгоч ва ганчкор ўймакорларининг юксак махоратидан дарак беради.
- Маънавий ҳаётда бу давр ҳалқ ўртасида Ислом динининг сўфийлик таълимоти ва дарвешлик масхабининг кенг ёйилиши билан характерлидир. Сўфийлик таълимоти асосчиларида Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро (XII аср) ва Баховуддин Нақишбандий (XIV аср) гоялари хонликнинг ўтроқ ва чарвадор ахолиси орасида машҳур бўлди. Бу даврда Хоразмда Аҳмад Яссавий таълимоти ҳам кенг тарқалган эди. Унинг таълимоти мусулмонлар орасида урушлар, бекорга қон тўкишлар, мол мулк талашуви негизида келиб чиқаётган можаролар кескин қораланди. Ҳалқни осойишталикка ва аҳилликка чақирди.
- Тадқиқ қилинаётган даврда Хоразмда Фузулий, Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Навоий ва Маҳтумқули каби Шарқнинг буюк алломалари асарлари кенг тарқалган. Ўша даврда Хоразмда бир гуруҳ тараққийпарвар шоирлар ва ёзувчилар етишиб чикди. Шулардан Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Раҳим, Мавлоно Вафий, Муҳаммад Ҳоксор, Рақим, Равноқ, Нурмуҳаммад Андалиб, Муҳаммадниёз Нишотий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин;

- XIX - XX аср бошларида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа жойларда харсанг ва мармардан безак сифатида фойдаланилган. Ўша вақтда усталар учун оддий ҳайкал ишлаш шунчалик қийин эдики ундан кўра, мураккаб нақшлар ишлаш енгилроқ эди;
- Савдо - сотиқда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бухоро ва Хивадан Москва ҳукмронларига совга сифатида тақдим этилган буюмлар, шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари келтирган моллар ичида олтин суви юритилган майса билан ҳошияланган гурзи, ўқ, ўткир тигли қиличлар, олтин суви юритилган қилич қинлари, кумуш занжиралар, "тулунбосар" (дўмбиралар), олтинранг ва ўтранг бўёқлар юритилган қиличлар тилга олинади.

# II – БОБ. ХИВА ХОНЛИГИНИНГ XVI-XIX АСРЛАРДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ

## 2.1. XVI-XVIII асрларда Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари

XVI асрдан бошлаб тарих саҳнасида муҳим из қолдирган Ўрта Осиё хонликларидан бири Хива хонлигидир. Хива хонлиги Бухоро амирлиги каби ўзининг географик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги ва сув йўли билан таъминланганлиги сабабли Ўрта Осиёдаги энг ривожланган давлатлардан бўлган. Хива хонлиги карвон йўллари устида жойлашган. Айниқса, у Россиянинг Бухоро билан савдо алоқаларида муҳим ўрин эгаллаган. Хива хонлиги Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдода фаол қатнашган. Хонликнинг ташқи савдо алоқаларидаги кенг иштироки унинг ҳунармандчилик тараққиёти билан боглиқ. Хонлик пойтахти бўлган Хива шаҳри ҳунармандчилиги узоқ тарихий анъаналарга эга. Ўрта асрларда шаҳар ҳунармандчилиги ихтисослаштирилган эди. Жумладан, Хивада гилам тўқиш, ёгоч ўймакорлиги, тўқувчилик ва бошқа ҳунармандчилик тармоқлари мавжуд бўлган.

1753 йил Хива ва Бухорода бўлган рус савдогари Д.Рукавкин пахта экинининг мўллиги ва ҳунармандчилик корхоналари очиш учун давлатнинг маълум тартиб қоидаларининг йўқлигини ёзади. Унинг хабарига кўра, бу ерда хеч қандай рухсат олмасдан, хоҳлаганча заводлар, яъни корхоналар очиш мумкин бўлган. Бу ўринда албатта хиваликларнинг хусусий корхоналарни очишга давлат томонидан тўсиқнинг бўлмаганлиги этироф этилади.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Хивада ҳунармандчилик соҳаларининг энг муҳимларидан бири заргарлик ҳисобланган. Заргарлар тилла буюмлар, тақинчоқлар ясашда феруза, корал, марварид, лал, зумрад, рангли шиша, сапфир каби тошлардан кўп фойдаланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида сақланиб қолган ҳунармандлар ва савдогарлар номлари, Хива бозорларида товарлар хилма-хиллиги ҳақида

тасаввур қилишга имкон беради. Жумладан, пазачи-ер ҳайдаш асбоблари ясовчилар, харрак-темирчилар, кучанчи-буйинча ясовчи усталар, мисгар, заргар, пичоқчи, қинчи, бўёқчи, чопонфуруш, телпакдўз, кончи, ковушдўз, тавоқчи, қулфгар, кийизфуруш, жувозчи, шоликор-шоли тегирмонида ишловчи, қассоб, тузчи, каллапоз-қўй калласи сотувчилар, балиқчи, нонвой, чой ва тамаки сотувчилар, баққоллар, ёгоч фурушлар, кўмирчи, шамчи, совунчи, сарроф, жарчи ва бошқалар.

Бозорларда баъзи ҳунармандларнинг дўконлари ҳам бўлиб, маҳсулотни шу ерда ҳам тайёрлаган ва ҳам сотган. Демак, дўкон ҳам корхона, ҳам раста вазифасини ўтаган. Масалан: темирчи, мисгар, тунукачи, сандиқчи ва бошқалар. Пўстиндўзлар, ипак мато тўқувчилар, этикчилар ва бошқалар уйларида ишлаганлар, ва бозор кунлари маҳсулотни бозорга олиб чиқиб сотганлар[36]. Хива анъанавий металл буюмлар ишлаб чиқариш маркази бўлиб, XIX асрнинг ўрталарида у ерда 38 мисгар бўлган.

Шундай қилиб, Хоразмнинг ҳунармандчилиги иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнаган. Энг муҳим бадиий буюмлар ясаш анъаналари Хоразм усталаридан мерос бўлиб келган.

Мамлакатда ҳунармандчиликнинг ривожланиши бевосита иқтисодий тараққиётга, ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланишига замин яратган.

Демак, серқирра ҳунармандчилик тармоқларининг мавжудлиги Хиванинг азалдан моддий ва маънавий маданият маркази бўлиб келганлигини, хиваликларнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий-савдо алоқаларини давом эттириб келганлигини XVI асрда ҳам кузатиш мумкин, деган хулоса қилишга имконият беради.

Хива хонлиги XVI асрда Россия, Ҳиндистон, Эрон, Бухоро хонлиги билан савдо алоқаларида бўлган. Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларини Хивага келган россиялик ва чет эллик элчиларнинг, ҳамда Россияга борган

[36] Fayziev A.F. Remeslo Xivi v pervoy polovine XIX veka.//Pozdnefederal’niy gorod Sredniy Azii. – Toshkent, 1990. - S. 170.

хивалик элчиларнинг келтирган маълумотларини таҳлил қилиш асносида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, 1585 йил 11 ноябрда хивалик элчи Хўжа Муҳаммаднинг Россия подшоси Федор Ивановичга келтирган тортиқлари орасида тилло зари юритилган ҳар хил ранглар билан бўялган, қимматбоҳо машҳад камони ҳам бўлган[37]. Бу эса Хиванинг Эрон билан савдо қилганлигининг бир исботи ҳисобанади.

А.Чулошников XVI аср ўрталарида Москва давлатининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини ёритиш жараёнида рус ҳукуматининг Ҳиндистонни билишга интилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Кўриб ўтилганидек, XVI аср иккинчи ярмидан эътиборан Россия Ҳиндистонга борадиган карвон йўлларини қидириб Ўрта Осиё ва Эронга махсус элчиликлар жўнатган эди. Бу вақтларда Роосия билан Ҳиндистон ўртасида бевосита иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилмаган бўлса ҳам, ҳинд товарлари ўртаосиёлик савдогарлар орқали Рус ерларига кириб келган. А.Чулошников ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Россия ўртасида савдо алоқаларининг қуйидаги усуллари мавжуд бўлганлигини эътироф қилади. Биринчидан, шох ва хонлар ўртасидаги савдо бўлиб, улар ишончли вакиллари – шахслар, меҳмонлар ва савдогарлар орқали амалга оширилган. Иккинчидан, хусусий савдогарларнинг эркин товар айирбошлаши, ва ниҳоят, учинчидан, хадя тариқасида хон ва элчиларнинг нодир буюмларни айирбошлаши[38].

XVIII асрда ҳам Хива хонлиги билан Россия ўртасида элчилик ва савдо алоқалари давом этган. Элчилар Хива хони номидан рус подшосига тортиқлар олиб борган. Ҳадялар таркибида ҳинд товарлари ҳам бўлган. Масалан, 1641 йил ноябрда Хива элчиси Муҳаммад Амин Баҳодир томонидан 100 та ҳинд ВИбойкаси олиб келинганлиги, элчининг ўзида

[37] Materiali po istorii Uzbekskoy, Tadjikskoy i Turkmenskoy SSR. CH. 1. M., 1932. s. 99.
[38] CHuloshnikov A. Torgovlya Moskovskogo gosudarstva s narodami Sredney Azii XVI-XVII vv. V kn.: Materiali po istorii Uzbekskoy, Tadjikskoy i Turkmenskoy SSR. CH. 1. L. 1932. - S. 68.

бошқа товарлар қаторида 100 бўлак ҳинд чити, 4 идишда нил бўёги бўлганлиги маълум[39].

1646 йил 1 сентябрда хивалик элчи Назар Нодирқулов Астрободда йўлда келаётган вақтида ўгирланган товарлари рўйхатида бошқалар қатори 6 та ҳинд докаси, 5 та ҳинд тилло изуфрей, 9 та ҳинд бойкаси, қўй терисидан ишланган 10 та ҳинд бош кийими бўлган[40]. 1645 йилда Хива хони Абулгозихон ҳинд подшосига хат ёзиб, унда илгарилари Урганч хонлари ҳинд шохлари билан тинчликда яшашган ва савдогарлар бир-бирларининг томонларига қатнаб турганлигини айтиб, эндиликда икки мамлакат ўртасидаги ўша дўстлик ва савдо алоқаларини давом эттиришни таклиф қилган. Ҳозирда эса Урганч хони Ҳиндистон шохи билан дўстлик алоқалари ўрнатган бўлиб, савдогарлар бир-бирларининг мамлакатига қатнаб туради, деб бу ҳақда 1646 йил 7 ноябрда Астраханга борган Хива элчиси Шайхбобо маълумот берган[41]. Шу каби хабарлар асосида XVI-XVIII асрларда Хива билан Ҳиндистон ўртасида дўстона сиёсий ва иқтисодий савдо муносабатлари ўрнатилган, дейиш мумкин.

1667 йил 19 декабрда Хива элчиси Пўлат-Муҳаммад маҳкамада Хива хони Ҳиндистон шохи билан борди-келди қилади ва савдогарар ҳар икки томонга бориб эркин савдо киладилар деб жавоб берган. Урганчдан Ҳиндистонга қуруқлик йўли билан бир ярим ойда боради, деган. Уларнинг товарлари киндяки, дока, қалампирмунчоқ, долчин, буёқ ва бошқа товарлар[42].

Рус элчиси Иван Федотов 1669 йил 13 июнда Хива хони Ануша хон ҳузурида бўлган ва Россияга қайтиб келгач, ўз ахборотида бухороликлар ва хиваликлар бир-бирлари билан ўзаро савдо қилиши, бозорларда учратган товарлари, уларнинг нарх-навоси ҳақида маълум қилган. У Урганчлик савдогарлар Бухородан вибойка, ип газлама ва ранг-баранг ипак матолари келтиришини, лекин, бухоролик савдогарларнинг Хива ва Урганчга кам келишини эътироф этган. Шу билан бирга И.Федотов ҳиндлар ва балхликлар

[39] Materiali po istorii Uzbekskoy, Tadjikskoy i Turkmenskoy SSR. CH. 1. L-1932. - S. 168.
[40] O'sha asar. 198 b.
[41] O'sha asar. 317 b.
[42] Russko-indiyskie otnosheniya v XVII veke. Sbornik dokumentov. - M., L., 1958. - S. 162.

Хивага келишмайди ҳамда Хивада ҳинд омборлари ҳам йўқ, деб хабар беради. Қизиги шундаки, элчи Хива бозорларида сотилаётган товарлар нархини Астраханда сотилиш нархи билан таққослаб, бу товарларни Россияда сотишдан фойда чиқмайди, деб ҳисоблаган[43].

И.Федотов кўрсатмаларидаги ҳиндлар ва балхликларнинг Хива билан савдо қилишмаслиги ҳақидаги хабари икки йил аввал, яъни 1667 йилдаги Хива элчиси Пўлат Муҳаммаднинг берган маълумотларига зид келади. Афтидан, И.Федотов шарқ давлатларда савдонинг ўзига хос тамонларидан бехабар бўлган. Кўп ҳолатларда Ўрта Осиё хонлари билан Ҳиндистон шохлари ўртасидаги савдо А.Чулошников эслатиб ўтган савдо усуллари орқали амалга оширилган.

Маҳмуд ибн Вали "Баҳр-ул асрор" асарида Балх вилояти, унинг жугрофик ўрни, одамлари, полиз ва сабзавот экинлари ҳақидаги бўлимда у ерда етиштириладиган ва четдан олиб келинадиган маҳсулотлар ҳақида хабар бериб, Хоразмдан кўктарнай қовуни, Бухородан қора қовун, мулла паяндаги ва даройи, Самарқанднинг загаре қовуни ва гилоси, шимолий Хитойнинг шафтолилари, Хоразмнинг тут дарахтлари, Маргилоннинг чархи деб аталган ўриклари, Самарқанднинг сангак олмаси ва бошқаларнинг Балхга келтирилганлиги ва ҳаттоки у ерда етиштирила бошланганлигини таъкидлайди[44].

Демак, Хоразм қовунлари Балхда ҳам машҳур бўлган. Маълумки, қовун сувсиз ўсмайди, кўп сугорилса унчалик ширин ҳам бўлмайди. Маҳмуд ибн Вали Хоразмда сугормасдан қовун етиштириш сири ҳақида маълумот беради. Унинг ёзишича, янтоқнинг узун томири узунасига кесилиб, унга қовун уриги жойлаштирилади, яъни экилади. Қовун ўсиб чиқиб, пишгунга қадар янтоқ илдизи суви билан озиқланади. Бундай қовун катта ва ширин бўлган[45]. Бу каби қовун етиштириш усули ҳозирги кунда ҳам Бухоро вилоятининг баъзи

---

[43] Xanikov Ya.V. Poyasnitel'naya zapiska k karte Aral'skago Morya i Xivinskago xanstva, s ix okrestnostyami. - SPb., 1851. s.39-40.
[44] Maxmud ibn Vali. More tayn otnositel'no doblestey blagorodnix (geografiya). Vvedenie, perevod, primechaniya, ukazateli B.A.Axmedova. - T., 1977. - S. 24-25.
[45] O'sha asar. 44 b.

чўл худудларида қўлланилади. Маҳмуд ибн Вали Хоразмнинг рус ерлари билан савдодан катта  фойда олишини таъкидлаб ўтган эди.

Хулоса шуки, XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги доимо рус давлатининг диққат марказида бўлган. Элчиларнинг ва ўрта аср муаллифларининг берган маълумотларига кўра, хонлик Ҳиндистон билан яқин савдо алоқаларида бўлган.

XVIII асрда Россия Ўрта Осиё хонликлари билан якин савдо алоқалари ўрнатишга жадал кириша бошлайди. Бу даврда денгиз савдосининг аҳамияти ортиб бора бошлайди.  Савдогарлар Астрахандан Каспий денгизи орқали Мангишлоққа, у ердан қуруқлик билан Урганч, Хива ва Бухорога боришган.

Ўрта Осиёдаги аграр масалалар билан шугулланган Е. Зелъкина ўрта асрлар бошларида Европа билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларида Ўрта Осиёнинг алоҳида ўрни бўлганлиги, бу даврда савдо-сотиқ жуда ҳам гуллаб яшнаганлиги, аммо, XVI-XVIII  асрларда бу савдо бир оз секинлашган бўлса, XVIII асрда яна жонланиш сезилганлигини таъкилайди. Муаллиф ўрта аср бозорларидаги қул савдосига ҳам эътиборини қаратган. Қулчилик бозори кўпроқ Хивада бўлганлиги эхтимол. Зелъкина маълимотига кўра, Хиванинг катта бозорларида 200 тагача қуллар бўлган, Ўрта Осиёда қуллар меҳнати самарасиз бўлиб, улар асосан уй ишларида ва далаларда ишлатилган. У Хива ва Бухоронинг Эрон билан чит, мовут ва қуллар орқали қизгин савдо қилганлигини таъкидлайди[46].

XVIII асрнинг 40-йиллари охирларидан Эрондаги ички вазиятнинг огирлиги ва галаёнлар ҳинд савдосига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Эронда хонавайрон бўлган ҳинд савдогарлари эндиликда эътиборларини Ўрта Осиё савдосига қаратишга мажбур бўлган. Авваллари унчалик ривожланмаган ҳинд савдоси, XVIII асрнинг иккинчи яримида мунтазам давом этадиган ва кенг миқёсда олиб бориладиган бўлди.

Демак, биринчидан, Хива хонлиги Эрон билан савдо алоқалари ўрнатган бўлган, иккинчидан хива товарлари ҳинд савдогарлари қўли билан

---

[46] Zel'kina Ye. Ocherki po agrarnomu voprosu v Sredney Azii. - M., 1930. - S. 20.

Россияга олиб борилган, учинчидан ҳиндлар Эрон орқали Хива-Россия савдосида воситачи ролини бажарган.

XVIII-XIX асрларда Хива хонлиги муайян динамик тараққиёт босқичига эришган эди. Қўшни Бухоро амирлиги, Қозоқ жузлари ва бебош туркман уругларининг мураккаб ўрови шароитида бўлишига қарамай, хонликда баъзи стабил ҳолатлар кузатилади. Шу даврда Хива ўзининг ташқи савдо муносабатларига ҳам катта аҳамият берган. Лекин тўпланган материаллар шуни кўрсатадики, Хиванинг ташқи иқтисодий муносабатлари кўпроқ Россия ва у орқали гарб мамлакатлари томон интилган. Худди шунингдек, Ғарб мамлакатларининг, хусусан, Англиянинг Хивага қизиқиши ва у орқали Эронга чиқиш тендентсияси пайдо бўлган. Аслида бу интилиш XVI асрдан бошлаб кузатилади. Масалан, Англиянинг Москвада ташкил этилган савдо компанияси Иоан Ғрозний ёрлиги билан А.Женкинсон раҳбарлигидаги савдо экспедициясига сабаб бўлган.

Бу ўринда Хиванинг шарқ мамлакатлари билан савдо муносабатлари қандай кечгани масаласи етарли даражада маълумотлар билан таъминланган эмас. Бу ҳақда XVI-XIX асрлар орасида Хивага келган кўплаб савдо карвон экспедитсиялари томонидан берилган ҳисоботлардаги маълумотларгагина таянилиши мумкин. Шу билан бирга Хивага жўнатилган Ғарб мамлакатларининг, хусусан, Россия ва Англиянинг XVIII-XIX асрлар давомидаги савдо экспедитсиялари маълумотларига ҳам алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Жумладан, 1726 йилда Хивадан Субхонқулибек бошлиқ элчилик миссияси Петербургга келиб Екатерина 1 саройида қабул қилинган. Элчиликнинг мақсади Петр 1 даврида Бекович-Черкасский экспедитсиясининг ҳалокати туфайли узилиб қолган савдо-иқтисодий муносабатларни тиклаш эди. Ҳолбуки, Хива томонидан Петр 1 га қадар Россия билан алоқалар ўрнатиш мақсадида 1585 йилда Хўжа Муҳаммад бошчилигидаги, 1641 йилда Муҳаммад Амин Баҳодир, 1646 йилда Назар Нодирқулов, шу йилнинг ўзида Шоҳбобо раҳбарлигидаги бир қанча

элчилик миссиялари ва ниҳоят Петр 1 нинг ўзи даврида Шохниёзхон элчилиги амалга оширилганлиги юқорида таъкидлаб ўтилди.

XVIII асрнинг 20 – 40 –йиллари Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқаларида бироз сусткашлик сезилади. Бу ҳолат Бекович – Черкасский экспедитсиясининг ҳалокати туфайли 1716-йилдаги Россия билан Хива ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларининг тўхтатилиши билан боглиқ эди.

1726 йилда Петербургга хивалик элчи Субхонкулибек келади. У рус ҳукумати олдига Россия билан Хива ўртасида савдо муносабатларини қайтадан юргизиш масаласини қўяди. 1726 йил 17 сентябрда Олий махфий кенгаш Россиядан Хивага савдогарларни жўнатиш хиваликлар учун ҳам, Хивадаги россияликлар учун ҳам фойда келтиради, ахир савдонинг тақиқланишидан ҳам хазина ва ҳам савдогарлар зарар кўрмоқда, деган хулосага келган эди.

Субхонқулибек элчилик миссиясига жавобан Россия Олий махфий кенгаши Хива билан савдо муносабатлари ўрнатиш тўғрисида махсус қарор чиқарган ва Астрахандаги таянч пунктидан фойдаланиб, ўша пайтларда Россия билан савдо алоқаларида машҳур бўлган Самарқандлик Ёдгор Алимов раҳбарлигида Хивага рус савдо карвони жўнатилади.

1728 йилда Хивага жўнатилган ушбу карвон бошлиги Ёдгор Алимовга Россия савдо алоқалари учун нафақат Хива ҳақида, балки Бухоро, Самарқанд, Балх, Бадахшон, Кошгар, Тошкент, ҳатто Бобурийлар Ҳиндистонининг Кобул ва Лахор шаҳарларигача - қандай имкониятлар борлигини ўрганиш вазифаси топширилди. Ушбу савдо карвонини ҳимоя қилиш учун Ёйиқ казакларидан тузилган отлиқ аскарлар ажратилди. Юқоридаги Олий махфий кенгаш қарорида Астраханда ва Россиянинг бошқа шаҳарларида Хива ва Бухородан келтирилган моллар билан савдо қилишга рухсат берилган эди.

1729 йилда Ёдгор Самарқандий Россияга Бухоро ва Хива хонлари номидан элчилик ёрлиқлари билан келади. Хусусан, унда Хива хони Россия

савдогарларининг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олган эди. Икки йилдан сўнг, яъни 1731 йилда Хива хони Илъбарсхон Астрахан губернатори Измайловга мактуб жўнатиб, карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида мажбурият олган. Хон карвонларни Астрахандан кемаларда Мангишлоққача, ва у ердан қуруқлик йўли билан Хивагача келади. Хон Мангишлоқда савдогарлар учун туялар ва ҳимоя қилиш учун отлиқ аскарлар ҳозирлаб қўйишни ўз зиммасига олган. Савдо карвонлари Хивадан Россияга қайтишда яна Мангишлоқ орқали қайтиши ва унинг ҳимоясини ташкил қилиши ва агарда фавқулодда бахтсиз ҳодиса содир бўлса, хон ҳамма айбни ўз зиммасига олиши ва кўрилган зарарни тўлаши эслатилган. Агарда карвон билан бахтсиз ҳодиса денгизда содир бўлса, у ҳолда хон жавоб бермаслиги ҳам таъкидланган. Хон савдо карвонларининг таланишини иложи борича камайтириш ва аввалги савдо ишларини қайтадан кенгайтиришга умид боглаганлигини билдирган эди.

Худди шундай мазмундаги мажбуриятлар Хива хони тамонидан 1734 ва 1736 йилларда такрорланган эди. Ва ниҳоят, 1731 йил Россия ҳукумати полковник И.И.Гарбер раҳбарлигида Хива ва Бухорога қўриқчилар билан савдо карвони жўнатади. Унга савдо йўллари харитасини тузиш, Хива ва Бухородаги иқтисодий аҳвол ҳақида маълумотлар тўплаш, Хива ва Бухоронинг савдо алоқалари, уларга бир йилда қандай товарлар ва қанча миқдорда кераклиги ҳақида маълумотлар тўплаш топширилган эди. Бундан ташқари, Гарберга Ҳиндистонга бориш йўлини аниқлаш, олтин ва қимматбаҳо тошлар бор жойлар ҳақида маълумотлар йигиш вазифаси ҳам юкланган эди. Лекин 1732 йили юқоридаги кўрсатмалар асосида жўнатилган карвон йўлда қозоқ султони Ботирхон томонидан талангани сабабли мақсадга эришаолмаган.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, Россияга Ўрта Осиёдан келтирилаётган товарлар орасида Эрон тангалари ҳам бўлган. Масалан, 1749 йил Оренбург орқали Астраханга 14 савдогар 17896 руб.лик 17 партия товарлар, шу жумладан, 10532 руб.лик 15 пуд 10 фунт огирликдаги

кумушдан иборат бўлган 3 партия товарлар келтирилган. 3 партия кумуш бу “аббосий” деб аталувчи Эроннинг кумуш тангалари ҳисобланган. Ўртасоиёлик савдогарлар кумушни Оренбургда товарларга айирбош қилишган. Кумушлар Москвадаги пул зарбхоналарида ҳар золотниги (рус ўлчов бирлиги), яъни мисқоли (4.25 граммга тенг огирлик ўлчови) 18 коп.дан ёки бир пуди 691 р. 20 к.дан қабул қилинган[47]. Россияга кумуш тангалар Хива ва Бухородан ўртаосиёлик савдогарлар орқали келтирилган. Демак, XVIII аср ўрталарида Хива билан Эрон ўртасида савдо алоқалари қалинроқ бўлган, деган хулоса қилиш мумкин.

Хива ва Бухородан Астраханга товарларни ўртаосиёлик савдогарлар, яъни хиваликлар, бухороликлар ва туркманлар олиб келган. 30-йилларда Астраханга келтирилган жами товарларнинг тахминан 51% ўртаосиёликлар зиммасига тушган. Улар орсида хиваликлар етакчи мавқени эгаллаган. 1734-1735 йилларда ўртаосиёлик савдогарлар Астраханга 17 минг руб.лик товар олиб келган бўлиб, шундан 13 мингги хиваликлар зиммасига тушган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Астрахан орқали Россия билан Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдода хивалик савдогарлар муҳим ўринни эгаллаганлар. Астрахан божхонасига келтирилган товарларни рўйхатга олиш китобларида Ўрта Осиёдан Россияга келтирилган товарлар рўйхати, товарларнинг ўлчов микдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларга асосланиб Россиянинг Ўрта Осиё билан савдосида хивалик савдогарлар етакчи ўринни эгаллаганликларини айтиш мумкин. Хиваликлар ўзлари билан маҳаллий товарлар қатори Эрон ва Ҳиндистон товарларини ҳам Астраханга олиб борганликларини кўришимиз мумкин.

Хива хонлиги тарихи ва унинг қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқалари тўгрисида анчагина маълумотлар мавжуд. Маълумотларнинг аксарияти Россия томонидан Ўрта Осиё хонликларини, Эрон ва Ҳиндистонни ўрганиш мақсадида жўнатилган элчилар ва дипломатлар томонидан йигилган

---

[47] Yuxt A.I. Torgovlya Xivi i Buxari s Rossiey cherez Astraxan’ (20-40-e godi XVIII v.) // Pozdnefeodal’niy gorod Sredney Azii. - T., 1990. - S. 118.

далиллардан иборатдир[48]. 1734 йили Англия билан Россия ўртасида Россия орқали шарқ мамлакатлари билан транзит савдо йўлларидан фойдаланиш ҳақидаги битим тузилади. Битим имзолангач, дарҳол, Россия компаниясининг инглиз вакиллари Россия орқали Эронга борадиган қулай савдо йўлларини қидира бошлайдилар ва шу мақсадда Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Эронга бир неча хуфия экспедитсиялари ташкил қилдилар.

Шу мақсадда, 1739 йили «Рус компанияси»нинг вакиллари Джон элътон ва Мунго Гремлар Хива ва Бухорога жўнатилган эди. Лекин Нодиршохнинг Ўрта Осиёга ҳужуми хавфи ҳақидаги хабарни эшитгач, улар Астрахандан тўгри Эронга кетишни афзал кўришган. Бу бошланган ишни якунига етказиш мақсадида 1740 йил февралда «Рус компанияси» Хива ва Бухорога янги экспедитсия уюштиради. Унинг таркибида Георг Томпсон ва Регналъд Хогг каби жосуслар бор эдилар. Улар Хива ва Бухорода савдо-сотиқ шароитларини ўрганишлари керак эди. Мазкур экспедитсия Россиянинг жануби-шарқий чегаралари ва Қозогистон чўллари орқали йўлга тушади. Г.Томпсон ва Р.Хоггларнинг кундаликлари Эронда бўлган «Рус компанияси» савдогари Жонас Хонвей китобида нашр қилинган. Бу китобдан, муаллифнинг ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Эронга келган бошқа европаликларнинг йўл кундаликлари ўрин олган. Ушбу китобдаги маълумотлар XVIII асрнинг 30-40-йилларида Ўрта Осиё шаҳарлари, Озарбайжон ва Эрондаги ички ва ташқи савдонинг аҳволи, шаҳарлар ҳунармандчилиги тўгрисидаги хабарлардан иборат. Г. Томпсон ва Р.Хогг 1740 йили 9 сентябрда Ёйиқ шаҳри орқали Қозогистон чўллари, Орол денгизининг шимолий-гарбий қиргоқлари орқали ўтиб Хивага кириб келишган. Инглиз жосуслари Хивадаги ички савдонинг ҳолатини таҳлил қилиб, улар фақат Бухоро ва Эрон билан савдо қиладилар, ҳайвон, мўйна ва териларни қиргиз ва туркманлардан оладилар деб, хабар қилади. Қиргизлар ва туркманлар хиваликлар учун хавфли қўшни ҳисобланишган экан. Хивада

[48] Yunusova L.I «Torgovlya gorodov Sredniy Azii, Azerbaydjana i Irana v 30-40-x gg. XVIII v. (po yevropeyskim istochnikam) //Pozdnefeodal’niy gorod Sredney Azii. - T., 1990. - S.122-128.

унча кўп бўлмаган пахта экилган, ўртача сифатли қўй териси (қоракўл бўлиши мумкин), унча кўп бўлмаган хом ипак етиштирган ва ипакдан маҳсулот ишлаб чиқарилан.

Шундай қилиб, улар Хивада инглиз саноатини қизиқтирадиган хом ашё манбаи кам деб қайд этишади. Ҳинд товарларига келсак, Г.Томпсон ва Р.Хогглар бу ерда бўлганларида ҳинд товарларини кўришмаган. Улар Хиванинг Бухоро ва Эрон, ҳамда қўшни кўчманчилар билан савдо қилганликларини эътироф этишган[49].

Инглизлар Хивада ўзларининг товарлари учун бозор ҳам қидирган, лекин изланишлар натижасида улар Европа товарларига хиваликларнинг эҳтиёжи камлигини сезишган. Шунинг учун бу ерда фойдали савдо қилишга кўзи етмай, фойдадан кўра сарф-харажат миқдори ошиб кетади, деб ҳисоблашган. Бож масаласида, мусулмон бўлмаганларнинг товарларидан 5%, мусулмонларникидан эса 2,5% бож солиги олинган. Демак, инглиз товарлари учун имкониятлар анча чекланган бўлган. «Рус компанияси» жосуслари Хивада, Нодиршох қўшинлари Хивани эгаллашганигача, яъни, 1740 йили 15 декабргача қолишган. Улар ўз товарларини Эронликларга сотиб бўлишган, аммо пулларини ҳали олишмаган экан.

Р.Хогг Эронликларга насияга берган молларининг пулларини олиш мақсадида Хивада қолган, сўнг Россияга қайтмоқчи бўлган. Г. Томпсон эса Бухорога жўнаган. Р.Хогг фақат 1741 йили апрелъ ойида Хивадан жўнаб кетишга муваффақ бўлган. Йўлда ўгрилар томонидан таланган Р.Хогг Оренбург орқали 1742 йил баҳорда Петербургга етиб борган.

Бухорога келган Г.Томпсон савдо алоқаларининг илгариги даврга нисбатан ёмонлашганлигини кўради. У Бухорода етиштириладиган ва ишлаб чиқиладиган маҳаллий маҳсулот турлари билан, Бухоро бозорлари ва унинг ташқи савдо алоқалари билан қизиқади. Г.Томпсон бухороликларнинг Европа товарларига эҳтиёжини ўрганиб, бухороликларнинг Европа товарларига талаби камлигини, мовут каби товарлардан фақатгина бош

[49] O’sha asar. – S. 124.

кийим тикишда фойдаланишини аниқлаган. У Европа товарларини Бухоро бозорларига олиб келиб, таваккал қилишдан фойда йўқ, деган хулосага келади.

Г.Томпсон Бухорода бож солиги олинишига ўз эътиборини қаратган. Бухорода ҳамма келтириладиган моллардан 1%, олиб чиқиладиган моллардан эса 10% солиқ олинган. Тинчлик даврларида бож солигидан келадиган фойда йилига 1000 дукатни ташкил қилган. Худди шундай, Хива хони хазинасига тушадиган бож солиги фойдаси йилига 100 дукатгача етган. Шундан кўриниб турибдики, Хивада Бухорога нисбатан савдо айланиши анча паст бўлган.

Бу каби холатни биз XVI аср ўрталарида Хива ва Бухорога келган А. Женкинсон маълумотларида ҳам учратган эдик. Бир аср муқаддам Женкинсоннинг берган фикрини Г.Томсон ва Р.Хогглар ҳам тасдиклаб турибди. Ҳар иккаласи Бухоро бозорларида ўзлари олиб келган мовутга харидор топа олишмаган ва бу ерда Европа товарлари нархи ҳу даражада пастки таваккал қилиб, хатарли йўллар билан товарларни олиб келиб сотишдан фойда йўқ, деган хулосага келишган.

Афтидан, Г.Томпсон ва Р.Хогглар ушбу маълумотларнинг Россия орқали ўтишини ҳисобга олиб, рус ҳукуматининг ва рус саноат доираларининг диққатини атайлаб чалгитишга уринган кўринади. Мазкур экспедитсиядан кейин Г.Томпсон Бухорога, Р.Хогг эса Петербурга қайтиб кетади.

Худди шу даврда Озарбайжон, Эрон ва Каспийбуйи вилоятларининг ўрганилиши натижасида инглизлар бу худудда савдо қилиш фойдали деб билишган. Улар бу худудлардан нафақат инглиз товарлари учун бозор, балки хом аше манбаи сифатида фойдаланишни афзал кўришган.

Юқорида зикр этилган Д.Элтон ва М.Гремларнинг экспедицияси ўз йўналиши бўйлаб вазиятни ўрганиб, улар Машҳадда савдо конторасини очиб, у орқали инглиз молларини Эрон, Афгонистон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёга тарқатиш мумкин деган хулосага келадилар. Бунинг учун товарларни

Лондондан Петербургга, сўнг Астрахан, у ердан Каспий денгизи орқали Астробод ва сўнг Машҳадга олиб келиши керак эди.

Шундай килиб, экспедитсиялар натижасида инглиз савдогарлари орзуларига эришган. Д.Елтон ва М.Гремлар Каспий денгизи бўйларида инглиз савдосини кенгайтиришдан катта фойда олиш мумкин деб ҳисоблашган. Ҳатто Эрон шохи Нодиршохнинг ўгли Ризоқулидан «Рус компанияси»га савдо қилиш учун имтиёзлар бериш ҳақида фармон ҳам олган эди.

Юқоридаги иккита компания вакилларининг берган маълумотларини таҳлил қилиш натижасида уларнинг бир бирига қарама-қарши хулосага келишгани маълум бўлди. Д.Елтон билан М.Грем Волга-Каспий савдо йўли Эронга бориш учун жуда қулай ва бехавотир, ҳамда бу ерда, Эрон ва Озарбайжон Вилоятларида инглиз савдосини кенгайтириш Англия учун катта фойда келтиради, деб ҳисоблашган.

Шуниси эътиборга моликки, XVIII асрда ҳинд савдогарлари Астраханда ҳам савдо қилишган экан. Маълумотларда ҳинд савдогарларининг турли мамлакатлардан, хусусан, Хива ва Бухородан Астраханга товарлар олиб келганлиги қайд этилади. Жумладан, 1733-1734 йилларда ҳинд савдогарлари Россияга, хусусан, Астраханга Бокудан 126 тўп, Гиляндан 56 тўп, Дарбанддан 12 тўп, Хивадан 3 тўп ва Бухородан 1 тўп товарлар; 1744-1745 йилларда Гиляндан 50, Бокудан 24, Дарбанддан 23, Шемахадан 1 тўп товарлар келтирган. Лекин 1744-1745 йилларда Ўрта Осиёдан ҳинд савдогарларининг мол олиб келганлиги дафтарларда қайд қилинмаган экан. XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳиндларнинг Ўрта Осиё билан савдо алоқалари бироз камроқ бўлган. Жумладан, 1737 йил ҳинд савдогарлари Хивадан 1187 руб.лик, 1739 йил 1740 руб.лик ва 1742 йил 1181 руб.лик товар келтирган. Маълумотларга кўра, хива ва бухоро ип газламалари, пахтаси, ошланган қўй териси ва қўзи терисини Эронда сотиб олишган. Демак Хивадан ҳинд савдогарларининг Хива товарларини кам олиб келишининг сабаби, бу товарларни ҳиндлар Эрондан сотиб олиб, сўнг

Астраханга келтирилганлиги экан.

Хулоса шулким, мавжуд манбалар, элчи ва савдогарларнинг кўрсатмалари, элчиларнинг кундаликларида эълон қилинган хабарлар бизга Хива хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари тўгрисида муҳим маълумотларни бериши билан ҳозирги кунда ҳам ўзининг қимматини сақлаб қолмоқда. Келтирилган далилаларга асосланиб, Хива хонлиги XVI-XVIII асрларда Бухоро, Эрон, Ҳиндистон ва Россия давлатлари билан қизгин савдо ва дипломатик муносабатларни йўлга қўйган дейиш мумкин.

## 2.2. XIX асрда Хива хонлигининг ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари

Хива хонлигининг қўшни шарқ давлатлари билан савдо алоқаларини ўрганиш унинг Россия билан иқтисодий алоқалари мажмуида кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан ташқи иқтисодий алоқалари сўнгги ўрта асрларда йилдан – йилга тобора жадаллашиб борганлиги ва Россия товарлари Ўрта Осиё хонликлари орқали Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга кириб борганлиги кузатилади.

Демак, Хива Россия билан на фақат сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатган, ҳаттоки у Россиянинг шарқ давлатлари билан алоқасида воситачи давлат ҳам бўлган. Россиянинг Хива ва Бухорога ва улар орқали шарқ давлатларига жўнатган савдогарлари ва миссияларининг ёзма билдиришномалари, ҳисоботлари биз учун манба вазифасини ўтайди, чунки уларда Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида батафсилроқ маълумотлар талайгинадир. Масалан: Н.А.Халъфин Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо муносабатларида хиваликларнинг муҳум рол ўйнашини таъкидлаган. Хиваликлар туяларда товарлар билан Бухорога боришган, у ерда бухоро товарлари ва чет эл молларини олиб Оренгбург,

қиргиз чўллари орқали, ёки Мангишлоқ ва Каспий денгизи орқали Астраханга боришган[50].

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги иқтисодий-савдо алоқалари тўғрисида XIX асрнинг 30-йиллари бошларида махфий топшириқ билан Бухорога сафар қилган инглиз агенти Александр Борнс кўп характерли маълумотлар беради. А.Борнс Астробод билан Хива савдо алоқалари йўлнинг нотинчлиги ва доимий ҳужум хавфи туфайли унчалик тараққий этмаганлигини баён қилади. Астрободга бир йилда битта ёки иккита Хива карвони келган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 80 ёки 100 туя юк келтирилган. Борнс хабарига кўра, Хива билан Астробод оралиги карвон учун хатарли бўлганлиги сабабли савдо карвонлари Каспий денгизининг шарқий қиргоқлари бўйлаб юрган[51].

XIX асрнинг 30-йиллари бошларида Ўрта Осиё бозорларида инглиз ва рус товарлари ўртасидаги рақобат тобора кучая боради. Шу даврларда инглиз товарлари Афғонистон орқали Ўрта Осиё хонликларига, рус товарлари эса Ўрта Осиё хонликлари орқали Афғонистонга кўпроқ кириб кела бошлайди. Натижада афғон савдогарлари халқаро савдо муносабатларига тобора кенг жалб қилина бошланган. А.Борнс хабарига кўра, афғон савдогарлари рус ярмаркаларига ҳам ташриф буюришган. Бухоро савдогарлари афғон савдогарларининг инглиз товарларини Ўрта Осиё бозорларига олиб келаётганлигидан норози бўлишган[52].

1838 йилда Қандаҳор, Ғазна, Кобул, Қундуз, Балх, Бухоро каби Хива карвонсаройлари ҳам нил бўёгига тўлиб кетган. Маълумотларга кўра 1838 йил Бухоро бозорларида нилнинг пуди икки тиллою тўрт ёки беш тангадан сотилган. Лекин ўша йиллардаги бўёқлар сифати аввалгилардан анча паст бўлган экан. Шунинг учун нилнинг нархи тушиб кетгани рост эмиш. Бундан

---

[50] Xalfin N.A. Rossiya i xanstva Sredney Azii (pervaya polovina XIX v.). - M., 1974.
[51] Borns A. Puteshestvie v Buxaru. CH. III. - M., 1949. - C. 172.
[52] Sokolov A.Ya. Torgovaya politika Rossii v Sredney Azii i razvitie russko-afganskix torgovix otnosheniy. - T., 1971. - S. 38.

авгон савдогарлари сезиларли зарар кўришган. 1838 йили ҳар бир туя юкдан (16 пуд) бир тиллодан зарар кўрилган экан[53].

Оренбург генерал-губернатори Перовский ҳам афгон савдогарларининг Бухоро ва Хивага кўплаб инглиз товарларини олиб келаётганлигини эътироф қилиб, уларни рус товарларига нисбатан анча паст нархларда сотаётганлигидан мамнун бўлган. Бироқ, шунга қарамасдан инглиз товарларининг харидорлари кам. Бунинг сабаби афгонлар инглиз товарларини Бухоро ва Хива товарларига айирбош қилмасдан, фақат накд пулга сотишади, деб таъкидлаган эди[54].

Афгонистоннинг ички ва ташқи транзит савдо алоқаларида мамлакатда яшовчи афгон савдогарлари каби тожиклар, ҳиндлар ва Эронлик савдогарлар катта рол ўйнаган. Кўчманчи афгон қабилалари ҳисобланган повинда воситачи ролини бажарган. Эльфинстон маълумотига кўра, повинда орасида XIX аср бошларида 3000 ф.стерл. бойликка эга бўлган бир нечта савдогарлар бўлган. Улар Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик қилган.

XIX асрнинг 40-йилларида Россияда Хива хонлиги ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилина бошлайди. Жумладан, 1840 йилда эълон қилинган Г.Гилъмерсеннинг “Хива, в нинешнем своем состоянии” мақоласида Хиванинг Афгонистон билан савдо қилиши, ҳаттоки, Хивада 15 афгон оиласи яшаганлиги, улар асосан савдо қилиш учун Хивага келишганлиги, баъзилари табиблик билан ҳам шугулланганлиги таъкидланган[55].

У маколада карвонлардан бож солиги пул билан олиниши ва аниқ солиқ миқдори белгиланмаганлиги, солиқ аввал Урганчда, кейинчалик Хивада олинганлигини хабар килади. У хонликнинг қовун, тарвуз, қовоқ, сариқ ва оқ шолгом, туруп, сабзи, қанд, нўхот, пиёз, турк ловияси, бодринг, картошка каби экин турлари ҳақида маълум килиб, Хиванинг ҳўл меваларга бой эмаслиги сабабли жуда қиммат бўлганлигини ва уни фақат бадавлат кишилар сотиб олишганлигини таъкидлаган. Майиз ва жидда Машҳаддан

[53] Svedeniya o proizvedeniyax i torgovle Buxarii. Vir. iz jur. «Manufaktura i torgovlya». 1840. Xmir kol. Srednyaya Aziya. T. 1.
[54] Sokolov A.Ya. O’sha asar. - S.38.
[55] Gil’mersen G. Xiva v nineshnem svoem sostoyanii. Vir. «Otechestvennie zapiski». 1840. -S. 105.

келтирилган ва у арок тайёрлашда ишлатилган. Бир пуд Эрон майизи 16 танга (8 руб.) турган. Маҳаллий узумдан кучсиз арок тайёрланган ва унинг бир штофи (челакнинг ўндан бир қисмига баробар келадиган Вино, арок ўлчови ва шу микдордаги арок, Вино) 5 танга турган. Бир фунт олма Хозараспда тахминан 10 коп. бўлган, тарвуз ва қовунлар арзон бўлиб, катта қовун 3 коп.дан 5 коп.гача сотилган. Гильмерсен Хива қўшинлари қилич, найза, милтиқ билан қуролланганлиги, сардорлари совут кийганлиги, совут Эрондан келтирилганлигини таъкидлаган[56].

1840 йилда босилиб чиққан иккинчи мақолада Хиваниг ички ва ташқи савдо алоқалари тўғрисида маълумот берилган. Мамлакат ички савдоси унчалик муҳим бўлмай, унда асосан галла ва майда нарсалар, қуллар сотилганлиги хабар қилинган.

Мазкур мақолада Хива бутун Осиёнинг савдо йўллари кесишган жойда жойлашган, ундан Ҳиндистон, Хитой, Эрон, умуман Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларига борадиган йўллар бошланади, деб унинг географик жиҳатдан қулай эканлигини эътироф қила туриб, яна Хиванинг чўл зунасида жойлашганлиги учун ўзининг маҳсулотари билан кенг савдо қилолмайди, деб қўшиб қўйилган. Хива Россияга борадиган ҳамма қисқа савдо йўллари кесишган жойда жойлашгани учун Осиё товарлари учун омбор вазифасини ўтайдиган жой бўлиб қолган. Сартлар Осиёнинг турли жойларидан товарлар сотиб олиб, уларни Оренбург ва Астраханга етказиб берган ва у ерда ўз товарларини юпқа мовут, бархат, кумуш, тилло, қанд, игна, устара, пичоқ, юпқа бўз, кўзгу, қогоз, мис, қўрғошин ва чўян идишлар, ҳамда бошқа Европа товарларига айирбош қилган[57].

1840 йилларда Бухорода бўлган Хаников Бухоронинг Хива билан савдо муносабатлари ҳақида маълумотлар қолдирган. Амударёдан ёзда ўтиш қийинлиги сабабли Бухоро Хивага кузнинг охирлари ва қишда савдо карвонлари жўнатган. Хивадан Бухорога асосан олма ва ошланмаган тери

---

[56] O'sha asar. - S. 117-121.

[57] Xiva, ili geograficheskoe i statisticheskoe opisanie Xivinskogo xanstva, sostoyashego teper' v voyne s Rossiey, zaimstvovannoe iz raznix otechestvennix i inostrannix pisateley, s izobrajeniyami kostyumov i vida goroda Xivi. - M., 1840. - S. 79.

келтирилган. Муаллифнинг ёзишича, фақат шу икки товар билан Бухорода савдони давом эттириш қийин, шунинг учун хиваликлар Оренбургдан чўян ва тери буюмларини кўпроқ сотиб олиб Хивага келтиришган. Рус метал буюмларининг бир қисми Бухорога ҳам олиб борилган[58].

Хива хонлиги ҳақидаги маълумотлардан бири 1843 йили «Мануфактур и торговля» журналида нашр қилинган мақола ҳисобланади. Унда ёзилишича, Россия, Эрон, Қўқон ва Бухородан метал буюмлар: қўргошин, мис, темир, чўян олади. Хива товарлари туя ва кемаларда сув йўли орқали Россия, Эрон ва Бухорога олиб борилган.

Мақолада 1837-1838 йиллардаги тилло ва кумуш тангалар курсининг мунтазам ўзгариб туриши ҳақида маълумот берилади. Хабардан Хивада муомалада бўлган пуллар курси ҳақидаги маълумот ҳам ўрин олган. Унда ёзилишича Хивада тилло пул зарб қилинган. 1 тилло 26-35 танга ёки 15 руб.га тенг келган, 2 танга (кумуш пул) 1 аббосий чақага тенг келган, 1 аббосий 1 руб.га тенглаштирилган. Демак, 1 тилло қиймат жиҳатидан 15 руб.га мос келса, у ҳолда 1 танга 50 рус коп.га тўгри келган. Ўша пайтда тилло ва мис нархи ошиб кетган, аммо Эрондан олинадиган кумуш нархи пасайиб кетган экан, тилло 15 руб.га кўтарилган.

Мазкур маколада Хива орқали Россия Эрон ва Бухоро билан савдо қилиши ва Хивадан кетадиган туядан бир золотникдан, Хивага кириб келадиган товарлардан эса 1/40 миқдорда солиқ олиниши хабар қилинган. Бозорларда ва савдо бўладиган жойларда бож солиги олинган. Сотилган туя учун хазинага 3 руб, от, ҳўкиз ва қорамол учун 1 руб, қўйдан 50 копеек солиқ олинган[59].

Г.И.Данилевскийнинг “Описание Хивинского ханства” асаридаги маълумотлар орасида Хиванинг Қўқон каби Ҳирот ва Машҳад билан тўгридан-тўгри савдо алоқаларига эга эмаслиги, ваҳоланки, савдо карвонлари Эрондан тўгри Марв орқали ўтиб, Хива хонлигининг ҳеч қаерида тўхтамай

---

[58] Xanikov N. Opisanie Buxarskogo xanstva. SPb., 1843.

[59] Svedeniya o Xivinskom xanstve. Vir. iz jur. “Manufaktur i torgovlya”. 1843. Xmir. kol. T. 9. - S. 105, 129, 130, 149.

тўгри Бухорога ўтиб кетиши қайд этилган. У Хива хонлиги ҳақидаги барча маълумотларни таҳлил қилиб, Хива учун ягона ва мумкин бўлган савдо Россия билан савдодир, деган хулосага келган. Хиваликлар ўзининг карвонлирини рус товарлари билан тўлдириб Хивага олиб кетиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бошқа муаллифлар каби, Г.И.Данилевский Хивада мусулмон савдогарлардан 2%, рус савдогарларидан 5% бож солиги олинганлигини таъкидлайди. Масалан дейди у, 1842 йил Россияга келтирилган ва олиб кетилган товарлар 700000 руб.гача етган бўлиб, бож солиги 35000 руб.ни ташкил қилган[60].

1850-54 йиларда Россияга Бухородан Оренбург ва Троитск орқали 1193 р. 43 к.лик жами 60 п. 51 ф., Тошкентдан Троитск орқали 21300 р.27 к.лик 1,317п. 34 ф. чой келтирилган. Демак, чой асосан Хитойдан Тошкент орқали Россияга кўпрок келтирилган экан. 1853 йилда Хивадан Россияга 160 р.с.га 4 пуд индиго келтирилган[61].

П.Неболъсин маълумотларига кўра, XIX аср ўрталарида Хива Эрон ва Бухоро билан савдо қилган бўлиб, Эрондан, деярли биргина Машҳаддан Хивага узунлиги 36 аршин (0,711 метрга тенг узунлик ўлчови), яъни 25 метр) ва эни 11-12 вершок (4,4 см га баробар узунлик ўлчови) яъни 48,4-52,8 см лик) майда гуллик ва қиргоқлари яшил йирик гулдастали чит ўрамлари келтирилган. Бундай читларнинг бир бўлаги 1,5 тиллодан 2 тиллагача сотилади. Бу товарлар эвазига Хива Эронга танга пул, рус ва маҳаллий чарм, рус мовути, хива ипаги, кунжут ва бошқа буюмларни чиқаради. Хивага Кошгардан Қўқон орқали кўк чой келтирилган[62].

XIX аср 70-йилларида нашр қилинган мақолада Хиванинг Астробод билан савдо алоқаларида ёвмуд туркман қабиласи фаол иштирок этган бўлса, чўл орқали Машҳад Бухоро савдосида эса текке туркман қабилалари қатнашганлиги ҳикоя қилинади. Чўл худудларидан Хивага ва у ердан Бухорога асосан қуллар, отлар, туялар, қўйлар, гиламлар, кийгиз ва майда

---

[60] Danilevskiy G.I. Opisanie Xivinskogo xanstva. ZIRGO, 1851. Kn.: 5. s. 136.
[61] Grigor’ev V.V. Razbor sochineniya P.I.Nebol’sina: “Ocherki torgovli Rossii s Sredneyu Azieyu”. 1856. - S. 175.
[62] Nebol’sin P. Ocherki torgovli Rossii s stranami Sredney Azii, Xivoy, Buxaroy i Kokanom. - SPb. – S. 185.

қақир-кукурлар олиб борилган. Қуллар факат пулга сотилган, колганлари эса айирбош қилинган. Хива ва Бухородан галла, қўзи териси, рус метал буюмлари ва ип газламалар туркман қабилаларига чиқарилган[63].

Хива ва чўл худудлари орқали савдо айтайлик асрлар давомида давом этиб келмаганда эди, XIX асрнинг 70-йилларида бу даражадаги савдо ҳақида гап бўлиши эҳтимол эди. Хулоса шулким, Хива ва Туркманлар юрти ўртасидаги савдо ўзига хос хусусиятга эга бўлганки, буни сотиладиган товарлар рўйхати ҳам тасдиклайди. Хиванинг Астробод билан савдоси эса ёвмуд қабилалари орқали амалга оширилган бўлиб, ёвмуд туркманлари 100-150 туяда тароқ учун ишлатиладига қорақайин дарахти ва унчалик кўп бўлмаган нефт келтиришган. Эронга чегарадош туркманлар от, туя, қўй, гилам, туз, нефт чиқарган, унинг ўрнига Эрондан курол, ёгоч, порох, тамаки, бўёк ва мевалар келтирилган[64].

Хулоса шулким, мавжуд манбалар, элчи ва савдогарларнинг кўрсатмалари, фундаментал асарлар, ҳамда рус ахборотида эълон қилинган мақолалар бизга Хива хонлиги ҳақида, қолаверса хонликнинг ташқи иқтисодий алоқалари тўгрисида муҳим маълумотларни бериши билан ҳанузгача ўз кадрини сақлаб қолмоқда. Кўриб ўтганимиздек, Хива хонлиги XIX асрда Россия билан жуда яқин савдо-иқтисодий муносабатларига киришган. Хонлик анъанавий савдо алоқаларини давом эттирган ҳолда Бухоро, Эрон ва Ҳиндистон билан ҳам муносабатларни жадаллаштирган. Ҳаттоки, хонлик Россия билан шарқ давлатлари ўртасидаги савдо муносабатларида воситачи давлат вазифасини ҳам бажарган.

### 2.3. XVI-XIX асрлар Хива хонлиги сиёсий тарихи ва савдо алоқаларининг ёзма манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи

[63] Nashi slsedi v Sredney Azii. Xiva i Turkmeniya s bol'shoyu kartoyu. - SPb., 1873. - S. 34.
[64] O'sha asar. 123-b.

XVI-XIX асрлар Хива хонлиги сиёсий тарихи ва савдо алоқаларининг ёзма манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи энг аввало чет эл манбаларидан бошланишини таъкидлашимиз лозим. Жумладан, Хива хонлигида 1558-1559 йилларда бўлган Англиянинг "Москва" савдо компанияси вакили Антоний Женкинсоннинг маълумотлари Хива хонлигининг шу даврлардаги иқтисодий алоқаларини акс эттирса, иккинчи тарафдан хонликнинг ташқи савдо алоқаларининг кўламини акс эттиради.

Тадқиқотнинг кейинги манбаларидан Абулгозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи тарокима" ва "Шажарайи турк"идир.

"Шажарайи тарокима" асарнинг танқидий матни, русча таржимаси, катта илмий тадқиқот билан бирга, 1958 йили А.Н.Кононов (1906 - 1986) тарафидан Санкт-Петербургда чоп этилган [65]. Мазкур асардан дунё хазиналарида бизга маълум еттита нусхаси мавжуд. Улардан иккитаси Россияда [66] ва қолган бешта нусхаси Тошкентдаги Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Абулгозихоннинг иккинчи асари "Шажарайи турк" номи билан машҳур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI - XVIII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади[67]. Ҳар иккала асар ишнинг махсус параграфларида кенг таҳлил қилинади[68].

---

[65] Qarang: Samoylovich A.N. Odni iz spiskov «Rodoslovnogo dreva turkmenskogo» Abul'gazi-xana // DAN-V. 1927. – S. 39-42; Kononov L. P. Rodoslovnaya turkmen, sochinenie Abu-l-Gazn, xana xivinskogo. -M. -L., 1958. – S.. 20-27; Sobranie, I, 72, №171; Kal' Ye. Persidskie, arabskie i tyurkskie rukopisi Turkestanskoy Publichnoy biblioteki. -Tashkent.,1889. – S. 52. – № 801. (g); Tumanskiy A.G. Abul'-Gazi-Boxadur-xan, Rodoslovnaya turkmen, Asxabad, 1897 (po tashkentskoy rukopisi). SHajaryi Tarokima. Istanbul. 1937;Kononov A.N. Rodoslovnaya turkmen. (tekst, perevod, kommentarii i issledovanie). -M. - L., 1958. Samoylovich A.N. Po povodu izdaniya N. P. Ostroumovim «Svetoch islama» // ZVORAO, XVIII. – C. 2-4; Bartol'd V.V. Ocherk istorii turkmensokgo naroda. // Turkmeniya. L., 1929. – S. 36. – Sochineniya. T. II. CH.1. – S. 584-594; MITT. II. – C. 28-38.

[66] Rossiyadagi nusxalari tavsifiga qarang: Dmitrieva L.V., Muginov A.M., Muratov S.N. Opisanie tyurkskix rukopisey Instiuta Narodov Azii. I. Istoriya. / Rod red. A.N. Kononova. -MOSKVA:Nauka. 1965. – S. 92-94.

[67] Abulg'oziyning ushbu asaridan 11 nusxasi Toshkentda (O'z FA SHI) va oltita nusxasi Sankt-Peterburgda saqlanadi. Qaralsin: SVR. Istoriya. – S. 154-155; Axmedov B. Istoriko-geograficheskaya literatura. – S. 72-78; SHu muallif.Tarixdan saboqlar. – B. 217-223; Dmitrieva L.V., Muginov A.M., Muratov S.N. Opisanie tyurkskix rukopisey Instiuta Narodov Azii. I. Istoriya. – S. 93-94; Yana qarang: Lektsii I.N. Berezina, zapisannie studentom V. Ignat'evim v 1866 g., 4-ya lektsiya. / Arxiv vostokovedov LO INA AN SSSR, razryad III, opis' 1. – № 31. V «Uchenix zapiskax IV AN SSSR». VI, 1953. – C. 41 va keyingilari (№29); Yana asrning boshqa nusxalari haqida qarang: Pertsch W. Die Handschriften-Verzaeichnisse der königlichen Bibliothek zu Berlin. Bd.VI. Verzeichniss der türkischen Handschriften, Berlin. 1889. B. 228. №204; Rieu Ch. Catalogue of rhe Turkish Manuscripts in the British Muzeum. London. 1888. 282a; Blochet E. Catalogue des manuscrits turcs de la bibliothèque Nationale de Paris. T.

“Фирдавс ал-иқбол” номли асар муаллифи бўлган Мунис Хоразмий Абулгози Баҳодирхондан кейин Хоразм тарихини хронологик асосда ёзган йирик муаррих ҳисобланади[69]. Унинг қўлёзмалари воқеа ва ҳодисалар баёнига холисона ёндошганлиги ва ёритилаётган воқеаларнинг ҳаққонийлигига эришганлиги билан ажралиб туради. Мунис тарихий воқеалар ва Хива хонлари шажарасини 1812 йилгача ёритган[70]. Муаррихнинг 1829 йилда вафот қилиши натижасида тўхтаб қолган ишларни жияни Муҳаммадризо Огаҳий давом эттирган.

Огаҳий “Фирдавс ал-иқбол”нинг иккинчи қисмини якунлагандан кейин “Риёз уд-давла” (“Бахт-саодат боглари”)[71], “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар қаймоги”)[72], “Жомиъ ал-воқеоти султоний” (“Султон воқеалари йиғиндиси”)[73], “Гулшани давлат” (“Давлат гулшани”)[74], “Шоҳид ул-иқбол” (“Иқбол шоҳиди”)[75] каби тарихий асарлар ёзган. Уларда 1813–1872 йиллар

---

I. Paris. 1932. 232. №141; Tarjimalari: Desmaisons P. Aboul-Ghâzi Bèhâdour-Khan. Histoire de Mogols et de Tatares..., St.-Pbg. I, 1871 (matni). II. 1874 (tarjima); Abulgazi. SHadjarayi turk. Perevod Tred’yakovskogo. (Kazan’) 1770; Rodoslovnoe drevo tyurkov. Sochinenie Abul’-Gazi xana xivinskogo. Perevod i predislovie G.S. Sablukova. -Kazan’, 1906. O’zbek tilidagi nashrlari:

[68] Vohidov SH., Eshmuradov M. Xorazm tarixchilari: O’temish hoji, Abulg’oziy, Munis. -Toshkent, 2009. – 42 b.

[69] Istoriya Munisa-Agexi. // Rukopis’ Instituta vostokovedeniya RAN, Ye 6, ll. ZZa, 34a. l. 54a, ll. 54[a], 63[6], 65[6], 72[a],[b], 86[a] // www: Kungrad.com. Munis SHermuhammad ibn amir Ivazbiy. Firdavs ul-iqbol. // Qo’lyozma. Abu Rayhon Beruniy nomidagi SHI, № 821/I. 5364/I, 9979, 5071, 7422. Ishda “Firdavs ul-iqbol”ning Yuriy Bregel’ tomonidan nashr etilgan tanqidiy matni hamda uning tadqiqotlaridan keng foydalanildi (Qarang: Shir Muhmmad Mirab Munis fnd Myhmmad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden-New York-Kobenhavn-Koln, 1988; SHu muallif. Xorezmskie turkmeni v X1X veke. - Moskva:Nauka, 1963). SHu asarning nusxasidan foydalanish uchun imkon yaratilgan Frantsiyaning Markaziy Osiyo tadqiqotlari instituti (IFEAC)xodimlariga o’z minnatdorchiligimni izhor etaman – U.SH.

[70] Yana qarang: Miyan Buzruk. O’zbek tarixiga oid to’rt muhim kitob. // Maorif o’qituvchisi. -Toshkent, 1927. №№ 9-10. – B. 57-61; Ivanov P.P. Izvlecheniya iz “Firdavs ul-ikbal”/ Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. II. XVI-XIX vv. Iranskie, buxarskie i xivinskie istochniki / Pod red. Akad. Struve V.V., Borovkova A.K., Romaskeevicha A.A. i Ivanova P.P. // Trudi IV. VIII. M.,-L., 1938. – S. 323-425; Ogahiy asarlarining tavsifi (katalog). -Toshkent, 1986. № 16-22; SVR. Istoriya. Sostaviteli D.Yu. Yusupova, R.P.Djalilova. – Toshkent.: Fan, 1998. – S. 198-199.

[71] Ogahiy Muhammadrizo mirob. Riyoz ud-davlat. // Qo’lyozma. Abu Rayhon Beruniy nomidagi SHI, № 821/II, 5364/II, 7474. Yana qarang: Miyan Buzruk. O’zbek tarixiga oid to’rt muhim kitob. – B. 57-61; Izvlecheniya iz “Riyaz ad-davla” A.K. Borovkova. / Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. II. – S. 427-475.

[72] Ogahiy Muhammadrizo mirob. Zubdat at-tavoix. // Qo’lyozma. Abu Rayhon Beruniy nomidagi SHI, № 821/III. Yana qarang: Miyan Buzruk. O’zbek tarixiga oid to’rt muhim kitob. – B. 57-61; Izvlecheniya iz “Zubdat at-tavorix” Z. Aksakova. / Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. II. – S. 477-499.

[73] Ogahiy Muhammadrizo mirob. Riyoz ud-davlat. // Qo’lyozma. Abu Rayhon Beruniy nomidagi SHI, № 9786. Yana qarang: Izvlechenie iz “Djame al-vakeat-i sultani”. / Materiali po istorii turkmen i Turkmenii. II. – S. 500-558; Ogahiy asarlarining tavsifi (katalog. № 28-30.

[74] Ogahiy Muhammadrizo mirob. Gulshani davlat. // Qo’lyozma. Abu Rayhon Beruniy nomidagi SHI, №7572. Yana qarang: Sultonova Q. Gulshani davlat muhim adabiy manba. Filol. fan. nom. dis. -Toshkent, Hamid Sulaymonov nomidagi Qo’lyozmalar instituti. 1993.

[75] Mazkur asarning yagona nusxasi Sankt-Peterburgda saqlanadi. Mufassal qarang: Munirov Q. Xorazmda tarixnavislik. – B. 51-52.

оралигидаги хонлик ҳаёти, йирик сиёсий арбоблар тўғрисидаги маълумотлар хронологик тарзда моҳирона жойлаштирилган[76].

“Мунис ва Огаҳийнинг асарлари адабий ҳамда тарихий асар сифатида бироз нуқсонлари бўлса-да, – деб ёзганди В.В.Бартолъд, – бу асарлар баёнотининг мукаммаллиги ва ҳақиқий материалларнинг миқдори жиҳатидан Бухоро ва Қўқон хонликларининг тарихига доир бизнинг давримизгача сақланиб келган ҳамма асарлардан устун туради”[77].

Хива хонлиги тарихини тўлақонли ёритишга интилган муаррихлар орасида, шубҳасиз, Муҳаммад Юсуф Абдулкаримбек ўгли Баёний юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

1911 йилда Хива хони Асфандиёрхон амалдор Авазберди эшон ўгли Толиб хўжа тавсияси билан Баёнийга буюк Мунис ва Огаҳийдан мерос қолган ишларни давом эттириш ҳамда хонлик тарихини янги авлод тушунадиган тилда ёзишни буюради. Натижада 1914 йилда 16 бобдан иборат катта тарихий асар яратилади[78]. Унда башариятнинг вужудга келишидан тортиб, то XX аср бошларигача бўлган даврда Хоразм заминида рўй берган воқеалар акс эттирилади. Кейинчалик муаллиф ўз изланишларини давом қилдирган бўлса-да, аммо 1923 йилдаги вафоти оқибатида, мўлжаллаган режалари амалга ошмасдан қолган. Баёнийнинг 508 варақдан иборат “Шажарайи Хоразмшоҳий” асари қўлёзмасини ўрганган М.Йўлдошев шундай деб ёзганди: “Бу асар баёнотининг мукаммаллиги ва ҳақиқий материалларнинг кўплиги жиҳатидан Мунис ва Огаҳийнинг кўп томлик қўлёзмаларидан кўп марта устун туради”[79].

“Хонлар тарихи”, “Саййид Муҳаммадхон тарихи”, “Ўрта Осиё”, “Хивада осори-атиқалар тарихи”, “Хоразмнинг таърифи”, “Хива шаҳри ва

---

[76] Mufassal qarang: Munirov Q. Munis, Ogahiy va Bayoniyning tarixiy asarlari. – Toshkent.:Fan, 1960; SHu muallif. Xorazmda tarixnavsilik. –Toshkent.: G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. -Toshkent, 2002. (ayniqsa 23-61 betlarga qaralsin).

[77] Bartol’d V.V. Istoriya kul’turnoy jizni Turkestana. – L., 1927. – S. 113; Yo’ldoshev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent.: O’zdavnashr, 1959. – B. 69 b; Xivinskie xroniki XIX v. Munisa-Agexi kak istochnik po istorii turkmen // Biblioteka sayta: XIII vek. // www: Kungrad.com

[78] Bayoniy Muhammad Yusuf. SHajarayi Xorazmshohiy. // Qo’lyozma. Aburayhon Beruniy nomidagi SHI. № 9596.

[79] Yo’ldoshev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent.: O’zdavnashr, 1959. – B. 70.

унинг атрофининг маъмурий бўлиниши", "Тарих бўйича Рисола" (Жуманиёз Хожи Хоразмий ал-Хиваќий ибн Бобониёз қаламига мансубдир); "Хива хонлиги бўйича тарихий маълумот", "Хоразмни ўрганишга оид ҳужжатлар" (Маткарим Отажонов томонидан ёзилган); "Хоразм тарихи", "Хоразм хонлиги ҳақида тарихий ҳужжатлар", "Хоразмни бошқарган хонларнинг авлодлари, келиб чиқиши, шажараси, мол-мулки, ўзбек подшоларининг юриш-туришлари ва урф-одатлари", "Хоразмдаги қулдорчилик воқеаларига оид", "Асфандиёрхон ҳукмронлик қилган даврларда бўлиб ўтган баъзи бир воқеалар ҳақида" (муаллифи Бобожон Сафаров), "Саодат гулшани" [80] асарларининг мавзу бўйича материаллари тадқиқот доирасига киритилди.

Юқорида тилга олинган хоразмлик солномачилари ва муаррихлари асарларида Хива давлати тарихига доир қуйидаги маълумотлар мавжуд:

– Хива хонлигининг сиёсий ҳаётини ёритувчи маълумотлар; қўшни давлатлар сиёсий тарихини ёритувчи, аниқлик киритувчи фактлар; ерга эгалик муносабатлари; суғориш ишлари; солиқ масалалари; хонликдаги маъмурий бошқарув, унвон ва мансаблар; хонликнинг элчилик (дипломатик) муносабатлари; савдо алоқалари; хонликнинг этник таркиби, этник ва этномаданий жараёнлари, жуғрофий маълумотлар, ободончилик масалалари, маданий ҳаётга доир маълумотлар.

Ишда хоразмлик тарихчиларининг хонликда бўлиб ўтган сиёсий жараёнларни ёритувчи маълумотлар, Хиванинг қорақалпоқлар ва қўшни давлатлар билан олиб борилган алоқаларига ҳам аҳамият берилди.

Бу асарларда Хоразмдаги сиёсий, ижтимоий ва хўжалик ҳаёти, маданияти тилга олинган.

Энди мазкур мавзуга доир илмий тадқиқотлар ва мавжуд адабиётларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. XX асрнинг 20 йилларигача  яратилган тадқиқотлар ва адабиётлар.

2. Совет даврида олиб борилган тадқиқотлар.

---

[80] Bu manbalarning barchasi qo'lyozmasifatida O'zFASHI fondlarida saqlanmoqda.

3. Мустақиллик даврида олиб борилган ва давом эттирилаётган изланишлар, тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар.
4. Хорижда амалга оширилган тадқиқотлар.

**Биринчи** гуруҳга оид яратилган асарлар XIX аср – XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёга, жумладан Хива хонлигига турли йилларда келган сайёҳлар, олимлар, ҳарбийлар ва бошқа давлат вакилларининг ёзган асарлари, мамлакатнинг ўша давр тарихи, хўжалиги, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Булар қаторида Н.Муравъёв, М.Иванин, Л.Соболев, Л.Костенко, А.Кун, Н.Веселовский, Г.Данилевский, Д.Гладишев, Х.Вамбери, В.Велъяминов-Зернов, А.Каулъбарс, А.Шиле, Е.Желябужский, А.Самойлович, Гришфелъд каби олим ва сайёҳларнинг эсдалик ва асарларини тилга олиш мумкин.

Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг асарларида XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги маданий муҳитнинг асоси бўлган китобат ва кутубхона ишига ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларнинг таъсири бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Рус шарқшунослигида Хива хонлигининг сиёсий тарихи, ижтимоий – иқтисодий муносабатлари, маъмурий ва давлат тузилиши ва бошқа масалалар холисона ўрганилмади. Рус шаркшунослари асарларида бу масала бўйича баён этилган фикрларига эътироз билдириш мумкин. Айниқса Г.Данилевский, Н.Муравъёв, А.Соболев, Н.Веселовский асарларида Хива хони сарой амалдорлари таъсирида бўлиб, ўзининг мустақил фикри йўқ, эртадан кечгача айш-ишрат билан шугулланган шахс сифатида курсатилган, хонликда маъмурий бўлиниш бўлмаган, саройда ҳеч қандай кенгаш фаолият кўрсатмаган, хонликда ҳарбий-феодал тузум қарор топган, деган салбий фикрларни баён қилганлар.

Хива тарихчилари Мунис, Огаҳий ва Баёний асарларида ҳамда Хива хонлари архив ҳужжатларидаги маълумотлар Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) давридаёқ давлат бошқарувининг маъмурий-ҳудудий,

молиявий, ҳарбий ва диний-маърифий негизлари яратилганлигини, бу эса ўз навбатида, Хоразмда давлатчилик ривожида муҳим босқич бўлганини тасдиқлайди.

Л.Костенко, А.Каулъбарс, А.Шиле, Е.Желябужский, Ғришфелъд каби муаллифларнинг асарлари XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлиги аҳолиси, этник таркиби, асосий машгулотлари, хонликда яшаган халқлар ва ижтимоий–сиёсий, маданий муҳит ҳақидаги маълумотлар билан қимматлидир. Шу ўринда А.Кун ва А.Самойловичларнинг асарлари ва эсдаликлари мавзуни ёритишда алоҳида аҳамият касб этади.

**Иккинчи** гуруҳга кирган асарлар орасида В.Бартолъд, Б.Лунин, П.Иванов, Я.Ғуломов, А.Болтаев, М.Йўлдошев, А.Муҳаммаджонов ва Т.Неъматов, Қ.Мунировⅽ, Ҳ.Зиёев,Т.Тўхтаметов, Қ.Рахмонов, Н.Комилов ва бошқаларнинг ишларини тилга олиш мумкин[81].

Бу адабиётлар мавзуни ёритишда таҳлил қилиниб, керакли хулосалар чиқаришда ёрдам берди .

**Учинчи** гуруҳ тадқиқотларини мустақиллик йилларида яратилган асарлар ташкил қилади. Шулар орасида Хива хонлиги тарихи билан боглиқ Ш.Воҳидов, А.Еркинов, М.Раҳмонқулова, Ҳ.Аминов, Д.Нозилов, А.Мирзараҳимовларнинг мақолаларини ҳам қайд қилиш лозим.

Тадқиқот ишининг тегишли бўлимларида ушбу тадқиқотлардан ҳам фойдаланиб, хулосалар берилди.

[81] Yo’ldoshev M.Y. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – T.: O’zR FA nashriyoti, 1959; SHu muallif. TSenniy istochnik po istorii Xorezma // Izvestiya –AN RUz, 1958. – №6; Muhammadjonov A., Ne’matov T. Buxoro va Xivaning Rossiya bilan munosabatlariga doir ba’zi manbalar. – T.: O’zR FA nashriyoti, 1957; Munirov Q. Munis, Ogahiy va Bayoniyning tarixiy asarlari. – T.: O’zdavnashr, 1960; Boltaev A. Xorazm tarixiga oid hujjatlar Qo’lyozma. O’zR FA SHI. – №9320; Xiva haqida esdaliklar Qo’lyozma. O’zR FA SHI. – №11645; Lunin B. Srednyaya Aziya v dorevolyutsionnom i sovetskom vostokovedenii. – T.: Fan, 1965; SHu muallif. Srednyaya Aziya v nauchnom nasledii otechestvennix vostokovedov: Istoriograficheskiy ocherk. – Tashkent, 1979; Ziyoev H. O’rta Osiyo va Sibir’ (XVI-XIX asrlar). – T.: Fan, 1962; SHu muallif. Volga va Ural bo’ylaridagi o’zbeklar. – T.: Fan, 1963; SHu muallif. Toshkentning Rossiyaga qo’shib olinishi. – T.: Fan, 1967; SHu muallif. Srednyaya Aziya i Sibir’ vtoraya polovina XVI-XIX vv. – T., 1964; SHu muallif. Turkistonda Rossiya tajovuzi va hukmronligiga qarshi kurash. – T., 1998; SHu muallif. O’zbekiston mustamlaka va zulm iskanjasida. – T.: SHarq, 2006; To’xtametov T. Rossiya i Xiva v kontse XIX – nach. XX vv. – M.: Nauka, 1969; Bartol’d V. Ocherk istorii Turkmenskogo naroda. Virez. Iz. kn.: Turkmeniya, T. 1. – T., 1929; G’ulomov Ya. Xorazmning sug’orilish tarixi. – T.: Fan, 1959; Raxmonov Q. Xiva – Xorazmning bilim va madaniyat o’chog’i. – T.: Fan, 1972; Ivanov P. P. Arxiv Xivinskix xanov XIX v. Issledovanie i opisanie dokumentov s istoricheskim vvedeniem / Novie istochniki dlya istorii narodov Sredney Azii. – L.: GPB, 1940.

Хива хонлиги тарихига оид айрим маълумотларни Хоразм тарихчиларининг асарларидан ҳам олиш мумкин. Жумладан, А. Абдурасулов, К.Нуржонов, К.Худойберганов, Д.Раҳим ва Ш.Матрасул, Н.Қобулов, Н.Полвонов, П.Юсуповлар билан бирга кутубхона тарихи тўгрисида, А.Кормилитсин, О.Қосимова Хива адабий муҳити борасида, Б.Маннонов, С.Ҳасаний каби олимлар китобларини[82], «Хива минг гумбаз шаҳри», «Хиванинг 2500 йиллик юбилейига багишланган «Хива жаҳон маданияти дурдонаси»[83] каби рисолаларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Мазкур олимларнинг асарларида Хива хонлиги ижтимоий – сиёсий ҳаёти, хонларнинг шажаравий тарихи, хонликнинг XX асрнинг 20 йилларидаги ҳаёти, хонликнинг тугатилиши, «Ёш хиваликлар» ҳаракати ҳамда хонликдаги маданий ривожланиш, яъни Россия империяси босқинидан кейин ҳам Хивада тарихнавислик, таржима мактаби, китоб ва китобат санъати, матбаа фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Мустақилликка эришгандан кейин ўзбек халқи тарихини ўрганиб ва чуқур таҳлил қилиб ёзилган бир қанча асарлар, жумладан, «История Узбекистана (XVI первая половина XIX вв.)»[84], икки жилдлик «Хоразм тарихи»[85], «Ўзбекистоннинг янги тарихи» (1, 2 китоблари)[86], «Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости»[87], «Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши)»[88], каби асарлардан мавзуга оид масалаларни ёритишда кенг фойдаланилди.

---

[82] Abdurasulov A. Xiva (Tarixiy-etnografik ocherklar.) – T.: O’zbekiston, 1997; Nurjonov K. Xorazm tarixidan lavhalar. – Urganch, 1992; Xudoyberganov K. Xiva – 2500. Xiva xonlari shajarasi. – Xiva, 1996; D. Raxim va SH. Matrasul. Feruz shox va shoir qismati. – T.: Adabiyot va san’at, 1991; O. Qo’shchanov., Polvonov N. O’zbekistonda ijtimoiy harakatlar va siyosiy partiyalar tarixi (Xorazm misolida 1900-1924).– T.: Universitet, 2007; Yusupov P. Yosh xivaliklar tarixi (Xotiralar). – Urganch: Xorazm, 2000; Mannonov B. Xorazm tarixnavisligida Xiva xonligi tashqi siyosati. – T.: Fan, 1997; Hasaniy S. Xorazm ma’rifati - olam ko’zgusi. – T.: O’qituvchi, 1996.
[83] Xiva ming gumbaz shahri. – T.: SHarq, 1997; Xiva – 2500. Xiva jahon madaniyati durdonasi. (Xivaning 2500 yilligiga bag’ishlangan qo’shma ilmiy-nazariy anjuman materiallari). – Urganch, 1997;
[84] Istoriya Uzbekistana (XVI – pervaya polovine XIX vv.). T. 3. – T.: Fan, 1993.
[85] Xorazm tarixi. 1- jild. – Urganch, 1996; Xorazm tarixi. 2- jild. – Urganch, 1997.
[86] O’zbekistonning yangi tarixi. Turkiston chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida. 1- kitob. – T.: SHarq, 2000; O’zbekistonning yangi tarixi. O’zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. 2- kitob. – T.: SHarq, 2000.
[87] Turkestan v nachale XX veka: k istorii istokov natsional’noy nezavisimosti. – T.: SHarq, 2000.
[88] Tarix shohidligi va saboqlari (CHorizm va sovet mustamlakachiligi davrida O’zbekiston milliy boyliklarining o’zlashtirilishi). – T.: SHarq, 2001.

Мавзуни ёритишда мустақиллик йилларида амалга оширилган бир қанча илмий тадқиқот ишларидан ҳам фойдаланилди. Улар қаторида М.Абдураҳмонов, М.Мадаминов, Н.Полвонов, М.Қаюмов, К.Худойберганов, Ф.Эрназаровларнинг диссертатсиялари ва авторефератлари бор.

Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлиги тарихи бўйича юқорида номлари тилга олинган олимлардан ташқари чет эллик олимларнинг бир қанча асарларини ҳам тилга олиш мумкин. Улар қаторига журналист Мак-Гахан, Ю.Брегелъ, М.Олворт, С.Беккер, Ж.Уилер каби олимларнинг мавзуга оид асарларини кўрсатиш мумкин. Хорижий тадқиқотчиларнинг асарларидан XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлиги тарихи ёритилган қисмлари ўрганилди. Улар тўртинчи гуруҳни ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу бобга қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- XIX асрнинг иккинчи ярмида сақланиб қолган ҳунармандлар ва савдогарлар номлари, Хива бозорларида товарлар хилма-хиллиги ҳақида тасаввур қилишга имкон беради. Жумладан, пазачи-ер ҳайдаш асбоблари ясовчилар, харрак-темирчилар, кучанчи-буйинча ясовчи усталар, мисгар, заргар, пичоқчи, қинчи, бўёқчи, чопонфуруш, телпакдўз, кончи, ковушдўз, тавоқчи, қулфгар, кийизфуруш, жувозчи, шоликор-шоли тегирмонида ишловчи, қассоб, тузчи, каллапоз-қўй калласи сотувчилар, балиқчи, нонвой, чой ва тамаки сотувчилар, баққоллар, ёгоч фурушлар, кўмирчи, шамчи, совунчи, сарроф, жарчи ва бошқалар;
- Бозорларда баъзи ҳунармандларнинг дўконлари ҳам бўлиб, маҳсулотни шу ерда ҳам тайёрлаган ва ҳам сотган. Демак, дўкон ҳам корхона, ҳам раста вазифасини ўтаган;
- XIX асрдан бошлаб ташқи савдода Россиянинг салмоги ортиб борди. Четга маҳаллий маҳсулотлар чиқарилса, четдан асосан металлар ва фабрика маҳсулотлари келтириларди. Шунингдек, транзит савдо ҳам

муҳим аҳамият касб этган. Хирож ва закотдан ташқари мажбурий солиқлар ҳам бўлган;

- XIX аср ўрталаридаги Хива ҳунармандчилиги тўғрисида талайгина ҳужжатлар бўлиб шулардан: мисгарлар дастури, темирчилар дастури, чопонфурушлар дастури, қассоблар дастури, телпакдўзлар дастури, этикчилар дастури, чойфурушлар дастури, баққоллар дастури мавжуд;
- XVIII асрнинг 40-йиллари охирларидан Эрондаги ички вазиятнинг огирлиги ва галаёнлар ҳинд савдосига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Эронда хонавайрон бўлган ҳинд савдогарлари эндиликда эътиборларини Ўрта Осиё савдосига қаратишга мажбур бўлган. Авваллари унчалик ривожланмаган ҳинд савдоси, XVIII асрнинг иккинчи яримида мунтазам давом этадиган ва кенг миқёсда олиб бориладиган бўлди;
- XVIII-XIX асрларда Хива хонлиги муайян динамик тараққиёт босқичига эришган эди. Қўшни Бухоро амирлиги, Қозоқ жузлари ва бебош туркман уругларининг мураккаб ўрови шароитида бўлишига қарамай, хонликда баъзи стабил ҳолатлар кузатилади. Шу даврда Хива ўзининг ташқи савдо муносабатларига ҳам катта аҳамият берган. Лекин тўпланган материаллар шуни кўрсатадики, Хиванинг ташқи иқтисодий муносабатлари кўпроқ Россия ва у орқали гарб мамлакатлари томон интилган. Худди шунингдек, Ғарб мамлакатларининг, хусусан, Англиянинг Хивага қизиқиши ва у орқали Эронга чиқиш тендентсияси пайдо бўлган. Аслида бу интилиш XVI асрдан бошлаб кузатилади. Масалан, Англиянинг Москвада ташкил этилган савдо компанияси Иван Ғрозний ёрлиги билан А.Женкинсон раҳбарлигидаги савдо экспедициясига сабаб бўлган;
- Астрахан орқали Россия билан Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдода хивалик савдогарлар муҳим ўринни эгаллаганлар. Астрахан божхонасига келтирилган товарларни рўйхатга олиш китобларида Ўрта Осиёдан Россияга келтирилган товарлар рўйхати, товарларнинг ўлчов

микдори ва нархлари ҳақидаги маълумотларга асосланиб Россиянинг Ўрта Осиё билан савдосида хивалик савдогарлар етакчи ўринни эгаллаганликларини айтиш мумкин. Хиваликлар ўзлари билан маҳаллий товарлар қатори Эрон ва Ҳиндистон товарларини ҳам Астраханга олиб борганликларини кўришимиз мумкин;

- Хива хонлигида 1558-1559 йилларда бўлган Англиянинг “Москва” савдо компанияси вакили Антоний Женкинсоннинг маълумотлари Хива хонлигининг шу даврлардаги иқтисодий алоқаларини акс эттирса, иккинчи тарафдан хонликнинг ташқи савдо алоқаларининг кўламини акс эттиради;
- Рус шаркшунослари асарларида бу масала бўйича баён этилган фикрларига эътироз билдириш мумкин. Айниқса, Г.Данилевский, Н.Муравъёв, А.Соболев, Н.Веселовский асарларида Хива хони сарой амалдорлари таъсирида бўлиб, ўзининг мустақил фикри йўқ, эртадан кечгача айш-ишрат билан шугулланган шахс сифатида курсатилган, хонликда маъмурий бўлиниш бўлмаган, саройда ҳеч қандай кенгаш фаолият кўрсатмаган, хонликда ҳарбий-феодал тузум қарор топган, деган салбий фикрларни баён қилганлар;
- Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлиги тарихи бўйича юқорида номлари тилга олинган олимлардан ташқари чет эллик олимларнинг бир қанча асарларини ҳам тилга олиш мумкин. Улар қаторига журналист Мак-Гахан, Ю.Брегелъ, М.Олворт, С.Беккер, Ж.Уилер каби олимларнинг мавзуга оид асарларини кўрсатиш мумкин.

# III БОБ. ХИВА ХОНЛИГИДА ФЕОДАЛ ЕР ЭГАЛИГИ ВА ХЎЖАЛИК ҲАЁТИ М.ЙЎЛДОШЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

## 3.1. М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ер эгалиги ва мулкчилик муносабатларининг архив материаллари асосида ўрганилиши

Аграр мамлакатларда ер эгалиги муносабатлари синфий, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг негизини ташкил этади. Ер эгалиги муносабатлари аниқланмагунча, бундай мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини тўғри тушуниб бўлмайди.

Бироқ Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларидаги, хусусан Хива хонлигидаги аграр муносабатларни ёритиш биринчи даражадаги зарур иш бўлганлигига қарамай, бу соҳада илмий адабиётда бўлган маълумотларнинг ҳаммаси кам сонли тасодифий ва қисқа мулоҳазалардан нарига ўтгани йўқ.

Бу масалага доир фақат биргина махсус асар бор. У ҳам бўлса, О. Шкапскийнинг „Амударё очерклари"[89] деган асаридир. Лекин бу бирдан-бир асар ҳам, афсуски, бутун Хива хонлигида бўлган ер эгалиги муносабаталарини баён қилмасдан, балки унчалик катта бўлмаган Шурахон участкасидаги ва шунда ҳам асосан мустамлака давридаги, яъни чор ҳукуматининг қонунлари жорий қилина бошлаган даврдаги ер эгалиги муносабатларини баён қилади. Бундан ташқари, бу асарнинг жуда катта камчилиги бор. Ер муносабатлари тўгрисида муаллиф баён қилган фикрлар жуда чалкаш ва бир-бирига зид бўлиб қолган. Бунинг асосий сабаби шуки, бу асарнинг муаллифи масалага расмий-юридик нуқтаи назардан қараган.

Шурахон участкасидаги ерларнинг кўп қисми давлат ва вақф ерлари бўлганлиги сабабли мазкур асарнинг мустамлакачиликдан олдинги даврдаги ер эгалигига багишланган V ва VI бобларида, асосан, шу категориядаги ерларга доир муносабатлар устида гап боради. Шунинг учуп ҳам автор шариат ва расмий ҳуқуқий нормаларга асосланиб, шу ерларни неча авлодлардан бери ижарага ишлатиб келган шахслар — беватанларни давлат

---

[89] О.Шкапский. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на Нижней Аму-Дарьу. Земледелие и землевладение в Шураханском участке Аму-Дарьинского. Отдела. – Ташкент, 1900.

ерининг „ҳақиқий эгаси" [90], деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, беватанни авторнинг ўзи: „ер эгаси эмас, балки ердан фойдаланишга берилган ижозат эгасигинадир" [91] — деди. Аммо давлат ерининг эгаси учта, яъни бу - ернинг ҳақиқий эгаси, ҳуқуқий эгаси ва ниҳоят давлат мулки деган хулоса келиб чиқади. Шундай қилиб, муаллиф давлат ери тўғрисидаги масалани ёритиб бериш ўрнига балки уни мураккаблаштириб юборган.

Вақф ерларини, хусусий мулк бўлган ерларни ижарага олиб фойдаланиш шартларини ҳам автор бутунлай нотўгри ва бир-бирига зид тарзда баён қилади. Мазкур китобнинг 121-бетида келтирилган маълумотларга қараганда, вақфга қарашли ерни ижарага олиб фойдаланувчилар, яъни яримчилар шу ердан ундирилган ҳосилнинг энг кўпи, ўндан бир қисмини ижара ҳақи тариқасида тўлаганлар, хусусий мулк бўлган ерларни ижарага олиб фойдаланган яримчилар эса ҳосилнинг бешдан бир, учдан бир қисмини ер ҳақи тариқасида тўлаганлар. Бироқ, автор яримчиларнинг ердан фойдаланиш шарт-шароитларига асосланиб, пировардида ердан фойдаланганлик учун „ҳосилнинг ярмини тўлаш тартиби энг кўп тарқалган тартиб, деб ҳисоблаш мумкин" [92]деган хулосага келади.

О. Шкапский ўз асарида хусусий ерларнинг ҳаммасини икки категорияга (ёрлиқли мулк ва атойи мулк) бўлиб кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, бу категориялар бир-биридан юридик жиҳатдан фарқ қилмайди, балки шу билан фарқ қиладики, ёрлиқлик мулк деб аталган ернинг эгалари солиқ тўламаганлар, аммо атойи мулк деб аталган ер эгалари эса пул солиги — солгут тўлаб келганлар. „Лекин атойи мулк деб аталган ердан олинадиган солиқ шу қадар озки, баъзи жойларда бундай ер эгалари солиқдан бутунлай озод бўлиб қолади" [93]. Муалллиф келтирган рақамлардан маълум бўлишича, ўртача ер эгалари, масалан минг таноб ери бўлгап ер эгалари „айрим жойларда" солиқдан мана шу тариқа озод қилиб қолган. Бундай ер

---

[90] О.Шкапский. Аму-Дарьинские очерки. – С. 105.
[91] O'sha joyda. - Б. 94.
[92] О.Шкапский. Аму-Дарьинские очерки. – С. 105.

[93] О.Шкапский, „Аму-Дарьинские очерки", - С. 113.

эгаларидан олинадиган солиқ авторнинг фикрича, ҳар бир танобга 1 тийиндан тўгри келади. Бундан маълум бўлишича, автор 40—50 минг таноб ери бўлган кишилардан олинадиган ер солиги ҳар бир танобга 1 тийиннинг юздан бир қисми миқдорида тўғри келишини ҳисоблаб чиқишга ботинолмаганга ўхшайди. Автор: „Мана шунинг ўзи хўжа кўрсингагина олинадиган солиқ эмасми?" — деб сўрайди ва бу саволга бундай жавоб беради: „Ҳақиқатда бунинг ўзи солиқлар тўлашдан бутунлай озод қилиб қўйишнинг ўзгинасидир"[94]. Модомики, ёрлиқли мулк деб аталгач ер эгалари сира ҳам солиқ тўламас экан, атойи мулк деб аталган ер учун солинадиган солиқ хўжа кўрсинтагина соли-надиган солиқ бўлган экан ва солиқ солиш системаси „ҳақиқатда солиқ тўлашдан бутунлай озод қилиб қўйган" система бўлган экан, у ҳолда XIX аср Хива хонлиги деҳқонлар солиқ тўламайдиган афсонавий мамлакатнинг ўзгинаси бўлиб қолган, деган хулоса чиқаришга тўгри келади.

Гарчи Шкапский Ташкилий Комиссия[95] тўплаган материаллар асосида ишлаганлигини айтиб, бу материлларнинг. хом ва чалалигидан нолиса ҳам, аммо шу материалнинг ўзини ҳам автор нуқул чалкаштириб юборган. Масалан, автор жуда кўп статистик жадваллар келтиради ва бу жадвалларнинг „ер эгаси бўлганхонадонлар рўйхати" деган графаларида катта ер эгаларини ҳам, майда ер эгаларини ҳам, ҳатто ер ижарага олиб фойдаланувчи хўжаликларни, яъни ерсиз деҳқонларни ҳамбирга қўшиб кўрсатади. Чунончи, XVI жадвалда (118-бет) айтилишича, Турткўл волостида 3227 таноб ер, ер эгаси бўлган 201 хонадон бор, ҳар бир хонадонга ўрта ҳисоб билан 16 таноб ер тўгри келади, деб кўрсатилади. Бироқ кейин аниқланишича, „ер эгаси бўлган 201 хонадон" қаторига 3227 таноб ери бўлган девонбеги Матниёзнинг хонадони ҳам киритилган; қолган 200 „хонадон" эса шу ерда жойлашган кишилардир. Бинобарин, ҳар бир хонадонга ўрта ҳисоб билан 16 танобдан ер тўгри келади деган хулоса, „ер

[94] O’sha joyda, 113-bet.
[95] „Amu daryo bo‘limida yer, soliq to‘lash sistemalarinipg tashkil etilishini o‘rganish maqsadida Kaufman tomonidan Amu dare bulpmntl .1875 yilda yuborilgan komissiya. (Шкапский, ўша асар, 80-бет).

эгалари" деб аталган деҳқонларнинг кўпчилиги ҳақиқатда ерсиз батраклар эканлигини, бутун ер бир-иккита бойнинг қўлида тўпланганлигини ниқоблайдиган хулосадир.

Кўпгина ноёб ҳужжатлардаги ёзувлар Хива хонлигида олинадиган солиқларнинг миқдоринигина кўрсатиб қолмасдан, шу билан бирга мачитлар, деҳқонлар ва ҳатто бутун хонликнинг деҳқончилик раёнлари ва ерларнинг турли категориядаги деҳқонлар ўртасида қандай тақсимланганлигини кўрсатади. 34-дафтардаги маълумотларга қараб ҳисоб қилинганида, Хивада 1183 мачит борлиги аниқланди. Солиқ тўловчиларнинг ҳаммаси 37 603 хўжалик бўлган. Жами бў-либ 16 400 хўжаликнинг ери бўлган. Шулардан 3146 хўжалик аъло, 3934 хўжалик авсат, яъни 5 танобдан 10 танобгача ерга эга бўлган кишилардан иборат, 9320 хўжалик эса 5 танобдан кам ерга эга бўлган аднолардан ҳисобланган. 5—6 таноб ери бўлган авсатлар, яъни ўрта хўжаликлар ҳам 9320 адно хўжаликлар сингари анча қийинчилик билан рўзгор тебратиб келганликларини юқорида айтиб ўтган эдик. Бинобарин, 1640 хўжаликдан фақат 3146 ёки 17 фоиз хўжалик, якка мулкдорлар деб аталган аъло хўжаликлар етарли миқдорда ерга эга бўлганлар. Аммо 13 254, яъни 83 фоиз хўжалик кам ер деҳқонлардан иборат бўлган. 21 203 хўжаликнинг умуман ери бўлмаган ва улар мулкдорларнинг ерини ижарага олиб, деҳқончилик қилиб келганлар.

Деҳқонлар фақат ер камлигидангина машаққат тортиб қолмасдан, ерларининг яхлит бўлмай, турли жойларда бўлиши ва тарқоқлигидан ҳам кўп машаққат тортганлар. Масалан, яхлит 4—5 таноб ери бўлган деҳқон хўжаликлари жуда кам учрайди. Одатда, шу миқдорда ери бўлган деҳқонларнинг ерлари бир ва ҳатто ярим танобдан турли участкалардаги лахтак ерлардан иборат бўлган.

Хон танобчилари томонидан ерларнинг миқдорини ўлчаб ёзиб қўйилган ҳужжатлар деҳқонларнинг ерлари қай тарзда бўлганлигини яққол кўрсатади.

Биз шу мақсад билан Хива хонлари архивидаги 26-дафтардан бир неча мисол келтирамиз (бу хужжат биринчи марта эълон қилинаётир):

„Авазнинг ери: бир бўлаги — бўйи қирқ беш газ, эни йигирма икки газ, яна бир бўлаги—ени ўттиз саккиз газ, бўйи—еллик газ, яна бир бўлаги—бўйи саксон саккиз газ, эни қирқ беш газ, яна бир бўлагд—бўйи ҳам тўрт таноб, эни ҳам тўрт таноб, яна... (ўқиб бўлмади.—*М. Й.),* жами қирқ агри кам ўн таноб.

Муҳаммад Ниёз бин Теловнинг бир бўлак ери: бўйи икки ярим таноб, эни қирқ уч газ, яна бир бўлаги—бўйи олтмиш саккиз газ, эни қирқ уч газ, яна бир бўлаги— бўйи ўттиз беш газ, эни йигирма бир газ, яна бир бўлаги—бўйи ва зни ўттиз газдан, яна бир бўлаги—бўйи эллик газ, эни эллик газ, жами ўттиз агри кам тўрт таноб.

Бекназарнинг баландликдаги ери: бўйи—ўттиз саккиз газ, эни йигирма беш газ, шоликорлик ери — бўйи саксон олти ярим газ, эни саксон тўрт газ, жами икки таноб олтмиш агри.

Хўжамуроднинг ери: бўйи юз йигирма саккиз газ, эни юз йигирма газ. яиа бир бўлаги—б"уйи тўқсон беш газ, эни олтмиш газ, жами олтмиш агри кам олти тапоб.

Ешбўлдининг шоликорлик ери: бир бўлаги—бўйи олтмиш тўққиз газ, эни олтмиш газ, япа бир бўлак шоликор ери — бўйи саксон олти газ, эпи ўттиз газ, яиа бир тепадаги ери [96]—бўйи олтмиш газ, эни йигирма газ, яна баландликдаги ери — бўйи қирқ газ, эни йигирма бир газ, жами йигирма агри кам икки ярим таноб.

Холмуроднинг баландликдаги ери—бўйи қирқ беш газ, эни қирқ газ, шоликорлик ери — бўйи ўттиз газ, эни ўттиз тўрт газ, яна бир шоликор ери—бўйи етмиш газ, эни қирқ газ, жами бир ярим таноб қирқ ағри.

---

[96] Bug‘doy, paxta va shu kabi ekinlar ekiladigai yer. Odatda, suv bo-sib ketadigan pastroq yerlarga sholi ekiladi.

Оллоберди бин Худойбердининг ери—бўйи саксон олти газ, эни олтмиш газ, яна бир бўлак ери—бўйи етмиш тўққиз газ, эни қирқ тўрт газ яна бир бўлаги—бўйи олтмиш тўрт ярим газ, эни олтмиш икки газ.

Хўжа Мурод, Оллоберди, Холмурод, Бекназар, эшбўлди—бешовларининг шерик ҳовлилари бўлиб, — бўйи қирқ беш газ, эни қирқ тўрт газ, жами тўрт таноб йигирма агри.

Шодмонбекнинг ери — бўйи олтмиш газ, эни 30 газ, умуман ярим таноб.

Тагой махзумнинг бир бўлак ери— бўйи тўқсон тўрт газ, эни етмиш саккиз газ, япа бир бўдага — бўйи қирқ газ, эни йигирма етти газ, яна бир бўлаги — бўйи йигирма етти газ, эни йигирма олти газ, жами иккн ярим таноб ўп агри.

Ёпнинг кун ботари (яъни каналнинг гарб томони). Шоҳниёзбекнинг бир бўлак юқори ери: бўйи юз эллик газ, эни тўқсон беш газ, яна бир бўлак юқори ери — бўйи бир юз эллик газ, эни етмиш етти газ, яна бир бўлак ери, бўйи ўттиз газ, эни ўн олти газ, яна бир баланд ери — бўйи ўттиз беш газ, эни йигирма бир газ, яна бир бўлак ери — бўйи тўқсон газ, эни эллик газ, шоликорлик ери — бўйи саксон беш газ, эни эллик бир газ, яна бир шоликорлик ери — бўйи юз олтмиш газ, эни қирқ газ (жами): баландликдаги ери тўққиз таноб, ўттиз беш агри,: шоликор ери — олти ағри кам уч таноб.

Эрмоннинг ери: бир бўлаги — бўйи юз етмиш газ, эни юз олти газ, яна бир бўлаги — бўйи йигирма газ, эни эллик беш газ. Ҳовлиси — бўйи қирқ тўққиз газ, эни ўттиз етти газ; Сарҳовуз — бўйи қирқ газ, эни ўн бир газ, жами етти таноб олтмиш ағри.

Эшниёзнинг ери: бўйи олтмиш етти газ, эни ўттиз олти газ, яна бир бўлаги — бўйи юз қирқ газ, эни эллик уч газ, яна бир бўлаги — бўйи етмиш газ, эни йигирма олти ярим газ, яна бир бўлаги — бўйи олтмиш газ. Эни йигирма беш газ, яна бир бўлаги — бўйи эллик газ, эни йигирма беш газ, жами тўрт таиоб қирқ ағри.

Юсуфнинг ери — бўйи эллик газ, эни йигирма газ, шоликорлик ери—бўйи қирқ беш газ, эни йигирма икки газ, баландликдаги ери: бир бўлаги —

бўйи юз ўттиз газ, эни ўттиз икки газ, яна бир бўлаги — бўйи қирқ етти газ, эни қирқ газ, яна бир бўлаги — бўйи етмиш тўққиз газ, эни қирқ беш газ, яна бир бўлаги — бўйи эллик беш газ, эни ўттиз олти газ, яна бир бўлаги — бўйи қирқ етти газ, эни қирқ газ, яна бир бўлаги бўйи етмиш тўққиз газ, эни қирқ беш газ, яна бир бўлаги — бўйи эллик беш газ, эни ўттиз олти газ, яна бир бўлаги — бўйи етмиш тўққиз газ, эни йигирма етти газ.

Юсуф, эшниёз ва Урозалининг шерик ҳовлисининг бўйи олтмиш ётти газ, эни йигирма олти газ; жами тўрт ярим таноб йигирма агри. Ёпнинг қибласи (яъни каналнинг жануб томони). Муҳаммадниёз бинни эшмуроднинг бир бўлак ери — бўйи ўттиз саккиз газ, эни ўттиз газ, яна бир бўлаги — бўйи юз газ, эни етмиш икки газ, яна бир бўлаги ҳовлиси билан — бўйи икки ярим таноб, эни икки та-ноб, бир таноб адро турур, тўрт танобга ҳисоб бўлди; яна бир бўлаги — бўйи йигирма газ, эни ётмиш беш газ; жами олтмиш агри кам тўққиз. таноб. Шу ердан икки ярим танóби шоликорлик ери турур.

Суюндук билан Дўстниёзюшг бир бўлак ери: бўйи—юз ўттиз беш газ, эни ўн олти газ, яна бир бўлаги — бўйи тўқсон газ, эни саксон уч газ, яна бир бўлаги — бўйи тўқсон тўрт газ, эни етмиш тўрт газ, яна бир-бўлаги — бўйи қирқ газ, эни ўттиз олти ярим газ, яна бир бўлаги — бўйи тўқсон газ, эни олтмиш тўққиз газ, яна бир бўлаги — бўйи икки таноб, эни олтмиш тўрт газ, жами ўн икки ярим таиоб олтмиш агри.

Саййид Мурод бинни Давлатмуроднинг бир бўлак ери — бўйи икки таноб, зни ўттиз беш таноб, яна бир бўлаги — бўйи юз йигирма газ, эни саксон олти газ, яна бир бўлаги — бўйи олтмиш газ, эни эллик икки газ,. яна бир бўлаги — бўйи қирқ тўрт газ, эни йигирма олти газ, яна бир бўлаги — бўйи юз даги тўққиз газ, эни етмиш бир газ, яна бир бўлаги— бўйи тўқсон газ, эни ўттиз етти газ; жами — саккиз таноб олтмиш агри. Устобобо бинни Ҳасанкелдининг бир бўлак ери — бўйи олтмиш икки газ, эни қирқ газ, яна бир бўлаги — бўйи ўттиз икки газ, эни йигирма тўққиз газ, яна бир бўлаги юз даги ўттйз икки газ, бўйи эллик беш газ, яна бир бўлаги — бўйи саксон

олти газ, эни етмиш тўрт газ, яна бир бў-лак шоликорлик ери — бўйи юз ўттиз олти, эни ўттиз газ, шоликорлик ери — бўйи етмиш беш газ, эни олтмиш газ; жами — етти таноб қирқ агри.

Оллоберди бинни Ҳасан келди ерининг бир бўлаги — бўйи икки таноб, эни қирқ беш газ, яна бир бўлаги—бўйи қирқ газ, эни ўттиз газ.

Устобобо билан Оллобердининг шерик ҳовлиси — бўйи олтмиш газ, эни ўттиз газ.

Бобо бипни Худойназарнинг бир бўлак ери — бўйи эллик тўққиз газ, эни ўттиз олти газ, яна бир бўлаги — бўйи тўққиз газ, эни етмиш газ, ҳовлиси — бўйи қир_қ газ, эни ўн саккиз газ; яъни икки таноб ўн сари (ўқиб бўлмади *М. Й.)* агри.

Катта ёпнинг (каналнинг) кун чиқари.

Новрузбойнинг бир бўлак ери — бўйи олтмиш газ, эни ўттиз етти ярпм газ, яна бир бўлаги — бўйи саксон саккиз газ, эни саксон икки газ; жами икки ярим таноб қирқ агри.

Тўра бинни Авазалининг бир бўлак ери — бўйи эллик икки газ, эни йигирма беш газ, яна бир бўлаги — бўйи қирқ газ, эни ўттиз икки газ, яна бир бўлаги — бўйи етмиш беш газ, эни олтмиш газ, яна бир бўлаги— бўйи саксон етти газ, эни қирқ бир газ, яна бир бўлаги — бўйи йигир-ма икки ярим газ, эни тўққиз газ, яна бир бўлаги — бўйи йигирма олти ярим газ, эни йигирма икки газ; жами уч таноб олтмиш агри".

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, ҳовлининг ва ҳовузнинг саҳни ҳам ер саҳнига қўшиб ўлчанган ва ҳисобланиб келинган. Демак, ҳовли ва ҳовузнинг саҳни учун ҳам солиқ тўлаш лозим бўлган.

Деҳқонлар, шу жумладан ҳатто авсатлар ҳам бир ҳовлида бир неча оила тиқилишиб яшаганлар. Мана шунинг ўзи улар ерлари бўлса ҳам, гоят муҳтожликда яшаганликларини кўрсатади. Кўп оилалар битта бинонинг ичида чорва мол-лари билан бирга яшашга мажбур бўлганлар, чунки ҳар бир иморатга алоҳида-алоҳида солиқ солинар эди.

Архивдаги маъдумотлар Хива хонлигидаги қуйи табақа аҳолининг турмуш шароити қандай бўлганлигидан далолат беради. Бу маълумотлар камбагаллар билан катта ер эгаларининг тирикчилигини ва аҳолини бир-бирига таққослаб кўрмоқ учун айниқса аҳамиятлидир

Ўша дафтарнинг ўзида 1269 (1852 — 1853) йилга оид бир ёзув бор. Шу ёзувда айтилишича, Муҳаммад Муродалининг ери ўлчанганида, бу ернинг бўйи ўн етти таноб, эни ўн таноб, жами бир юз етмиш таноб бўлиб чиққан; ички қалъанинг бўйи ўн таноб, эни ўн таноб, яъни газ таноб (ҳаммаси бўлиб икки юз етмиш таноб) бўлиб чиққан [97].

Демак, бир камбагалнинг арзимас тўрт таноб ери ҳам тўрт-беш б5Тлакка бўлиниб кетгани ҳолда бир бойнинг ҳар бўлаги бир юз етмиш танобдан иборат яхлит ерлари бўлган. Шунга яраша унинг ҳовлиси ҳам бошқача бўлган.

„Ҳовлининг ички тузилиши қуйидагича, — деб ёзган эди сайёҳ Вамбери: — довлинипг кенг дарвозасидан ўтиб, усти ёпиқ жойга—далонга кирасиз. Далондаи ўтгач, ўнг томонда дарвозанинг олдида бир ёки иккита катта хона бор. Бу хоналар меҳмонларни кутиб олиш учутс қурнлган меҳмонхонадир; шу хоналарда қурол ва энг кўп ишлатилиб турадиган рўзгор-асбоблари сақланади. Сўнгра, яна ўнг томонда, озиқ-овқат запаслари сақланадиган иккита ҳужра бор. Дарвозадан киргандан кейин, чап томонда сарой ва отхона бор, далоннинг тўрида, дарвозанинг рўпарасида эса кичиккина эшик қурилган ва бу эшикдан ҳовлининг ичкарисига кирилади. Ичкарининг кўпинча бир ёки икки томони бутунлай очиқ бўлади ва ичкаридан ўтиб, кўпинча боққа кирилади"[1].

Деҳқонларга тегишли ерларнинг миқдорига келганда шуни айтиш керакки, бу ерларнинг миқдори муттасил камайиб борган, яъни аълолар авсатлар қаторига, авсатлар аднолар қаторига ўтиб қола берганлар, аднолар эса қолган-қутган ерлардан ҳам ажраб ерсиз деҳқонлар қаторини тўлдира

[97] Хива хонлари архиви, 26-дафтар, 82-бет.

борганлар. Бир категориядаги деҳқонлар-нинг ундан кўра пастроқ категорияга ўтишлари, гарчи биз кўрсатган тартибда ҳамиша вужудга кела бермаган бўлса ҳам, аммо ери борларнинг ери камайиши ва кам ер деҳқонларнинг ердан ажраб қолиши тўхтовсиз давом эта берган. 5—10 таноб ери бўлган деҳқон шу ердан бир йўла батамом ажраб қолиб, ерсиз деҳқонлар қаторига ўтиши ҳам мумкин эди.

Хуллас, деҳқонларнинг Хоразм хонлигида хонавайрон бўлиши тўхтовсиз давом қилиб ва кучайиб борганлигини С-699 рақамли дафтарда ва 34-дафтарда бўлган аниқ статистика маълумотлари яққол кўрсатади.

С-699 рақамли дафтарнинг қандай дафтар эканлиги ҳақида бу асарнинг биринчи бобида келтирилган ва мазкур дафтардан олинган парчалар умумий тасаввур бера олади.

С-699 рақамли бу дафтар ҳовли эгаларининг рўйхати ёзилган 6-дафтар ва бошқа шунга ўхшаш дафтарларга асосланиб тузилган. Биз фақат битта 6-дафтарнигина топишга мувоффақ бўлдик. Шу сабабли ҳамма маълумотларнинг йигиндиси тўпланган С-699 рақамли дафтар Хиванинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини кўрсатиб берувчи жуда муҳим ҳужжатдир.

Шуни айтиб ўтмоқ керакки, С-699 рақамли дафтарга Питнак, Ҳазорасп ва Бешариқ раёнларига доир рўйхат маълумотлари киритилмаган.

Биз шу дафтарнинг 78, 79 ва 80-варақларидан. парчалар келтирамиз. Бу рақамларда ер эгаларининг категорияларига, улар қўлидаги ерларнин.г микдорига, уларнинг қанча солиқ тўлаганлигига доир якунловчи рақамлар, шунингдек, каналларни тозалаш ва қазиш учун қанча ишчи берилганлигига доир маълумотлар келтирилган.

„Ҳаммасининг мажмуи тўрт юз икки ёрлиқдор, икки юз ўттиз бпр сагир, олти минг тўрт юз қирқ беш навкар, уч минг олти юз ўттиз тўрт аъло, беш минг етти юз ўн олти авсат, саккиз минг тўрт юз адно", Гурлан, Арнабўйи, Кангли, Қипчоқдин бошқасининг қазувчиси ўн тўрт минг икки юз саксон уч; ҳаммаси йигирма тўрт минг олти юз йигирма икки уйли.

Ҳайбат бўйида (районида) уйгур — уч минг уч юз тўқсон беш ярим таноб, олти юз олтмиш бир тилла уч танга, беш юз ўн олти уйли.

Янгиариқ: беватани олти юз қирқ бир хўжалик, беш минг тўқсон тўққиз таноб, уч аббосий кам бир минг йигирма тилла;

Оқ масжидли: икки минг олти юз ўн бир таноб, беш юз йигирма икки тилла уч аббосий, уч юз йигирма тўққиз уйли.

Зеҳли: уч минг бир таноб, олти юз тилла уч аббосий, уч юз тўқсон уйли.

Амборли: ўн бир минг юз олти таноб, икки минг икки юз йигирма бир тилла тўрт ярим танга, минг тўрт юз олтмиш икки уйли.

Тошҳовузли: ўн тўрт минг беш юз эллик таноб, икки минг тўққиз юз ўн тилла, минг тўққиз юз олтмиш тўққиз уйли.

Илонли: олти минг етти юз йигирма таноб, минг уч юз қирқ тўрт тилла, тўққиз юз йигирма тўққиз уйли.

Қиличниёзбойли: ўн уч минг саккиз юз саккиз таноб, икки минг етти юз олтмиш бир тилла, ўн уч се чорак танга, икки минг юз етмиш саккиз уйли.

Ёрмиш бўйли: беш минг тўқсон тўққиз таноб, минг ўн саккиз тилла, ўн саккиз се чорак танга, етти юз йигирма тўрт уйли.

Вақфкор мойли чангал била Чорбогли: бир минг беш юз олтмиш таноб. уч юз ўн икки тилла, икки юз эллик уч уйли.

Кўҳна Урганчли: саккиз минг тўрт юз ўттиз бир таноб, минг олти юз саксон олти тилла тўрт се чорак танга, минг тўрт юз олтмиш тўрт уйли.

Хитой била Босув бўйли: тўрт мипг юз ўн олти таноб, саккиз юз йигирма уч тилла уч аббосий, олти юз эллик олти уйли.

Канглида ер тутқонлар: уч минг саккиз юз олтмиш таноб, уч юз саксон олти тилла, уч юз ўн икки уйли.

Мажмуи: саксон бир минг уч юз олтмиш бир таноб ер, саккиз минг юз ўттиз олти кишидан чорак тансбдан яна бир таноб зиёд, ўн олти минг икки юз етмиш икки тилла се чорак, ўн бир минг ўн саккиз уйли.

Мулкдор била беватаннинг жами: қирқ олти минг уч юз ўн олти тилла се чорак, ўттиз олти минг тўрт юз қирқ уйли. 1259, моҳи ражаб, товушқон йили".

Шу дафтардаги маълумотларга қараганда 806мачитга қарашлик қавмлар ўттиз олти минг тўрт юз қирқ уйли (хўжалик) дан иборат бўлган, шулардан йигирма тўрт минг олти юз йигирма икки хўжаликни мулкдорлар, 11818 хўжаликни беватанлар, корандалар, вақфчилар, яъни вақф ерларини ижарага олиб ишловчи ерсиз хўжаликлар ташкил қилган. Мана шу 11818 беватан, коранда, вақфчи хўжаликлар 81361 таноб ерни ишлатиб келганлар. Бинобарин, ҳар бир хўжалик ўрта ҳисоб билак 7 танобга яқин ерни ижарага олиб ишлатиб келган. Аммо архив дафтарларидаги маълумотларга қараганда, бундай хўжаликларнинг кўпчилиги ижарага олган ер, ўрта ҳисобда, ҳар бир хўжаликка 5 тапобга етар-етмас тўгри келган, камдан-кам хўжалик-ларгина 10 танобча ерни ижарага олиб ишлатиб келганлар..

Ерни ижарага олиб ишловчи хўжаликларнинг бир фоизи бир тапобдан ер ишлатиб келган. С-699 рақамли дафтарда уч раёнга доир маълумотлар ёзилмаганлиги юқорида айтиб ўтилган эди.

Солиқ солиниш жиҳатидан мулк ерлар уч категорияга бўлинар эди: 5 танобгача ери бўлганлнр пастки категориядаги деҳқонлардан ҳисобланиб, бундай деҳконлар *адно* деб аталар эди. 5—10 таноб ери бўлганлар ўрта ҳол деҳқон ҳисобланиб, улар *авсат* деб, 10 танобдан ортик ери бўлганлар бой деҳқонлар ҳисобланиб, улар *аъло* деб аталар эди.

Статистика маълумотлардан маълум бўлишича, 17 йил мобайнида (1843 йилдан то 1859—1860 йилларга қадар) аъло категориядаги хўжаликларнинг қарийб олтидан бир қисми авсат хўжаликлар категориясига ўтиб қолган, яъни ўрта деҳқонлардан камбагал деҳқонлар қаторига тушиб қолган[1]. Ҳар қайсиси 5—10 таноб ерга эга бўлгап аднoларнинг, яъни камбагал деҳқонларнинг ердан ажраб қолиши сингари ҳоллар бундан ҳам кўпроқ рўй берган.

Адноларнинг ярмиси ердан ажраб қолган дейиш мумкин. 2150 ни 560 га қўшганда жами 2 710 хўжаликдан иборат аъло ва авсатларнинг камайганлиги маълум бўлади. Мана шунинг ўзи 17 йил ичида аъло ва авсатларнинг ярмидан кўпроги ердан маҳрум бўлиб қолганлигини кўрсатади. 1859 — 1860 йилларда авсатлардан 2350 хўжалик камайгани ҳолда 560 аъло авсатлар қаторига тушиб қолган. Агар аълолар қаторидан шу 560 хўжалик авсатлар қаторига тушмаганда, авсатлар бундан ҳам кўра кўпроқ камайиб кетган бўлур эди.

Албатта, деҳқон хўжалигининг ери қанчалик кам бўлса, бу хўжалик ўз еридан шу қадар тез маҳрум бўлиб қолиши турган гап. Шу сабабли камбагал хўжаликларнинг ердан маҳрум бўлиши аста-секин давом қилган, яъни 2710 хўжаликнипг ҳар қайсиси ўз ерининг фақат бир қисмидан маҳрум бўлиб, шу тариқа аднолар қаторига ўтган. Лекин гарчи адполар қаторига 2710 хўжалик (уйли) қўшилган бўлса ҳам, бироқ шу билан бир вақтда 2600 чамаси уйликлар ўз қўлларидаги оз микдорда бўлган ердан ҳам маҳрум бўлиб, беватанлар қаторига ўтиб колганлар. Авсатларнинг ҳам бир қисми беватанлар қаторига бир йўла ўтиб қолган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда деҳқонларнинг ердан ажралиши қай тариқадаборган бўлса ҳам, бари-бир бу ерсизланиш натижасида 2700 хўжалик ўз ихтиёридаги ердан ажралиб қолган ва шу тариқа беватанларнинг сони қарийб 25 фоиз кўпайган.

Хива хонлигида ер эгалиги формалари XIX асрда куйидаги формасига тўхталиб ўтсак.

Ерларнинг энг кўпи хусусий кишиларга қарашли мулк ерлардан иборат эди. Бундан ташқари, вақф ерлари, сўнгра эса давлат ерлари ёки подшолик ерлар бор эди [98].

Бундай уч категорияга бўлинишни деҳқонларнинг камбагал, ўрта ҳол ва бой деҳқонлар деб уч табақага бўлиниши учун асос қилиб олинмаслиги керак.

---

[98] Yer maydopining miqdoriga qarab bizning bunday kategoriyalarga taqsimlaganligimiz tarixchilar oʻrtasida odat boʻlib qolgan fikrga zid boʻlib tushadi. Chunki hamma avtorlar, odatda, podsholik yerlar Xiva xonligidagi yerlarnipg asosiy qismini tashkil qiladi, deb xisoblab kelganlar (bunga misol qilib P. P. Ivanovning maqolasini koʻrsatib oʻtsa boʻladi: .Zapiski Iistituta vostokovedeniya AN", t. V, 43-bet).

Ўрта ҳисоб билан 20 таноб ери бўлган аълоларнигина бой деҳқон деб ҳисоблаш мумкин.

Халқ кутубхонаси ва СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти коллексияларида Хива хонлигида кимга қанча солиқ солинганлиги ҳақида тўпланган дафтарлардан бутун Хива хонлигида 1259 (1848) — 1276 (1859—1860) йил-ларда қандай ва қанча ерлар борлигини билиб олиш имкониятига эга бўлдик,-деб таъкидлайди М.Йўлдошев. Шу дафтарлардан бирини ўз вақтида П. П. Иванов топган эди, дафтарларнинг иккинчйсини биз топишга муваффақ бўлдик (бу дафтар Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида С-699 рақамли қўлёзма тариқасида сақланмоқда).

Бироқ, бу дафтарлардаги ёзувларни ўқиб, уларнинг моҳиятини англаб олиш анча қийин иш бўлли. Нуқул галати рақамлар ёзилган бу дафтарни биринчи бўлиб топган П, П. Иванов мазкур дафтарнинг қай шаклда эканлигини тавсифлаб берган бўлса ҳам, лекин бу дафтарда нималар ёзилганлигини тушунтириб бера олмаган[99]. Биз ҳам ўзимиз топган дафтардаги рақамларнинг нималигини англаб олишда анча қийналдикъ. Лекин рақамларнинг нималигини топганимиздан кейингина бутун дафтарнинг мазмунини |ушуқиб олишимиз анча осон бўлди

Бу дафтарларда, аввал, мачитларнинг номлари ёзилган, сўнгра, қандайдир тўртта галати рақамлар келтирилган. Биз тўрт хил рақамларни бир-бирига қўшиб, кўпайтириб кўр-ганимизда ҳам бу рақамлар ўртасида ҳеч қандай богланиш топа олмадик. Баъзи рақамларнинг ўрнига гоҳо „йўқ" деган сўз ҳам ёзилган эди, дейди тадқиқотчи М.Йўлдошев.

Демак, бу дафтарлар Ўрта Осиёнинг деҳқончилик раёнларида ҳар қайси мачит қавмларидан олинадиган солиқнинг миқдорини, бу солиқларни қандай категориядаги деҳқонлар тўлаб келганлигини кўрсатиб берадиган ва шу вақтгача фан соҳасида номаълум бўлган Ўрта Осиё тарихига доир бирдан-бир ҳужжатдир. Шу дафтарга қараб ҳар бир айрим Вилоятда ва умуман, бутун хонликда ҳар қайси категориядаги деҳқонлар сони ҳамда

---

[99] П. П. Иванов, Архив Хивинских ханов. 70-дафтар, 153-стр.

улар тўлаб келган солиқларнинг умумий миқдори қанча бўлганлигини ҳам билиб оламиз. Шунингдек, бу дафтарда деҳқонларнинг қўлида қанча ер бўлганлиги, ҳар қайси категориядаги хўжаликларнинг сони қанчалиги, ерсиз деҳқонлар ижарага олиб ишлатаётган ерларнинг миқдори қанчабўлганлиги ҳам аниқмаълум бўлади.

Деҳқонларнинг ердан ажраб қолиши сингари ҳоллар 1873 йилдан кейин ҳам давом эта берган. Буни исбот қилмоқ учун Шкапскийнинг ташкилий комитет томонидан тўп-ланган ва 1893 ҳам 1896 йилларга доир бўлган маълумот-.ларни таққослаб чиқарган хулосаларини келтириш мумкин. 1875, 1893 ва 1896 йилларда 5 танобгача ери бўлган, яъни Шкапскийнинг ўзи ночор хўжаликлар деб ҳисобласа ҳам, бизнинг фикримизча, аднолар қаторига киритилган деҳқон хўжаликларининг фоизи мустамлака даврида деҳқонларнинг ерсизланиши тўхтовсиз давом этганлигини кўрсатади. Афсуски, Шкапский бу иротсентни ҳисоблаб чиқарганида деҳқонлар қўлидаги ернинг энг кўпи қанча бўлганлигини айтмаган. Шу сабабли унинг чиқарган фоизларига асос қилиб олинган рақамлар равшан эмас. Бироқ унинг жадвалларида келтирилган рақамларнинг бу камчиликларига қарамай, шуни айтиш мумкинки, 5 танобгача ери бўлган хўжаликларнинг (яъни аднoларнинг) сони 1875 йилдан то 1893 йилга қадар қарийб икки ярим баравар кўпайган, 1875 йилдан 1896 йилга қадар эса қарийб уч баравар кўпайди.

Шкапскийнинг асарида комиссияга тақдим этилган кўп ҳужжатлар ҳам келтирилади. Шу ҳужжатларнинг кўпчилигидан маълум бўлишича, мазкур ҳужжатларнинг эгалари илгари 10 танобгача ерлари бўлган ва, кейин, 15—20 йил ичида уларнинг қўлида атиги 1—2 таноб ер қолган. Шкапскийнинг айтишича, бу ҳужжатлар 1850 йилларга доир бўлса ҳам, комиссияга 1874—1875 йилларда тақдим этилган. Бинобарин, 1859—1860 йилларга доир бўлган ва биз юқорида кўрсатиб ўтган жадвалда келтирилган рақамлар билан Шкапскийнинг асарида келтирилган рақамларни таққослаб кўриб, шундай хулосага келиш мумкинки, деҳқонларнинг ерсизланиб қолиши 1859 — 1860

йиллардан кейин ҳам, яъни Хива хонлиги Россияга қўшилгунча, сўнгра эса Россияга қўшилгандан кейин ҳам тўхтовсиз давом этиб борган

Бизнинг тахминий ҳисобларимизга қараганда, давлат қўлидаги экинбоп ерлар 1850 йилларда 85 000 танобга етиб қолган эди. Биз бу хулосани 34-дафтардаги маълумотларга, тўгриси давлат ерларини ижарага олиб ишловчиларнинг сонига доир маълумотларга асосланиб чиқардик. Шу дафтарда бошқа мулкдорларнинг ерларини ва вақф ерларини ижарага олиб ишловчиларнинг ҳисоби ҳам келтирилган. Биз уоарни умумий ҳисобдан чиқариб ташлаб, давлат ерларини ижарага олиб ишловчиларнинг умумий сонини аникладик (20, 20 об, 21, 30 об, 4-5, 46, 46 об, 47, 47 об, 48, 48 об, 49, 50, 53 об, 56 об, 59, 59 об, 60, 65 об, 68 об, 70, 70 об, 72 об, 73 об, варақлар). Улар ҳар 5 таноб ер ҳисобидан бир тилладан солиқ тўлаб келганлпклари сабабли (биз буни кейин исбот қилиб берамиз), шунга асосланиб, улар тўлаган солиқнинг жами 17032 тилла бўлганлигини аниқладик. Бинобарин, улар ижарага олиб, ишлатиб келган подшолик ерлар (давлат ерлари), шу ҳисобга қараганда 86 000 танобдан ошмайди.

Демак, М.Йўлдошев томонидан тадқиқ қилинган Хива хонлигининг XIX асрнинг ўрталарида давлат ерлари қандай тақсимланганлигини бир ҳисоб қилиб қарасак, у ҳолда қуйидаги хулоса келиб чиқади:

1) Бевосита ишлаб чиқарувчилар — адно ва авсат категорияларидаги деҳқонлар қўлида 64000 таноб ер бўлган.

2) Аъло категориясига кирувчи мулкдорлар қўлида 70 000 танобга яқин ер бўлган.

3) Подшолик ерлар (365 —170 минг), вақф ерлари 256000 таноб чамаси бўлган.

4) Юқоридаъ айтиб ўтилган ерларнинг ҳаммаси 384000 танобга етади.

Данилевскийнинг асарини таҳлил қилган М.Йўлдошев Хива хонлигида асосий ерлар 10 000 ва ҳатто 100000 таноб кўпайтириб ёки озайтириб юборилган бўлиши мумкин, - деган фикрга келади. Шундай бўлса ҳам, бу рақамлар умумий манзарани ўзгартирмайди. Гап шундаки, 1 миллион 866

минг 666 танобдан иборат мазкур ерлавдан адно, авсат ва аъло деҳқонлар ҳиссасига атиги 134 000 таноб, сипоҳийлар ва навкарларнинг қуйи табақалари ҳисобига, тахминан, 260000 таноб ер тўғри келади, подшолик ва вақф ерлари 256000 таноб ҳисобланади. Ниҳоят, қолган ерларнинг ҳаммаси, яъни 1 миллион 216 минг 666 таноб ер катта бойлар — феодалларники бўлиб чиқади.

Данилевскийнинг ўзи, аслини олганда, қуйидаги мулоҳазаларга асосланиб, шундай фикрга келган: модомики, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ҳамма ерлар фақат хон ва унинг амалдорлариники бўлган экан, демак, Амударёнинг чап соҳилидаги ерлардан камроқ қисми хон ва унинг амалдорлари, катта бойларники, кўпчилик қисми деҳқонларники бўлишя керак. Башарти Хивада иккита хонлик бор деб фараз қи-линганида, бу фикр ҳақиқатга тўгри бўлар эди. Ваҳоланки бутун Хивада битта хонлик ҳукм сурган. Демак, биз Даниленскийнинг хулосасига қараганда бошқача хулоса чиқаришимиз тўгрироқ бўлади: хонлар ва феодаллар Амударёнинг ўнг соҳилидаги ҳамма ерларни ўз қўлларига ўтказиб олгач, чап соҳилдаги ерларни ҳам шу тариқа босиб олишга интилганлар.

XIX асрнинг ўрталарида бойлар ўз ерларини кўпайтирмоқ учун тўртинчи йўлни қўллана бошлаганлар ва бу йўл тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб қолган. Бу тўртинчи йўл шундан иборатки, катта бойлар янги ерларга сув ч-қарнш йўли билан яхлит-яхлит ерларни ўзлаштириб ола берганлар. Ўз-ўзидан маълумки, каналлар қуриш ва бошқа ирригатсия ишларида энг камбагал деҳқонлар оммаси ишлар эди. Бу иш давлат учун бажарилиши лозим бўлган мажбу-рий иш эди. Бироқ, каналлар қазилиб, янги ерларга сув чиқарилиб бўлгандан кейин, бу ерлар шу ондаёқ хонларнинг, энг катта амалдорларнинг мулки бўлиб қолар эди. Шу ерлардан бир оз қисмигина майда-чуйда сипоҳийларга ва навкарларга инъом қилиб берилар эди. Ерсиз деҳқонлар эса янги ерларда ё коранда бўлиб, ёки шу ерларни ижарага олиб ишлар эдилар.

Жуда катта хусусий ёки подшолик ерларнинг хўжайини бўлган хоннинг ўзи мамлакатининг биринчи феодали эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, П. П. Иванов Хива хонларининг, жумладан, Саййид Муҳаммад хоннинг қанча ери бўлганлигини текшириб кўрган эди. Аммо етарли манбалар бўлмаганлиги сабабли Иванов бу масалани, афсуски, батафсил текшириб охирига етказа олмади. Эндиликда, архив материаллари ишлана бошлагач, бу масалани муфассалроқ ҳал қилмоқ учун анча етарли материаллардан фойдаланиш мум-кин. Лекин, афсуски, бу асарнинг олдига қўйилган мақсад бошқачароқ бўлганлиги сабабли, XIX асрда Хивада бўлган ҳамма хонларнинг қанча ери бўлганлиги масаласини етарли равишда чуқур ҳал қилиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Биз хонлар қўлида бўлган ерларни йирик феодал ер эгалигининг бир тури деб ҳисоблаймиз. Бутун Хива хонлигидаги ер фондининг энг кўп қисми катта феодаллар қўлида бўлган ерлардан иборат эканлигини исбот қилиб берамиз. Ҳар бир хон ўз қариндошларига, ўзининг бутун ички ва ташқи сиёсатида ўзига таянч бўлган ҳар хил амалдорлар ва сипоҳийларга кўп-кўп ерларни инъом қила берган.

Мутлақо равшандирки, ҳар бир хон ўзи хоҳлаган миқдор-даги ерни босиб ола берган. Демак, унинг ўрнига ўтирган янги хон очкўзликда ва янада кўпроқ бойиш учун интилишда ўз ўтмишдошидан сира қолишмаганлиги ҳаммага маълум.

Н. Н. Муравевнинг хонга қарашли ер мулкларини жуда яхши таснифлаб берганини М.Йўлдошев алоҳида таъкидлайди.

„Гарчи бутун Хива хонлиги аслида мавжуд хоннинг ўзиники ка мулк бўлиб ҳисобланса ҳам, бироқ унинг ота-боболари бўлган иноқларнинг қадим замонлардан бери тасарруф қилиб келган ерлари ҳам шу хоннинг ўз мулки деб ҳисоблапар эди. Хонга қарашли мана шу ерларга хон томонидан келтириб чиқарилган урушларда бутун уруг-аждоди билан қирилиб кетган бечора ўзбекларнинг мулклари ҳам қўшиб олина ва шу тариқа хоннинг ерлари кўпайтирила берар эди. Мана шу ерлар хоннинг алоҳида мулки

бўлиб, жуда кўп ариқлар сув билан сугоридар, бу ерларда қуллар „сартлар" ҳамда корақалпоқларнинг қишлоқларидаги аҳоли ишлар эди. Буларни хоннинг ўзи атайин шу ерларга кўчириб келтирган эди. Хон ерларида экилиб, мўл ҳосил берган ҳар хил донли экинлар, чунончи, бугдой, тариқ, кунжут, жўхори ва шу кабилар галла сотиб олмоқ учун Хива хонлигига турли жойлардан келган туркманларга анча юқори баҳо билан сотилар эди.

Ғалла сотиб олувчилар келганда, ўзининг бутун галлаларини истаган баҳосида пуллаб олиш учун, хон бутун хиваликларга ўлим таҳдидини солиб, галла сотишни ман этади ва бу билан ўз галласининг нархини оширади" [100].

Хива тарихчиси Баёнийнинг айтишича, хон (Муҳаммад Амин) га Кўҳна Урганч ҳавоси ёқиб қолганида у ерда хон ўзига бог қилдирган [101].

1262 (1845—1846) йилда Муҳаммад Амин хонинг фар-монига мувофиқ Кўҳна Урганчда капал қурилишининг саркори Шомуроднинг номига катта ариқ чиқарилган эди. Сўнгра, Муҳаммад Амин юз боши томонидан Сипоҳий Ариқ номли Соқа канал чиқарилган. Муҳаммад Амнн хон шу ерда бог қилдириб, Муҳаммад Амин юз бошини унга саркор қилиб тайинлаган. Шу мавзудаги бирмунча ерларни хон сипоҳийларга инъом қилган. Ўз ўгли Абдулло тўрага 20 минг таноб ер берган [102].

Академик М.Йўлдошев томонидан архив материалларини синчиклаб ўрганилиши натижасида тарих фанида Хива хонлигидаги аграр муносабатлар масалаларига доир ўрнашиб қолган асосий консепсиялар ва қарашларни рад этишга муваффақ бўлдик. Жумладан, Хива хонлигидаги ерларнинг ярмидан кўпроги майда ер эгалари қўлида эди, давлат қўлида бўлган экишга яроқли ерлар фонди жуда катта эди, деган қарашлар бутунлай асоссиз бўлиб чиқди. Архив ҳужжатларидаги гоят аниқ статистик маълумотларни текшириш шуни кўрсатадики, ҳақиқатда Хива хонлигидаги ерларнинг ўндан биридан

---

[100] Муравьева, “Путешествие в Туркменю”, II част 80—81 стр.
[101] Баёний, Хоразм тарихи, в. 330 и 330 об. Shuni aytib o‘tish kerakki, katta boglarda ko‘pincha lalmikor ekinlar ekilar edi.
[102] Баёний, Хоразм тарихи, в. 330 ob.

камроги майда ер эгаларининг қўлида бўлган, экишга ярокли ерларнинг еттидан бир қисми эса давлатга қарашли бўлган. Аммо ҳамма ерларнинг учдан икки қисмидан кўпроги катта ер эгаларининг қўлида тўпланганлиги ҳам архив ҳужжатларидан маълум бўлди.

Бу янги факт Хивада йирик ер эгалигининг пайдо бўлиши масаласини янгича ёритиш имкониятини тугдирди. Одатда, Хивада катта ер эгалари феодал оқсуяклар орасидан етишиб чиққан ва уларнинг ерлари ҳисобига кўпайиб келган деб қаралар эди. Архив материалларини анализ қилиш бу жараённинг бошқача йўллар билан борганлигини кўрсатади. Биринчидан, катта ер эгаларининг қўлидаги ерлар XVIII асрдаги ва XIX асрнинг бошидаги тўхтовсиз давом қилган урушлар вақтида деҳқонларнинг ерларини зўрлик билан тортиб олиш ҳисобига, шунингдек, уругларнинг кўчманчи хўжаликдан ўтроқликка ўтишида эиг камбагал кўчманчиларнинг ерларини мусодара қилиш ҳисобига кўпая борган. Катта ер эгалиги, шу билан бир қаторда катта ирригатсия иншоотлари куриш йўли билан янги ерларни ўзлаштириш тариқасида ҳам вужудга келган. Уругларнинг бошлиқлари аҳолининг қуйи табақаларини мажбуран ишлатиб, янги ерларга сув чиқартирганлар. Ниҳоят бутун XIX аср давомида деҳқонларнинг ерсизланиши натижасида ҳам бой-ларнинг қўлидаги ерлар кўпая борган, яъни деҳқонларнинг ерлари бойларнинг қўлига ўта берган.

## 3.2. Хива хонлиги солиқ тизими М.Йўлдошев тадқиқотларида

Хива хонлиги солиқ солиш тартиби ва солиқ тўловчилари ҳақида гапирадиган бўлсак, тадқиқотчи М.Йўлдошев О. Шкапскийнинг „Аму-Даринские очерки" асарини таҳлил қилар экан, „фойдаланилаётган ер миқдоридан" қатъи назар, „солиқ тўлашга қодирлиги ва давлатмандлигига" [103] қараб уч категорияга тақсимланиши, солиқ солишнинг китобда баён қилинган системаси ҳам, шунингдек категорияларга тақсимлаш принсипи

[103] О. Шкапский. Как хивинцы ведут полевое хозяйство на своих безводных землях. – М., 1900. – С. 45.

ҳам авторнинг масалага синфий кўз билан қараганлигини ва айрим ҳолларда бу масалани атайин чалкаштириб юборганлигини таъкидлайди. Агар авторнинг айтганига ишонадиган бўлсак, Хива хонлигида солиқ солиш тартиби юзаки бир нарса экан, деган хулоса келиб чиқиши мумкин.

Солиқ солиш системаси тўгрисида автор баён қилган гапларнинг бутунлай ҳақиқатга тўгри келмаганлигини, шунингдек, автор бу системанинг синфий моҳиятини бўяб кўрсатишга интилганлигини тушуниб олмоқ учун биз солиқ солишнинг системаси ҳақиқатда қандай бўлганлигини М.Йўлдошев ўзининг “Хива хонлиги феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши” асарида белгилашга ҳаракат қилган ва энди биз шу системани қисқача баён қилиб ўтамиз. Бу системанинг моҳияти шундан иборат бўлганки, агар ер эгаси, масалан: навкар, амалдор ва шу кабилар солиқ тўлашдан махсус озод қилин-ган бўлмаса ва ер эгасининг ери беш танобдан ортиқ бўлмаса, у ҳолда беш тилладан, 5—10 таноб ери бўлганда 2 тилладан, 10 танобдан[1] ортиқ ери бўлганлар 3 тилладан со-лиқ тўлаб келганлар.

Шундай қилиб, фақат 11 танобгача ери бўлган майда ер эгаларигагина солиқ солипар эди, чунки. 11 танобдан ортиқ, яъни 12 таноб, 50—60 мипг таноб ери булган ер эгаларига „10 танобдан ортиқ ери бўлган" кишиларга солинадиган солиқ миқдоридагина солиқ солинар эди. Бошқа сўз билан айтганда, 10 танобдан ошиқ ери бўлган-лар ҳақиқатда солиқ тўлашдан озод қилиниб қўйилган эди. Бироқ, мана шу 40—50 минг таноб ерларнинг ҳаммасидан ҳам берибир солиқ олинар эди, лекин бу солиқни шу ернинг эгаси эмас, балки шу ерни ижарага олиб фойдаланаётган кишилар тўлар эди. Ерни ижарага олиб фойдаланувчилар солиқни ўша уч категорня принтсипида (яъни беш танобгача — бир тилла, 5—10 танобгача 2 тилла ва ҳоказо) тўлар эдилар

Солиқ солиниш жиҳатидан мулк ерлар уч категорияга бўлинар эди: 5 танобгача ери бўлганлнр пастки категориядаги деҳқонлардан ҳисобланиб, бундай деҳқонлар *адно* деб аталар эди. 5—10 таноб ери бўлганлар ўрта ҳол деҳқон ҳисобланиб, улар *авсат* деб, 10 танобдан ортик ери бўлганлар бой

деҳқонлар ҳисобланиб, улар *аъло* деб аталар эди (кейинчалик биз аъло деҳқонларнинг ҳар қайсисида ўрта ҳисоб билан 20 танобдан ер бўлганлигини исбот қилиб берамиз).

Бундай уч категорияга бўлинишни деҳқонларнинг камбагал, ўрта ҳол ва бой деҳқонлар деб уч табақага бўлиниши учун асос қилиб олинмаслиги керак. Ўрта ҳисоб билан 20 таноб ери бўлган аълоларнигина бой деҳқон деб ҳисоблаш мумкин.

М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги солиқ тўловчи мачитлар ҳам тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқиотлар ҳақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Ниёз Дурди мутавалли мачити қавмлари 7 хўжаликдан (бир аъдо, бир авсат ва беш адно хўжаликдан) иборат бўлган. Шуларинng ҳаммаси жами 10 тилла (3+2+5) солиқ тўлагап. Демак, бу сафар ҳам мана шу якун дафтарнинг охирги графасидаги якунга тўгри келади. Биз кўрсатган мисолпип.г учинчи сатридаги якун рақамлар якунига тўгри келмайди. Бироқ, бу ҳол принсипнинг нотўғрилигини бил-дирмайди, балки котибнинг 33 рақами ўрнига 29 рақамини нотўгри ёзгаплигини кўрсатади. Мачитларнинг номи билан фақат битта рақам ёзилган рўйхатлар солиқнинг умумий якунини билдиради, холос. Ерсиз деҳқонлар категориялари бўйича солиқ тўламасдан, балки ўзлари ижарага олиб фойдаланаётган ернинг катта-кичиклигига қараб қанча ердан фойдалансалар, шунга яраша солиқ тўлаб келганлар, кейинчалик биз буни исбот қилиб берамиз ва дафтарда ҳам шу ҳолат акс эттирилган.

Дафтарда категорияларга ажратилиб ёзилган сатрлар ерсиз деҳқонлар устида гап бораётганлигини билдиради. Демак, бундай ҳолатда ҳар сатрда ёзилган фақат бйтта рақамнинг ўзи шу ерсиз деҳқонлардан олинадиган солиқ"нинг умумий миқдорини билдиради.

Демак, бу дафтарлар Ўрта Осиёнинг деҳқончилик районларида ҳар қайси мачит қавмларидан олинадиган солиқнинг миқдорини, бу солиқларни қандай категориядаги деҳқонлар тўлаб келганлигини кўрсатиб берадиган ва шу вақтгача фан соҳасида номаълум бўлган Ўрта Осиё тарихига доир

бирдан-бир ҳужжатдир. Шу дафтарга қараб ҳар бир айрим Вилоятда ва умуман, бутун хонликда ҳар қайси категориядаги деҳқонлар сони ҳамда улар тўлаб келган солиқларнинг умумий микдори қанча бўлганлигини ҳам билиб оламиз. Шунингдек, бу дафтарда деҳқонларнинг қўлида қанча ер бўлганлиги, ҳар қайси категориядаги хўжаликларнинг сони қанчалиги, ерсиз деҳқонлар ижарага олиб ишлатаётган ерларнинг микдори қанчабўлганлиги ҳам аниқмаълум бўлади.

Солиқ тўловчи мулкдорларнинг ер фонди қуйидагича тақсимланади.

Ўша С-699 рақамли дафтардаги якунловчи маълумотлардан кўриниб турибдики:

1) Аднолар 8404 уйли (хўжалик) бўлган; ўрта ҳисоб би-лан ҳар бир аднонинг икки ярим таноб ери бўлганлигини назарда тутсак, адноларга қарашли ерларнинг ҳаммаси 21 минг таноб бўлган бўлиб чиқади (8404Х2,5 = 21010);

2) Авсатлар 5716 хўжаликдан иборат бўлган. Ҳар бир авсатнинг ўрта ҳисобда 7,5 таноб ери бўлганлигини назарда тутилса, авсатларнинг ҳаммаси, чамаси 43 минг (42 870) та-ноб ерга эга эканлиги ма.ълум бўлади;

3) Модомики, адно ва авсатлар қўлидаги ерларнинг ҳаммаси 64000 таноб бўлган деб, солиқ тўловчи мулкдорлар қўлидаги ерларнинг ҳаммаси юқорида айтилганидек, 129-142 минг таноб бўлган деб ҳисоб қилсак, бу ҳолда 3634 аълолар қўлида 65—78 минг таноб ер қолган бўлиб чиқади. Бинобарин ҳар бир аълога ўрта ҳисоб билан 19 — 20 танобдан ер тўгри келади.

Навкарлар (хон хизматида бўлган отлиқ аскарлар) қарамогидаги ерларнинг микдори ҳам тахминан шунча бўлган. Буни исботламоқ учун шу асарда келтирилган навкарлар рўйхатини кўздан кечириш кифоя қилади. Бу рўйхатда ҳар қайси навкарнинг қапча ери борлиги, бу ер кимларга ижарага берилганлиги номма-ном кўрсатилган. Иккинчидан бу рўйхатда келтирилган статистика маълумотларидан маълум бўлишича, 2103 навкардан 1487 киши аъло, 425 киши авсат ва 191 киши адно эканлиги кўриниб турибди.

Энди майда ва йирик ер эгалари қўлида қанча ер бўл-ганлигини, Хива хонлигидаги ер фондининг тақсимланиши қай хилда бўлганлигини кўрсатиб ўтайлик.

Мачитлар ва уларга қарашли вақф ерларнинг рўйхатидан маълум бўлишича, бу ерларнинг кўпчилиги мачитларга XIX асрда, айниқса 1840 йилдан кейин вақф қилиб берилган [104]. Болтаевнинг шу рўйхатида санаб ўтилган мачитларга қарашли вақф ерларнинг ҳаммаси 152000 таноб бўлган[105].

Хива ҳақида муфассал асар ёзиб қолдирган Муравев хоннинг даромадларини тахминан кўрсатиб ўтади, аммо ер солиги ҳақида ҳеч нарса ёзмайди [106]. Хоннинг даромадлари масаласида Данилевский ўз асарида бирмунча кенгроқ тўх-талиб ўтса ҳам, ер солиги ҳақида у ҳам ҳеч нарса ёзмади[107].

А. Л. Куннинг „Хива хонлигида солиқлар ундириш тартиби" ва „Хива хонлигида солиқлар ҳақида мулоҳазалар" деган махсус мақолалари („Туркестанские ведомости" 1872 йил, сон 32 ва сон 33), афсуски, анча юзаки характерга эга. Бунинг сабаблари қисман тушунарли бу мақолалар рус ас-карларининг Хивага юриши тамом бўлиши билан дарҳол ёзилган. Шу орада А. Л. Кун бу масалани чуқур текшириб, унинг моҳиятини очиб бера олмади. Ундан ташқари А. Л. Кун ўз олдига махсус ер солиги масаласини текширишни мақсад қилиб қўймади ҳам. Ўзининг қисқа мулоҳазаларида у; аслда, хон хазинасига ҳар хил соликлардан— ер солигидан, бож, тамга ва бошқа солиқлардаи келадиган даромадларни кўрсатди. Аслида ер солигига келгандаеса, юқорида кўрсатилган мақолаларда бу масала эгалик муносабатлари билан богланмаган ҳолла ва, умуман, жуда чалкаш равишда текширилади. Шундай текшириш натижасида бeватандан олинадиган ижара

---

[104] Болтаев А. O'zbekiston ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтиdagi qo'lyozma, 9320, 85-varaq.
[105] O'sha joyda.

[106] Муравъев Н. П., „Путеществие в Туркменю и Хиву".
[107] Данилевский, Описание Хивинского ханства, зап. Opisaniye Xivinskogo xanstva, zap. РГО, кн. 5, I. I I.

пули ҳам, кораиданинг подшолик ерлар учун тўлайдиган ижара пули ҳам „натурал мажбурият" деб ҳисобланади ва ҳоказо [108].

Шкапскийнинг асарида эса ер солиги системаси ҳақидаги масала, юқорида айтилганича, бир тарафлама баён этилган. Шкапский „мисол" қилиб йирик ер эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини олади (йирик ер эгалари 10 танобдан кўпроқ ери бўлгани учун аъло қаторида солиқ тўлайдилар) ва солиқ солиш системаси амалда обеление системасидир, деган хулоса чиқаради. Шу асосда у солиқ солиш масалаларини кенгроқ қилиб аниқлашни лозим топмайди, яъни амалда энг кўп солиқ солинадиган ва солиқ машаққатини ҳаммадан кўп сезадиган деҳқонлар оммасига қандай солиқлар солинишини текширишдан бош тортади.

Бартолд ва совет шарқшунос тарихчилари А. Ю Якубовский, С. П. Толстов, П. Л. Иванов, Я. Ғ. Ғуломов ва бошқалар ўз асарларида баъзан Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳақида баъзибир масалаларга тўхталиб ўтадилар, лекин улар хонларнинг солиқ системасига багишланган махсус асар ёзиб чиқмадилар. Хивада ер солиги масаласи „Ўзбекистон халқлари тарихи"нинг II томида ҳам текширнлмагаи (1947 йил). Унда бу ҳақда айтилган бир-икки сўз амалда Шкапский, Ғиршфелд ва бошқаларнинг хато фикрларинг такрорлашдан иборат. Масалан бутунлай танқидсиз рашишда шундай фикрлар такрорланади:

„Хусусий мулк ерларга солинган солиқ бу ерларнинг қайси категорияси қуйидагиларга боглиқ: 1) Ёрлиқли мулк, яъни хоннинг ёрлиги билан аирим одамларга давлат ерларидан ажратилиб берилган хусусий мулк ерларп бу ерларга даҳяк ўрнига солгут деб аталган пул солиги олинар эди; 2) Оддий хусусий мулк—ерлар, қадимдан халқ қўлидаги ерлардан иборат бўлиб, уларга ҳам солгут солинар эди; 3) Атойи мулк ерлар (халқ тилида атой мулк) — бу ерлараан ер солиги эмас, тутун пули (довли нули) олинар эди. Ҳовли пули тўловчининг мол-мулк томонидан қайси группага киришига қараб ҳисобланилар ва шунинг учун даромад солигига ўхшар эди. Ўзбек

---

[108] Туркестанские ведомости, номер 33, 1873.

бўлмаган атойи мулкида яшовчи ерсиз чорикорлар ўзларининг мулкий аҳволларига қараб солиқ тўладилар, ўзбекларга эса алоҳида жон боши солиги солинар эди" [109].

Шу асарда яна шундай дейилади: давлат (подшоҳлик) ерларида яшовчи деҳқонлар форсча даҳяк бки арабча ушур деб аталган солиқни тўлар эдилар. Бу солиқ чигир билан сугориладиган ерларда ҳосилнинг $^{x}/ю$ арик билан сугориладиган ерларга $^{x}/_{6}$ қисмини ташкил қилар эди. Солиқ солишдаги бу тавофут чигир қуриш ва далага чигир билан сув чиқаришнинг қийинчилигига боглиқ эди. Бу ерлар кўгшнча хонликнинг гарбий қисмида эди.

Солиқ солишда дифференционал система (қарийб даромад солиги) мавжуд эди, деган гаплар, хон ва унинг атрофидагилар томонидан деҳқонларни шафқатсиз таляшни яширишга уринишдан иборат эканини архив материаллари аниқ кўрсатади. „Ўзбекистон халқлари тарихи" (1947 йил) кито-бида хоннинг солиқ сиёсатида эпг муҳим принсип бўлган — бойларга меҳрибонлик кўрсатиш ва бутун огирликни камбагал синфларга солиш принсипи ҳақида бир огиз сўз йўқ.

Бу китобда одам нақадар камбагал бўлса, у ўзининг оз даромадининг кўп қисмини хазинага тўлашга мажбур бўлгани кўрсатилмаган.

Фақат „Ўзбекистон халқлари тарихи" «1947 йил) китобидагина эмас, бошқа адабиётларда ҳам атойи мулк, ёрлиқли ва шупга ўхшаш мужмал сўзлар ер эгалиги ва солиқ солиги системасини чалкаштириб юбордилар, бу сўзлар халқ-нинг сипфларга бўлинишини кўрсатмаяди.

Бу мисоллар аниқ бўлиши учун Хива тарихи номли асар билан машҳур бўлган Веселовскийнинг бир мулоҳазасини келтириб ўтайлик. Унинг асари „Ўзбекистон халқлари тарихи"да танқид қилинмади. Веселовский шундай дейди: „Ўтроқ халқлар ҳар оиладан ўз ҳолига яраша бир йилга $^{x}/а$ тилладап 3 тиллагача солиқ тўлайдилар". Яна: „қушбеги, Хўжаш маҳрам, чиновниклар

---

[109] „Ўзбекистон халқлари тарихи ",П том, Тошкент, 1947, 160-бет. [5] Ўша жойда, 160-бет. Бунда айтилганларни Шкапский, Гиршвелд ва бошқаларнинг мулоҳазалари билан текшириб кўринг.

ва ҳатто хоннинг ака-укалари ҳам бу соликни тўлашлари лозим эди" [110]. Бу ўзбек феодал ўтмишини идеаллашгириш ўша замондаги ижтимоий-иқтисодий синфий кескин қарама-қаршиликларни бўяб кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Хива хонлигидаги деҳқонларнинг турмушини ва солиқ зулмини кўрсатиб берадиган асарларнинг ҳозиргача йўқлиги сабабли бу темада ёзилган ҳар бир асар фан томонидан шу кунгача очилмаган материаллардан фойдаланса яхши бўлар эди. Хива хонлари архивининг хотира дафтарлари ана шундай материаллардир. Бу дафтарларда биз жуда кўп ҳужжатлар топамиз. П. П. Иванов бу дафтарларнинг мундарижасини қисқача баён қилиб, уларнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади [111]. Аммо ер эгалиги ва солиқ солиш масалалари билан у машгул бўлмади, чунки унинг олдида турган вазифа бу эмас эди. Шунинг учун Иванов П. П. томонидан топилган дафтарларгина тўлиқ равишда текширилгани ҳолда Хива феодал ер эгаларининг турли томонлари аниқланар, тўла мукаммал бўлмаса ҳам, катта аҳамиятга эга бўлган материаллар топилар эди.

С-699 ва 34-номерли дафтарлар ҳам ер солиги масаласини текшириш ва ишлаб чиқиш учун фавқулодда аҳамиятга эгадир.

Шу дафтарлар ва бошқа архив материаллари асосида биринчи марта ҳар бир солиқ тўловчи — мулкдорларда қанча ер борлигини аниқлаш мумкин бўлди.

Архив биринчи марта, одатда, ўз ерлари бўлмаган ва ерни ижарага олиб ишлатадиган солиқ тўловчилар — чорикорлар — корандалар, беватанлар ва фуқароларни кўрсатди.

Ўзбекистоннинг ўтмишини текширувчи тарихчилар биринчи марта аниқ ҳужжатли материаллар асосида кенг халқ оммасининг XIX асрдаги турмушини кўздан кечира оладилар. Архив солиқ тўловчилар категориялари ва уларнинг умумий сони, айрим раёнлардан ва бутун хонликдаги йигилган

---

[110] Веселовский Н. Юқорида кўрсатилган асар. – Б. 335.
[111] Иванов П. П. „Архив Хивинских ханов". - Ленинград, 1940. – С. 44.

соликнинг суммаси, солгут йигиш системаси иа усуллари ҳақида шу вақтгача фан учун маълум бўлмаган аниқ маълумотларни беради. Бу дафтарлар солиқлар хон хазинасини тўлдирадиган асосий манба бўлишини ва шу сабабдан солиқ жуда шафқатсиз равишда қаттиқ қўллик билан ундириб олинишини тасдиқлайди. Солиқларни ундириш феодал давлат аппаратининг энг муҳим вазифаларидан бири эди. Солғут ундириш иши қушбеги ва меҳтарнинг вазифаси эди; архив бу икковининг ўртасида бутун хонликнинг территорияси қандай тақсимланганлигини кўрсатади.

Дафтарларни текшириш шу даврдаги феодал Хивада солиқларнинг моҳиятини очиш учун имконият тугдирадирганлигини М.Йўлдошев алоҳида таъкидлайди. Аммо такрор-такрор эсга солиб ўтамизки, архивдаги солиқ хужжатлари маҳкамалардаги „дело" ва „папкалар"га ҳеч бир ўхшамайди. Архив материалларини йигувчи А. Л. Кун бу ҳақда шундай деб ёзади:

Бу дафтарлардаги маълумотлардан ҳам чуволганроқ нарсани кўз олдига келтириш қийин. Девонлардан бу дафтарларда нималар ёзилганини тушунтириб беришни илтимос қилганимизда, уларнинг ўзлари ҳам бу дафтарларга нима ёзилганлигини айтиб бера олмадилар. Масалан, кўтара савдодан олинган закот ҳақидаги ёзмаларни текширганда, закот йигувчи ўзи ёзган дафтарига қараб, шаҳар дарвозасидан неча туя мол чиққани, Россия ва Бухорога Хивадан туя билан қандай моллар юборилганлиги ҳақида ҳисоб бера олмади. Кўтара савдо молларидан, кўчманчиларнинг чорваларидан олинган закот ва бошқалар ҳам бирга ёзилган, кимдан нима учун ва қанчалик закот одингани номаълум.

Иккинчи мисол — закот дафтарида туялардан олинган закот, қуллар, қул хотинлар ҳисобидан олинган закот ҳаммаси бир даромад моддасига ёзилган. Бу ҳақда жуда кўп суруштирганимиздан кейин девон бундай деб тушунтирди: қул ва қул хотинларни Хивага туркманлар туяга ортиб олиб келадилар. Қулларни сотиб бўлгандан кейин, улар ўз жойларига

кетаётганда, шу туяларга дон ортадилар ва шу вақтда дон учун закот тўлайдилар[112].

Бундан ташқари, солгут ҳужжатларини ёзиш системаси шу қадар қолоқ ҳолдаки унинг мазмунини тушуниш осон эмас.

XIX асрдан маҳаллий халқнинг қулчилиги ўтроқ ҳолда яшаган ва кўзга кўринарлик саноати бўлмаган қолоқ феодал Хивада қишлоқ аҳолисига солинган солиқнинг асосий шакли ер солиги бўлди.

Ҳокимият бошида феодаллар бошқа давлатлардагидек, Хивада ҳам ер солиги йирик ер эгаларининг манфаатига зарар келтирмади, унинг бутун огирлиги деҳқонлар оммасининг устига тушди.

Хива хонлигида XIX асрда анча мустаҳкам ва етилган солиқ системаси бор эди. Ер солиги — солгутнинг ундирилиши ёзилган анча кўп дафтарлардан иборат бўлгйн Хива хонлари архиви хон ва феодал бошлиқлари томонидан кенг меҳнаткашлар оммасининг ваҳшиёна эксплуататсия қилинишини ва таланишини яққол кўрсатиб беради.

Феодал Хивада солиқ ундириш аппарати кучли эди ва бутун давлат бошқармаси системасида биринчи ўринда турар эди.

Муҳаммад Раҳим хоннинг ислоҳотлари билап мустаҳкамланади.

Солиқ ислоҳоти қисман феодалларнинг натурал солиқ ундиришда ўзбошимчалик ва хиёнат қилишлари натижасида деҳқонларнинг кураши кучайиши билан тезланди. Натура солиқ Хивада XIX асрнинг бошларигача бор эди.

Солиқ формаси яна феодал тарқоқлигини йўқотишга ва марказлашган хон ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилган ижтимоий кучларнинг ҳаракатлари билан ҳам тезлаштирилди. Илгари вақтларда солиқ ундириш маҳаллий феодаллар қўлида бўлиб, марказий ҳокимликни мустаҳкамлашга эмас, унинг бўшашига хизмат қилар эди. Муҳаммад Раҳим хон давлат органлари томонидан ундириладиган пул солигини қонунлаштириб, бутун солиқ тўловчиларни уч, группага: аъло, авсат, адногa ажратди.

---

[112] Кун А. Л. „Заметки о податях в Хивинском ханстве ". „Туркестанские ведомост" газетаси, 1873 йил, 32

Хива архивининг 6, 7,11, 32-номерли дафтарларида солиқ тўлов-чилар рўйхатида нишонадори қушбеги, нишонадори меҳтар деган белгилар кўп учрайди. Текширилгандан кейин маълум бўлдики, бу нишона тўловчиларни бирор йил ичида солиқдан озод қилиш ҳақидаги ҳужжат экан. Одатда бу ҳужжат қушбеги ва меҳтарнинг қариндошларидан бирортасига берилар эди[113].

Демак, солгутдан умрбод озгод қиладиган ёрлиқ билан бирга солгутдан бир йил давомида озод қиладиган нишона номли ҳужжат ҳам бўлган [114].

Муҳаммад Раҳим хоннинг ислоҳотига биноан, ҳокнмдар ва бошқа маҳаллий маъмурлар солиқ солиш ва ундириш ҳуқуқидан маҳрум эттирилди. Бу иш кундан-кунга кучая борган марказий ҳукуматнинг қўлига ўтиб қолди. Қушбеги ва меҳтарга солгут йигиш, девон бегига эса закот йиғиш топширилади.

Ҳокимларнинг раҳбарлигига боглиқ бўлган бошқа масалаларга юқорида кўрсатилган катта мансабли амалдорларнинг дахли йўқ эди.

Шундай қилиб, қушбеги ва меҳтар ўз ўрталарида мамлакат раҳбарлигини тақсим қилиб олган эмас, деган хато фикр бор эди, ҳолбуки архив ҳужжатлари бунинг аксини кўрсатади.

Муравев ёзади: Муҳаммад Раҳим хон ўзбошимчаликни, талончиликни йўқотди, солиқ ундириш ишида доимий тартиб ўрнатиб, даромадни кўпайтирди, божхоналар ва бошқа муассасалар ташкил этди.

Хива хонларининг архиви XIX асрда Хива хонлиги территориясида — Ҳазорасп, Тошҳовуз, Шоббоз, Хонқа, Ғур-лан, Мангит, Қипчоқ Қилич Ниёз бой, Хива, Анбар, Манокда маъмурий Вилоятлар бўлганини кўрсатади. Ундан ташқари, гарчи архив дафтарларида кўрсатилмаса ҳам, бизга маълум бўлишича Янги Урганч, Илонли, Ғазавот, Хўжайли, Хитойда ҳам Вилоятлар бор эди.

---

[113] Misol 6—17 nomerli daftarda Nishona mehtarona berilgani ko‘rsatilgan

[114] Bu haqda bizga 1952 yil, Karimberdi devon tushuntirib berdi (Hozir Karimberdi devonni xalq ham devonbegi deb ataydi). Uning otasi Rahimbergan va bobosi Xudoybergan ham Xiva xonlarining saroyida devon bo‘lib ishlaganlar.

Шундай муҳим раёнларнинг расмий рўйхатларда бўлмаганлигининг сабаби шуки, келган солиқларни ёзиб турувчи девонлар бу томонларни ўз ўрталарида тақсим қилганда, Вилоят белгиси билан эмас, балки бошқа бир белгилар билан тақсим қилиб олганлар. Девонлар солиқ келимини ёзганда, шу жойнйнг қайси Вилоятга қарашли бўлишига эътнбор қилмасдан, иқтисодий томондан бир хил бўлишига қараб, биронта каналнинг шимолий томони, жанубий томони деб ёзар эдилар. Мана худди шунинг учун солиқ йигишда энг кўп маъмурий нуқта — мачит зди.

Масалан, Питнак раёнидан дафтарда фақат 4 мачит (Қатқат, Ортиқ Араб, Қози Аваз, Сиёпур) ёзилган. Архив худди шу мачитлар меҳтарнинг қарамогида бўлганини кўрсатади[115].

М.Йўлдошев томонидан Данилевский, Муравев, П.П.Иванин асарлари тадқиқ қилкиниши натижасида Хива хонлигида солиқлар турли хил бўлиб, улар ер турига қараб меҳтар ва қушбеги томонидан йиғилиши аниқланди.Шунингдек, Хива хони Муҳаммад Раҳим хоннинг ислоҳотига биноан, ҳокнмдар ва бошқа маҳаллий маъмурлар солиқ солиш ва ундиряш ҳуқуқидан маҳрум эттирилди. Бу иш кундан-кунга кучая борган марказий ҳукуматнинг қўлига ўтиб қолди. Қушбеги ва меҳтарга солгут йигиш, девон бегига эса закот йигиш топширилган.

Шу билан бирга хонликда натурал солиги XIX асргача мавжуд бўлгани ҳам маълум бўлди. Аммо закот солигини юритувчилар туя ва куллар бошқаларни умумий дафтарга ёзиб борганликлари ушбу закот солиги ҳақидаги архив манбаларини ўрганишни ва улар юзасидан статистика маълумотларини келтириб чиқаришни қийинлаштиради.

## 3.3. Академик М.Йўлдошев томонидан Хива хонлиги ҳунарманчилиги ва савдо-сотиқ масалаларининг ёритилиши

---

[115] СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти fondi, 33, papka nomeri 2.

Савдо-сотиқ кучая борганлиги Хивадаги катта ер эгаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги ерларни босиб олиш, деҳқонларни борган сари кўпроқ эксплуататсия қилиш учун замин тугдирди. Бунинг учун улар.ўз таянчлари бўлган ва марказлаштирилган феодал давлатнинг мумкин қадар кўпроқ мустаҳкамланишига манфаатдор бўлиб қолдилар.

Хиванинг айрим раёнларида ва Хивага туташган ерларда яшовчи кўчманчилар галлани кўпроқ талаб қиладиган бўлиб қолдилар.

Шу тариқа деҳқончилик билан шугулланувчи Хива ва кўчманчи аҳоли ўртасида қизгин савдо алоқаси вужудга келди. Кўчманчилар Хивага ишчи кучи (қуллар), шунингдек отлар, чорва моллари етказиб берадиган бўлиб қолдилар. Хива эса кўчманчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан, асосан галлани тобора кўпроқ миқдорда сотадиган бўлиб қолди.

Мутлақо равшандирки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши гоят паст даражада бўлган ўша вақтдаги шароитда бозорга товар тариқасида чиқариб сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини катта ер эгаларигина етказиб бера олар эдилар.

Йирик феодал-помешчик ер эгалигининг ўсиши, илгари асосан натурал хўжалик ҳукмрон бўлган ерларда пул муомаласининг кенг ёйилиши тақсимот соҳасида муқаррар ўзгаришлар тугдиради, шу билан бирга сотсиал тенгсизлик ҳам кучаяди, бойлар билан камбагаллар ўртасидаги қарама-қаршилик зўраяди. Ишлаб чиқаришнинг ва айирбошлашнинг ривожланиши натижасида тугилган ва аввалгидан бошқачароқ бўлган тақсимот усули пассив ҳолатда қолмайди, балки унинг ўзи ишлаб чиқаришга ва айирбошлаш усулига таъсир қилади. Йирик ер эгалигининг ўсиши савдо-сотиқнинг кўпайишига сабабчи бўлди; савдосотиқнинг кўпайиши эса феодал экономикасининг янада мустаҳкамланишига ёрдам берди. Бу ҳолат эски сиёсий муассасаларни емириб, янги сиёсий муассасалар вужудга келтиришни талаб қилди. Катта ер эгалари иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борган

сари, улар бойликларни ўз қўлларида кўпроқ тўплай"- бердилар, сиёсий ҳокимиятдан фойдаланишга активроқ бў-либ интила бошладилар.

Демак, Хивада марказлаштирилган феодал давлатнинг қайта тикланишини ва мустаҳкамланишини иқтисодий тараққиётнинг эҳтиёжлари талаб қилади. Бу талаб Муҳаммад Раҳимхон ва унинг ўрнига кейин тахтга ў.тирган хонлар даврида амалга оширилди.

„У (Муҳаммад Раҳим хон. — *М. Й.)* бутунлай янги давлат барпо килди дейиш мумкин,—деб ёзади Муравев.— эндиликда бу давлат Осиёдаги энг кучли хонликлар жумласига киради"[116] .

Кўчманчи феодаллар ҳокимияти заифлана борганлиги бплан бир вақтда хон ҳокимияти кучая борди. Уругларнинг бошлиқлари ўз уруглари доирасида ҳақиқатда мустақил йш кўрар эдилар. Бундай шароитда хон ҳокимиятинйнг марказлаштирилиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Жанубий ва Марказий раёнларда эски уругларнинг ўз ерларидан олинган даромадлар билаи яшовчи анчагина қисми ўзаро урушларнинг тўхтатилишини, бинобарин йирик ер эгалигига кенг йўл очиб берадиган марказлаштирилган ҳокимиятни мустаҳкамлашни талаб қилар эдилар. Катта ер эгалари ўз ерларидан олинадиган  даромадни шу ерларда ишловчи деҳқонларни талаш йўли билан кўпайтиришга интилдилар. Бупипг патижасида деҳқонларни эксплуататсия қилишни кучайтирдилар, бу эса деҳқонларнинг феодалларга қарши синфий курашини кескинлаштириб юборди. Оқибатда ер эгалари бўлган феодаллар деҳқонларнинг эксплуататсия қилиниши кучайтирилганлигидан норози бўлган кишиларнинг қаршилигини бостира оладиган ва марказлаштирилган бақувват ҳокимият вужудга келтирилишига фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга синфий жиҳатдан ҳам манфаатдор бўлиб қолдилар. Ҳали тўла равишда ўтроқликка ўтмаган кўчманчи уругларгина ўзларининг иқтисодий қолоқликлари сабабли ҳокимиятнинг марказлаштирилишига қарши бўлдилар. Бундай қаршилик Орол-Қўнгирот ва Қорақалпогистон раёнларида

[116] Н.Н.Муравъёв. Путешествие в Туркмению и Хиву.  II. 45 стр

кўпроқ рўй берди, шунинг учун ҳам Муҳаммад Раҳим хон ўзига бўйсунмаганларни қаттиққўллик ва шиддат билан бостиришга киришди.

Шаҳарлардаги савдогарлар ва ҳунарманд косиблар хонларнинг ва уруг бошлиқларининг босқинчилигидан, уларнинг ўртасидаги ўзаро урушлардан жуда кўп зарар кўрганлиги сабабли, ҳокимиятнинг марказлаштирилишини қўлллб-қувватлайдиган куч бўлиб қолди.

Хива савдогарлари билан Россия ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги сабабли, улар ҳокимиятнинг марказлаштирилишига гоят манфаатдоръ эдилар. Хива савдогарлари Россия давлатининг Оренбургдан тортиб то Петербургга қадар, Астрахандан тортиб то шимолга қадар ҳамма ерига бемалол бориб, савдо-сотиқ қилар эдилар. Шу сабабли савдогарлар бутун Хива терри-ториясига якка ўзи ҳукмрон бўлишга интилаётган Муҳаммад Амин Иноқни астойдил қувватлади[117].

Хон давлат ишлари учун пулга муҳтож бўлиб қолганида савдогарлар ундан пул аямас эдилар[118].

Муҳаммад Амин Иноқ 1184 (1770—1771) йилда амир Дониёлдан ёрдам сўраб Бухорога сафар қилганда, унга ҳамроҳ бўлиб борган 63 киши орасида Абдураҳмон бой, урганчлик эшқобил бой, хонқалик Ниёз Муҳаммад бой деган учта бой ҳам бор эди [119]. Шу билан бирга савдогарлар ҳам муайян ўрин олар эдилар. Бинобарин, улар хонга оталиқлар, иноқларъ ва шулар қаторида маълум даражада таъсир ўтказиш имкониятига эга эдилар. Ўриндор оқсоқоллар орасида Хонқа бойларидан бир киши ва Янги Урганч бойларидан икки киши бор эди [120].

Айирбошлаш ривожлана бориши билан „ҳамма жойда аҳоли орасида тўхтовсиз давом қилиб келган бемаъни уругдларга хотима берилишини, ҳатто мамлакат ичига ташқи душман кириб олган тақдирда ҳам, мамлакат

---

[117] „Фирдавс ул иқбол", СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтидаги қўлёзма. - С 571, 1115а, П-варақлар.
[118] Хива хонлари архиви, 76-дафтар, 69, 69, 71, 71, 72, 75, 75, 76-варақлар.
[119] Баёний, Хоразм тарихи, 78 - варақ.
[120] СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, arxiv. fond 33, p. 2.

ичидаги тўхтовсиз уруш давом эттирила беришига сабабчи бўлаётган ва феодаллар ўртасида давом қилаётган жанжалларнинг тўхтатилишини, бутун ўрта асрда муттасил давом қилиб келган тўхтовсиз ва бутунлай бемаъни қиргин урушларга хотима беришни истаётган элементларнинг сони кўпая борди" .

XIX асрнинг бошида Хива хонлигида марказий ҳокимиятнинг аҳамияти ва обрўйи анча кўтарилди. Зотан, мамлакат иқтисодий тараққиётининг эҳтиёжлари ҳам марказий ҳокимият пинг шундай бўлишини тақозо қилар эди.

Хива хонлиги тарихида XIX аср ишлаб чиқарувчи кучлар анча ўсган ва хўжалик ҳаёти мустаҳкамланган давр бўлди. XIX асрда Хиванинг Россияга қўшиб олиниши тугалланди.

Хива хонлиги территориясидаги шаҳарлар, пшҳар аҳоли-сининг сони ва сотсиал таркиби масаласи жуда муҳим масаладир.

Шаҳарлардаги аҳолининг кўпчилиги ҳунарманд-косиблар ва савдогарлардан иборат эди. Ер эгаларининг анчагина қисми ҳам шаҳарларда яшар эди.

